

1902  
199  
А-31

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги  
Республика ўқув-методика маркази

1

**АДАБИЕТ УҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

(Педагогика институтлари ва университетларнинг  
филология факультетлари учун дастурий қўлланма)

1994

Тошкент — 1994

405.2  
89  
73

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI  
RESPUBLIKA UQUV-METODIKA MARKAZI

~~O'zbek filologiyasi  
fakulteti  
O'QUV XAL~~

АДАБИЁТ УЧИТИШ МЕТОДИКАСИ

Педагогика институтлари ва университетлар-  
нинг филология факультетлари учун дастурий  
қўлланма/

Тузувчилар: К.Йулдошев  
О.Мадаев  
А.Абдураззоқов  
Масъул муҳаррир: О.Абдуллаев

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSHTA'U  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ - 1994

Дастур - қўлланма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги ўқув-методика маркази қошидаги Ўзбек адабиёти  
оўйича илмий методик Кенгашнинг 1994 йил 19 апрель қарори  
билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.



ЎҚИТИРИШ ХАТИ

Вақт кўрсатдики, ёнғон ахлоқ билан, сунъий маънавият билан узоққа бориб бўлмайди. Инсоният маънавиятининг умумий хизматларидан ёз ўгириб эзгуликка эришиш мумкин эмас. Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожини таъминламоқ учун унда яшайдиган кишиларнинг маънавиятини шакллантириш йўллари ҳақида ўйлаш, маънавий қадриятларнинг устиворлигини тан олиш шарт эканлиги ойдинлашди. Ҳар жиҳатдан таназулга ёз тутган жамиятни қутқаришнинг бирдан-бир тўғри йўли маънавиятни соғломлаштириш эканлиги тан олинди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда тарбияга айрича эътибор қаратиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди.

Маълумки, ҳар қандай тарбия тарбиячини тайёрлашдан бошланади. Руҳий-ахлоқий олами умуминсоний талабларга яқин берадиган шахсларни тарбиялаши лозим бўлган тарбиячилар ҳам умуминсоний мезонларга мос келадиган тарзда тайёрланиши кераклиги аён ҳақиқатдир. Ҳар қандай тарбия тизими тарбиячи кучи билангина фаолият кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам янгича тафаккур томир ёяётган ҳозирги шароитда тарбиячини ўқитувчини тайёрлаш муаммоси энг муҳим маънавий масалалардан ҳисобланади.

Инсон хулқини шакллантиришда, унинг ички оламини гўзаллаштириш туйғуларини, сезимларини тарбиялашда бадий адабиётнинг бошқа барча воситалардан ўзгача ўрни борлиги тан олинган ҳақиқат ва шу боисдан ҳам адабиёт фани мактаб таълимида алоҳида ёксак мавзу мавқега эга. Бу ҳол бутун дунёдаги ривожланган ёки ривожланиш йўлидан бораётган давлатлар мактабида ҳукм сураётган ҳолатдир. Шу сабабдан миллатнинг маънавиятини соғломлаштириш учун адабиёт ўқитишни тўғри йўлга қўйиш бизнинг мустақил мамлакатимизда ҳам кучли заруриятга айланди. Адабиёт ўқитишни тубдан яхшилаш эса адабиёт ўқитувчилари тайёрлашни тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам филологлар тайёрланадиган олий ўқув юртиларида "Адабиёт ўқитиш методикаси" фани қандай характерга эга бўлиши, унда адабий таълим қай тарзда талқин этилиши, адабиёт ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бадий асарни ўрганиш йўллари ва шунга ўхшаш муаммоларнинг ҳал этилиши катта аҳамият касб этади. Ушбу дастур ана шу зарурат туфайли ёзага келди.

Дастур ҳақида фикр эритилар экан, ҳар қандай ҳолатда ҳам

бу фикрлар ушбу дастур асосида яратилган (ёки яратилажак) дарсликка бевосита алоқадор бўлади. Чунки, дастурда бериладиган фикрлар маълум маънода дарсликда ёритилиши мўлжалланган масалаларнинг тезис шаклидаги ифодасидир.

Ушбу дастур мустақиллигимиз шарофати билан тамомила янгиланган дастурдир. Ва ушбу дастур асосида яратилажак дарслик ҳам шубҳасиз янгиланган дарслик бўлади. Лекин, уни ҳар жиҳатдан мукамал дастур ва дарслик дейишга ҳали вақт эрта. Бундай хулоса чиқаришга асосан дастур ва дарсликдаги битта мавзу ҳалал беради.

Методика ўз номи билан методикадир. Методикага оид мукамал дарсликнинг марказида илмий жиҳатдан асосланган, умумлашган, жумҳуриятимиз мактаблари муҳокамасидан ўтиб, ҳаётга татбиқ этилган таълим методлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр ёритиш тақозо этилади. Ҳозирчалик эса мустақил Ўзбекистон давлатининг миллий мактабларига ҳар жиҳатдан мос келадиган бундай методлар йўқ. Бундай методларни яратиш ва мактабларимиз муҳокамасидан ўтказиш узоқ илмий изланишларни, Марик тадқиқотларни ҳамда ўзига яраша муддатни талаб этади. Олий ўқув юртларига эса янгиланган дарслик бугун зарур.

Демак, том маънода мукамал дастур ва дарслик яратиш учун вазиятнинг тўла нишиб етилишини кутишнинг имкони йўқ. Шу сабабли маъқур дастурда бу борада ҳозирга қадар қўлланиб келинган адабиёт таълими методларининг ютуқ ва камчиликларини атрофлича таҳлил этиш; уни танқидий ўрганиш ва бу методлардан ижодий фойдаланиш йўриқларини кўрсатиш; миллий мактабларимизнинг методика соҳасидаги ўзига хос илғор тажрибаларини шикон қадар кенгроқ шарҳлаш; шунингдек, янги т методлар қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида шахсий мулоҳазалар ёритишни кўзда тутиш билан чекланилди.

Шу ўринда собиқ совет мактабларида ўзини у қадар оқлаган, миллий руҳимиздан узоқ бўлган методларни ўрганиш шартми, деган савол туғилиши мумкин. Бизнингча, ўша методларни бундай ёритиш зарур. Нима учун? Биринчидан, ёқорида айтганимизда, бу методларимизни яратгунга қадар улардан ижодий

фойдаланиб туриш учун.

Иккинчидан, илм чегара билмайдиган, жаҳондаги энг байнал-  
милал ҳодисалардан биридир. Биз ўз методларимизни яратишда  
фақат рус истилосига қадар амалда бўлган туркий мактаб ва мад-  
расалардаги ўқитиш усулларига таяниш билан чеклансак, методи-  
ка соҳасида жаҳон тараққиётидан деярли 130 йил орқада қолиб  
кетишга маҳкум бўламиз. Шундай экан янги методикамиз аждодла-  
римизнинг бу борадаги сабоқларидан озиқлангани ҳолда, қардош-  
ларимиз ва бошқа мамлакатлар бугунги кунда қўллаётган илғор  
методлар билан баҳслашиб дунёга келади. Баҳслашиш учун ҳам,  
ижодий фойдаланиш учун ҳам, лозим бўлса танқид қилиш учун ҳам  
уларни маълум даражада билиш талаб этилади.

Учинчидан, собиқ совет мактабларида қўлланилган адабиёт  
ўқитиш методлари кутилган натижани бермаганлигининг сабабини  
бизнингча, биринчи галда, ўша методларнинг яроқсизлигидан  
эмас, балки, бу методларда кўзланган ниятларни амалга ошироқ  
учун совет тузумида шароитнинг етарли бўлмаганлигидан изламоқ  
керак. Шундай зарурат туфайли истиқбол учун зарур ҳулосалар  
чиқариш мақсадида собиқ совет мактабларидаги шароитни я танқи-  
дий ўрганишга масаласига дастурда алоҳида эътибор берилди.

Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш салоҳиятини ўс-  
тириш борасида чексиз имкониятларни ўзида жамлаган адабиёт  
ўқитишнинг муаммоли таълим тури бизнинг мактабларимизга овру-  
подан ўрис методикаси орқали кириб келди. Лекин, кузатишлари-  
миз муаммоли таълимнинг йирик илдиэларини қадимий шарқдан  
излашни тақозо этмоқда. Айниқса, Ҳусуф Ҳос Ҳожибнинг "Қутадғу  
билик" достони. Алишер Навоийнинг "Лисон-ут-тайр" каби асар-  
лари ва умуман, классик адабиётимиз билан боғлиқ тасаввуф  
таълимоти бу борада беқиёс даражада бой манба вазифасини  
ўтайди.

Муаммоли таълимнинг шарқона илмий-фалсафий илдиэларини  
ассослашда Абу Ҳонид ал-Ғаззолийнинг (XI аср) "Мизон-ул-амал",  
"Таҳфут-ул-фалосифа" каби асарларидан, шунингдек, ал-Ҳоро-  
бий, ал-Беруний, ал-Ҳоразмий каби мутафаккирларимизнинг оу-  
радаги мўътабар фикрларидан фойдаланиш кутилган натижани  
биринчи нубҳасиз. Ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда  
таълимнинг муаммоли таълим турига алоҳида

берилди ва уни кенгроқ ўрганиш кўзда тутилди.

✓ Хуллас, ушбу дастурда шу вақтга қадар истеъмолда бўлган адабиёт ўқитиш методикасига оид дастур ва дарсликларнинг энг яхши анъаналарини давом эттириш, уларни мумкин қадар ривожлантириш билан бир вақтда уни истиқболда олиб бориладиган етук илмий-методик тадқиқотлардан, шунингдек, миллий мактабларимизнинг илғор тажрибаларидан озиқлантириш ҳисобига нашрдан-нашрга мукаммаллаштириб бориш мўлжалланди.

Яна, ушбу дастурдан фойдаланишда муҳтарам ҳамкасбларимиз эътибор қаратишлари талаб этиладиган, собиқ совет мактабларида адабиёт ўқитиш методикаси дастурларидан тубдан фарқ қиладиган ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

I. Адабий таълимге янгича тафаккур талаби билан ёндашишни, бадий асарларни янгича тамойиллар асосида баҳолашни даъво қилган янги йўналишдаги адабиёт ўқитиш методикаси фани учун энг асосий масалалардан бири методология масаласидир.

XX аср туркий илмларнинг деярли барчаси учун оврупо тамойилларига амал қилиш, унга асосланиш асри бўлди дейиш мумкин. Негаки, оврупо мамлакатларида тараққиётнинг юксаклиги ҳар жиҳатдан уларнинг турмуш ва тафаккур тарзига тақлид қилишни тақозо этди. Коммунистик мафкура бу тақлидни мажбуриятга айлантirdи. Натижада туркий илм ўзининг кўп асрлик анъаналаридан воз кечиб қарама-қаршилик ва инкорни ривожланишнинг асоси деб қарайдиган, жамият тарихини курашлар тарихи тарзида изоҳлайдиган ғарб илми тамойилларини қабул этди. Ҳолбуки неча юз йиллар мобайнида исломий илм, тасаввуф фалсафаси оламни буюк Мунтазамлик, тасофиларга ўрин қолдирмайдиган илоҳий Қонуниятлар, Мувофиқликлар ҳосиласи тарзида изоҳлаб келганди. Бу фалсафага мувофиқ оламни билиш - Аллоҳни билиш, дунёни тушуниш - Аллоҳни тушуниш, инсонни камолотга етказиш - уни Аллоҳ жамолига яқинлаштириш демакдир. Мана шу методология асос ҳар қандай илми кундалик ташвишлардан юқори, майда шахсий манфаатлардан ҳоли бўлишига олиб келарди. Ушбу дастур айни шу методологияга асосланиб тузилди.

Методологиядаги ўзига хосликдан келиб чиқиб, ушбу дастурда бадий адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрни масаласига ҳам мутлақо янгича ёндашилди. Шунингдек, бадий асарларни тушу-

ниш ва изоҳлаш ҳам марксистик методологияга таянилган даврдан таълимда тамомила айрича ҳолатда амалга оширилиши кўзда тутилди.

2. Дунёга келган ҳар бир инсон ўз туйғуларини, фикрларини, ҳатти-ҳаракатларини идора қила оладиган, уларни тафтиш эти оладиган ва шу орқали ўзлигини билладиган даражада тарбияланиши, камолотга етказилиши керак. Адабиёт ҳар бир алоҳида олинган одамга ўз лигини танитиш воситаси эканлигига эътиборни кучайтириш ушбу дастурнинг асосий хусусиятларидан биридир.

3. Дастурда адабий таълимнинг талабалар ўрганадиган бешқа фанлардан туб фарқига алоҳида эътибор қаратилди ва адабиёт дарслари ҳаммиса алоҳида шахслар томонидан ўзига хос шахсларни шакллантириш воситаси сифатида изоҳланди. Бинобарин, адабиёт ўқитишда ўқитувчининг шахслик, инсонлик хусусиятлари биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, адабий таълим ўқувчи шахсининг индивидуал хикматларини максимал даражада ҳисобга олиши кераклиги ҳам дастурда кўзда тутилди. Шахслик масаласига дастурда алоҳида урғу берилётган нининг сабаби шундаки, яқин келажақтаги одамнинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари, асосан, адабиёт бўйича бўладиган машғулотларда шакллантирилади. Ўқув режаларидаги ўзга предметлар тарбияланувчиларнинг онгини ривожлантириши, жисмини ўстириши, ёхуд унга меҳнат қилиш малакасини сингдириши мумкин. Аммо фақат адабиётгина тарбияланувчининг инсоний қиёфасини бунёд этишга қодир. Адабиёт – руҳни кўзгатиш, туйғуларни ҳаракатга келтириш воситаси. Адабиёт дарсларида ўқувчиларга қандайдир маълумотлар бериш билан кифояланилмайди, ҳатто бу хилдаги маълумотлардан хабардор этиш адабиёт машғулотларининг асосий функциялари сирасига кирмайди ҳам. Бу дарсларда алоҳида шахснинг маънавий қиёфасини шакллантириш ўқитувчининг диққат марказида бўлади. Одам ўз ҳатти-ҳаракатларини ҳаммат томонидан, инсоният томонидан маъбул ва намуна бўларли деб ҳисобланувчи ҳатти-ҳаракатлар билан солиштиришга, ўзига шу қиёс натижасига кўра баҳо беришга одатлана боради. Адабиёт ўқитувчиси учун ҳам, адабиёт дарслари учун ҳам тарбияланувчиларнинг инанидир билиб қўйганидан кўра қандай ахлоқий сифатни, инсоний фикрларини сингдириб, ўзлаштириб олгадигани муҳимдир. Дастурда адабиёт машғулотларининг шу жи-



аътирига урғу берилди. Адабиёт дарсларида қалони шаклланти-  
ла бос мақсад булгани ҳолда, ақл такомилга ҳам эътибор  
қилинди. Қадим Туркистон мактаблари асрлар мобайнида маънави-  
мактаблари бўлиб келган. Таълим дейилганда, бадиий сўз би-  
ра, илоҳий калом билан ишлаш кўзда тутиб келинган. Табиий  
аниқ фанларни ҳаммага, ҳамisha ўргатишга уринилмаган замон-  
да Туронзаминда аниқ ва табиий фанлар тараққийси анчагина  
тасвир эди. Дастурда бу ҳолнинг илмий-педагогик сабаби изоҳла-  
ниши ҳисобга олинди.

4. Мустақиллик шарофати туфайли мактабда ислом динининг  
моҳиятини англашга интилиш кучайди. Лекин, бу интилиш ҳамма  
мактабларда ҳам тўғри йўналишда кечмоқда деб бўлмайди. Ҳатто  
баъзи ўқувчиларда ислом фанатизми аломатлари зоҳир бўлаётган-  
лиги сир эмас. Бу ислом дини моҳиятини тўғри англаб етмаслик,  
ислом таълимотидаги диний-фалсафий фикрларни қиёсий таҳлил  
эта билмаслик, шунингдек, баъзи мактабларда адабий сабоқ он-  
ларини беихтиёр дин дарсларига айлантириб ёбориш ҳолатлари  
оқибатидир. Бизнингча, адабиёт дарсларини дин дарсларига ай-  
лантириб ёборишдан эҳтиёт бўлмоқ лозим. (Бу иш махсус диний  
мактабларнинг вазифасидир, ва биз унга қарши эмасмиз). Лекин,  
адабиёт тарихини дин тарихи билан боғлаб ўрганиш — бу бовқа  
масала. Бунда ислом тарихидаги рангба-ранг диний-фалсафий  
фикрлар адабиёт тарихи билан боғлиқ ҳолда қиёсий таҳлил эти-  
лади ва ҳолисона баҳоланади. Қиёсий таҳлил эса ўз навбатида  
ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш салоҳиятини ўстириш-  
да муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирга кунда миллий мактаб яратиш борасида ўқувчилар-  
нинг ташқи қиёфасига эътибор кучаймоқда. Бизнингча, аввало  
уларнинг руҳини миллийлаштирмоқ зарур. Бундай миллийлаштир-  
моқ учун интилиш адабиёт дарсларида биринчи галда буюк аждод-  
ларимиз ижодини тушуниб мутолаа этишга интилишни тақозо эта-  
ди. Етмиш йил давомида ижоди бузиб талқин этиб келинган Аҳмад  
Яссавий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Умар Ҳайём каби  
мутасаввуф шоирлар ижодини мактабда на фақат ўқувчилар, бал-  
ки кўплаб адабиёт ўқитувчиларининг ўзи ҳам тўғри англаб етиш-  
га охишлик қилмоқдалар.

Тасаввуф ўта мураккаб ва ана шу мураккаблик баробарида,

инсон руҳий оламини поклашга қодир бўлган ноёб диний-фалсафий-маърифий таълимотдир. Яқин келажакда олий ўқув юрталарида бу борада махсус курслар ўқитилиши аниқ, Лекин, тасаввуфни ўқувчиларга англатиш учун уни англашнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки, уни англатиш йўл йўриқлари билан маълум даражада қуролланиш талаб этилади. Ана шу зарурат туфайли дастурда адабиёт дарсларида динга муносабат масалаларига, айниқса мута — саввуф шоирлар ижодини ўрганиш муаммоларига алоҳида эътибор берилди.

5. Бадий адабиётни ўрганишга ўзгача муносабат бўлганлиги учун ҳам адабий таълимда эстетик таҳлилнинг етакчи ўринга кўтарилиши табиийдир. Чунки ўқувчиларга қандайдир маълумотларни ўрганувчи қиёфасиз кишилар сифатида эмас, балки муайян ахлоқий йўналишга эга бўлган, эндиликда энг жисак умуминсоний сифатларни ўзлаштиришлари лозим бўлган индивидуал шахолар тарзида ёндашиллар экан, эстетик таҳлилнинг асосий ўрин эгаллаши тушунарлидир. Эндиликда адабиёт ўқитувчиси тарбияланувчилари қалбида бадий сўзнинг жозибасига ижобий муносабат, ўзга одамнинг руҳияти тасвирдан, кечинмалари ифодасидан таъсирланиш сингари сифатларни пайдо қилишга эътибор қаратиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда.

Ана шундай табиий эҳтиёждан келиб чиқиб, дастурда адабий таълимнинг барча масалаларига маънавият нуқтаи назаридан ёндошилди. Бадий асарга муносабат эса ҳамisha эстетик таҳлил доирасида амалга оширилиши кўзда тутилди.

6. Адабиёт дарслари мураккаб инсоний сезгилар ҳақида баҳс юритувчи машғулотлар бўлганлигидан уларда самимий муносабатлар, ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаралиқлик ҳукмрон бўлиши назарда тутилади. Бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатлари бошқа ўқув предметларидагидан маълум даражада фарқ қилиши лозим бўлади. Адабиёт ўқитувчиси ўқувчилари томонидан севилиши шарт. Чунки адабиётчи қалбни шакллантирмоқчи экан қалбга фақат м у ҳ а б б а т орқали кириб бориш мумкинлигини ҳисобга олиши керак бўлади. Ўрақнинг туғёнларини ўрақка етказмоқ учун ўрақларни забт этмоқ даркор. Демак, ўқувчи-ўқитувчи муносабатида инсоний илиқлик, покиза муҳаббат ҳукмронлик қилмай туриб самарага эришиш мум-

кив эмаслигига дастур бўлажак ўқитувчининг эътиборини қаратади.

7. Адабиёт ўқитиш методихаси фани бадий асарнинг, асл адабиётнинг тузумлар ва уларнинг мафкураларидан кўра умри узунроқ эканлигидан келиб чиқиб, адабиёт ўқитишда синфий мафкурага таянмаслик, балки Аллоҳнинг энг нажиб кашфиёти бўлмиш инсонга энг кўп даражада хос бўлган фазилатлар, қарашлар, туйғуларга асосланиш тўғри йўл эканлигини назарда тутати. Ёшларни бугунги кунга ва фақат бир жамиятда яшашга мослаб тайёрлашдан воз кечиб, уни келажакка ва умуминсоний муҳитда ҳаёт кечиришга ҳозирлашни адабий таълимдаги асосий йўналиш сифатида белгилайди.

8. Казкур дастурда адабиёт машғулотларига, аввало, ижод дарслари сифатида муносабатда бўлиш кераклиги кўзда тутилди. Чинакам ижод ва унинг сирларини кашф этиш, туйғулар тасвиридаги ҳар бир жилва ҳақида ўз фикрига эга бўлиш ўқувчиларни ҳам ижод жараёнига алоқадор қилиб кўяди. Ўқилган бадий матни ўзича идрок этмаган, ундан ўзича таъсирланмаган, у ҳақда ўзига хос хулосага келмаган ўқувчининг борлиги тарбиячининг меҳнати самара бермаганлигидан далолатдир. Шу боис дастурда ҳар бир ўқувчининг фикри, туйғулари жуда ҳам ҳурмат қилиниши кераклиги ҳисобга олиниши лозимлиги, барча тарбияланувчиларнинг айна бир асар ҳақида ҳар хил, ҳатто бир-бирига зид хулосалар чиқаришга ҳақли эканлиги кўзда тутилди.

9. Адабиёт машғулотларининг ижод машғулотлари эканлиги, туфайли, дарс жараёни ижодий жараён бўлганлиги учун ва ўқувчиларга ҳам маълум маънода ижодкорлар сифатида қаралаётганлиги сабабли, ҳар бир адабиёт ўқитувчиси чин маънода **и ж о д -**  
**х о р** бўлиши кераклигига дастурда урғу берилди. Бадий матни билимдон адабиётшунос даражасида таҳлил этабилишга интилишдан ташқари адабиёт ўқитувчиси **и ж р о ч и** ҳам бўлиши, яъни бадий матни тарбияланувчиларига таъсир этадиган даражада ўқий олиши талаб этилади. Бундан ташқари, адабиёт ўқитувчиси нутқининг жозибадорлиги ва самимияти билан ҳам ажралиб туриши керак. Бўлажак ўқитувчи ўзининг ягона қуроли с ў з эканлигини ҳамisha эсда тутиши ва ундан моҳирона фойдаланиш малакасини эгаллаган бўлиши лозим. Сўзнинг сеҳри ҳақида

маъшулот олиб борган шахс, сўз воситасида талабалар қалбидаги фарқликни, онгидаги мудроқликни йўқотмоқчи бўлган мутахассис ундан фойдаланиш сирларини эгаллаши фарзидир.

Ю. Ушбу дастур юртимизда ўзбек тилининг миллий руҳини кучайтириш борасида оммавий кураш бошланган, лекин ҳали бу борада бир бти битимга келиб улгурилмаган шароитда тузилди. Шу сабабдан дастурда қўлланилган баъзи атамалар ҳозирда мунозарали бўлиб қолаверади. Тилшуносликда бу борада бир битимга келингач, дастурнинг кейинги нашрларида тuzатишлар киритиш мумкин бўлади.

Лекин, атамашунослик қўмитаси томонидан методика атамасининг услубиёт деб ўзбекчалаштирилган ҳолда матбуотда эълон қилиниши бизнингча мунозаралидир. Чунки, услубиёт маъносига кўра методикага нисбатан стилистикага яқинроқдир. Агар ўзбекчалаштириш шу қадар шарт бўлса, услубиётга нисбатан усулиёт сўзининг маъноси маълум даражада методикага яқинроқ. (Масалан: метод – усул, методика – усулиёт). Лекин, жумҳурият атамаси бугунги республика атамасининг маъносини тўлалигича ифода этолмагани каби, усулиёт атамаси ҳам бугунги методика атамасининг маъносини тўлалигича қамраб ололмайди. Бошқача айтганда усул сўзи метод тушунчасига нисбатан приём тушунчасини айнан ифодалайди ва кўзланган методни қўллашда ёрдамчи восита вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам истеъмолда қатъийлашган, жаҳон илм аҳлига тушунарли бўлган "метод" атамасидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Чунки, бу термин грек тилидаги сўздан олинган бўлиб байналмилал характерга эгадир.

## Б И Р И Н Ч И Б Ў Л И М

### АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Адабиёт ўқитиш методикаси фан сифатида, Адабиёт методикасининг педагогика тизимига мансуб мустақил фан эканлиги. Ҳар қандай илм соҳасининг мустақил фан сифатида санализи учун камида уч талабга жавоб бериши шарт эканлиги: бу фан ўрганадиган соҳа бошқа фан томонидан ўрганилмаслиги, шу соҳани ўрганишнинг ишти-

мой аҳамияти борлиги, мазкур фанга хос илмий-тадқиқот усулларининг мавжудлиги. Адабиёт методикасининг мустақил фан сифатида бу талабларга тўлиқ жавоб бера олиши. Адабиёт ўқитиш методикаси на адабиётшунослик ва на педагогика томонидан ўрганиладиган соҳа – баъдий адабиётнинг ўқитилиши жараёнига хоо қонуниятларни текшириш билан шуғулланиши. Адабиётшуносликнинг адабий жараён ва адабиёт тарихига хос қонуниятларни, педагогиканинг эса тарбияга оид умумий масалаларни ўрганиши. Бинобарин, бу иккала фан ҳам адабиёт қандай ўргатилиши муаммоси билан алоҳида шуғулланмаслиги. Бу ҳол адабиёт методикасининг ўзига хос тадқиқот предметига эга эканини кўрсатиши. Шунингдек, мазкур тадқиқот объектининг жамият аъзолари учун катта аҳамият касб этиши. Негаки, ҳар қандай жамиятнинг мавқеи шу жамиятда яшовчи кишиларнинг маънавиятига боғлиқ экани. Адабий таълимни йўлга қўймай туриб, маънавиятни тўғри шакллантиришнинг мумкин эмаслиги. Ўқоридаги омиллар адабиёт методикаси илмининг ўзига хос тадқиқот усулларини ҳам вужудга келтирганлиги. Бу усуллар педагогика фанининг тадқиқот методларига ўхшаб кетса-да, мазмунан мустақил эканлиги.

Адабиёт ўқитиш методикаси фанининг педагогика билан алоқадорлиги. Педагогиканинг Оврупода 17 асрга келиб мустақил фан сифатида ўрганила бошланганлиги. Хусусий педагогика илмларининг мустақил фанлар сифатида тан олинганлигига эндигина бир аср бўлаётганлиги. Ҳолбуки, Шарқда, хусусан, Туркистон ҳудудидаги ўқув масканларида адабиёт ўқитишга доир назарий ва амалий фикрларнинг муайян тизимга солинганига қарийб минг йил бўлганлиги.

Адабиёт ўқитиш методикасининг методологик асослари. Совет тузуми даврида адабиёт методикаси ҳам бошқа барча фанлар сингари марксизм-ленинизм фалсафасини методологик асос сифатида қабул қ этганлиги. Натижада инсоният ҳаёти, унинг туйғуларни манзараси, руҳий тўлғонишлари ва сезимларининг нафис тасвирлари ҳам синфий кураш позициясидан туриб, ғоявий зиддият манфаатларидан келиб чиқиб изоҳланганлиги. Шу тариқа адабиёт санъатининг бир туридан, нафосат ва одоб ўргатиш эканлигидан, аксак туйғуларни тарбиялаш воситаси эканлигидан "ҳаёт ва кураш дарслиги"га айланганлиги, Марксча методология тарбия деганда тар-

бияланувчида жисмоний тараққийетни уюштиришни, айниқса, меҳнат, моҳнатнинг ҳам бевосита ишлаб чиқаришга даҳлдор турларини ўргатишни назарда тутганлиги. Карл Маркснинг тарбия ҳақидаги таърифи ва бу таърифда коммунистик тарбияга хос бир ёқламаликлар ва чекланганликларнинг ёрқин намоён бўлиши.

Туркистонда ислом кириб келгандан буён бадиий адабиёт калом ёки тасаввуф фалсафасига асосланган ҳолда ўқитилганлиги. Бу маълумотларнинг ҳар иккови ҳам Қуръони каримга таянган ҳолда вужудга келганлиги. Айни вақтда улар ўртасида жиддий фарқлар борлиги. Илми каломда "Қуръон" ва шариатнинг мақомларига кўпроқ эътибор берилганлиги. Билишда ақл ва мантиқнинг бош моя сифатида тан олинishi. Тасаввуф фалсафасида шариат талабларига расмий муносабат билан қониқмаслик, руҳий жиҳатларига урғу бериш ва ҳар қандай билим асосида ишқ туради дея ҳисобланганлиги. Туркистон мактабларида кўп асрлардан буён адабиёт шу таълимотларга таянилган ҳолда ўқитиб келинганлиги. Шунинг учун ҳам туркий педагогикада тарбияланувчиларнинг руҳоний жиҳатларини ривожлантириш асосий ўрин тутганлиги. Ғарб педагогикасида эса тарбияланувчиларда жисмоний сифатларни шакллантиришга устивор аҳамият берилганлиги. Шунинг учун ҳам Ғарб кишининг бирмунча амалиётчироқ ва жисмоний фароғатларга ўчроқ эканлиги.

Адабиёт методикасининг методологик асосини белгилашда нақшбандийлик таълимоти тутган ўрин. Бугунги адабиёт ўқитиш методикаси фани ҳам давр хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нақшбандия таълимотига хос кўпгина жиҳатларга таяниб самарали фаолият кўрсатиши мумкин эканлиги. Негаки нақшбандийликда шахснинг камолоти: унинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан етуклиги муаммоси диққат марказида эканлиги.

Адабиёт ўқитиш методикасида хусусий илмий-тадқиқот усулларининг мавжудлиги. Бирор назарий хулоса чиқармоқ ёки назарий фикрларни педагогик амалиётга татбиқ этмоқ учун илмий-тадқиқот методларининг зарурлиги.

Кузатиш методининг илмий-тадқиқотларда энг кўп қўлланиладиган самарали усул экани. Кузатишда тадқиқотчининг бирор назарий хулосага келишдан олдин тарбия жараёнини, педагогик тадбиқининг самарасини кўрсатувчи ҳолатларни синчиклаб ўр-

ганиши. Бу усулнинг қадимий ва амалий экани.

Тадқиқий суҳбат методининг илмий изланишлардаги ўрни. Методиканинг муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчи текшириш объектидаги киши ёки гуруҳ билан ўзига зарур йўналишда, олдиндан кўрган тайёргарлиги асосида суҳбатлашуви кераклиги. Суҳбат натижаларини қайд этишда тадқиқотчидан ҳолисликнинг талаб этилиши.

Тарбияланувчилар фаолиятини ўрганиш асосида илмий хулоса чиқармоқчи бўлган методист олимнинг мактаб ҳужжатларини жиддий ўрганиши кераклиги. Ҳозирги методика илмига доир адабиётларда мактаб ҳужжатларини пухта ўрганиш асосида чиқарилган хулосаларнинг гоёт камлиги ва бу ҳолатнинг методика илми ривожига салбий таъсири.

Ўқувчилар иходини ўрганиш усуллари. Ўқувчилар томонидан битилган иншолар, тақризлар, мақолалар, маърузалар усулиётчи олим учун асосли хулосалар чиқариш имконини берадиган омиллар эканлиги.

Педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштиришнинг адабиёт ўқитиш методикаси фанини ривожлантиришдаги ўрни. Айрим ҳолларда ўқитувчилар шахсий тажрибани таҳлил қилиш йўли билан муҳим амалий педагогик хулосаларга келиб қолиши ёки назарий асослар ишлаб чиқарилмаган ҳолда юқори натижаларга эришишлари мушкилиги. Тадқиқотчи тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш оқибатида бу хил яхши натижаларга келишнинг назарий томонларини аниқлаши ва бошқа ўқитувчиларнинг ҳам мазкур тажрибадан фойдаланишлари учун имкон яратишга уриниши, акс ҳолда методика илмининг инқирозга йўл тутиши, ҳаётдан ажраб қолиши мумкинлиги.

Тадқиқот олиб боришда социологик усулларнинг методика илми тараққиётидаги ўрни. Ҳозирда кенг қўлланилаётган саволномалар (анкета), турли рейтинг усуллари илмий кузатишнинг социологик метод таркибига кириши, Репрезентатив (оммавий) - лик хусусиятига эга мазкур метод у ёки бу тадбирнинг қандай самара берганлиги ҳақида кенг доирадаги кишиларнинг фикрларини ўрганиш ва ҳисобга олиш имкониятини бериши билан муҳимлиги. Тадқиқотчининг вазиятга қараб сынаб ўтилган усуллардан гоҳ алоҳида, гоҳ аралаш тарзда фойдаланиши мумкин эканлиги. Адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида ишлаб чиқилган ҳар қандай

ингилик амалиётга, тарбия жараёнига татбиқ этилгандагина илмий қимматга эга бўлишиги. Айни шу ҳолат адабиёт ўқитиш методикаси илмининг амалий-татбиқий феълени белгилаши.

Адабиёт ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси. ✓  
Адабиёт ўқитиш методикасининг таълим муассасаларида ўргатиладиган бошқа фанлар билан алоқасини белгилашнинг илмий, амалий аҳамияти. Адабиёт методикасининг педагогика фани билан чамбарчас боғлиқ экани ва унинг педагогика фанлар тизимига мансублиги. Халқ таълимининг ёш авлодни тарбиялаш ишига адабиёт ўқитувчиси адабиёт фани асосларини ўқувчига ўргатиши орқали қўшилиши. Адабиёт методикасининг хусусий педагогик фан экани. Бинобарин педагогика фани қонуниятларига амал қилишиги. Тарбия жараёнига хос умумий қонуниятларни билмай туриб адабий таълимда ҳам ижобий натижаларга эришишнинг мумкин эмаслиги.

Адабиёт методикасининг адабиётшунослик фани билан алоқаси. Адабиётшунослик илмидаги бир фикрга келинган масалалар, асосий нутқлар ва тенденцияларни билмай туриб, тарбияланувчиларга бадиий адабиётни, унинг таҳлилини, назариясини ўргатиш самарасиз экани. Адабиёт назарияси билан пухта таниш бўлингандагина бадиий асарларни тўғри изоҳлаш ва улардан бадиий завқ олиш мумкинлиги. Таъсирланиш, эстетик, завқ олиш учун билиш, ҳис қилиш лозимлиги.

Она тили фани эришган илмий натижалар билан яқиндан танишмай туриб, уларни ҳисобга олмай туриб методика илмини ривожлантиришнинг мумкин эмаслиги. Адабиёт дарсларида асосан тил материали билан иш қўрилиши. Бадиий тил ҳодисаларини изоҳламоқ ва идрок этмоқ учун ҳам тилшунослик илми қонуниятларидан хабардор бўлиш шарт экани.

Тарбияланувчиларнинг руҳий ҳолатларини ҳисобга олмай туриб, адабиёт ўқитишда самарата эришиш мумкин эмаслиги сабабли психология илмининг методика билан боғлиқлиги. Адабий таълим – вазиясига ўқувчининг маънавий қиёфасини шакллантириш кирар экан, болаларнинг ёш ва психологик ҳолатларини ҳисобга олиш даркор эканлиги. Шулардан келиб чиқиб, адабиёт ўқитиш методикасининг психология фани билан алоқасини қайд этиш. Адабий материалларни тушунтиришда ўқитувчи жамият тарихига тез-тез мууроаат қилишга мажбур бўлиши. Бадиий адабиётда халқ ҳаёти тарихи ўзининг инъикосини топиши. Бинобарин адабиёт



Ўқитишда тарих фани билан ҳам бевосита муносабатда бўлишни кўзда тутиш лозимлиги. "Оила", "Одобнома", "Дин тарихи" сингери ўрта мактабда ўқитилаётган бир қатор фанлар борки, адабиёт методикаси ўз фаолиятида уларнинг ютуқларини ҳисобга олиб бориши шарт эканлиги.

Адабиёт ўқитиш методикасининг ҳам фан, ҳам санъат эканлиги. Адабиёт методикасининг умумназарий масалалари ҳақида сўз юритганда унинг ҳам назарий-амалий характердаги фан ҳамда олам қонуниятларини идрок этишнинг ўзига хос усулига эга с а н ь а т эканлигини назарда тутиш лозимлиги. Методика назарий фан сифатида ўз тадқиқот усуллари ёрдамида эришилган натижа ва умумлашмалардан фойдаланиши ҳамда ёндош фанларнинг назарий ғоя ва қарашлариге таянган ҳолда иш кўриши. Назарий хулосалар ва муайян ғояларсиз мустақил фаннинг мавжуд бўлиши мумкин эмаслиги. Чунки бошқа бировга берилаётган ҳар қандай маълумот назарий характерга эга эканлиги. Яъни малака ёхуд талантни бировга бериб бўлмаслиги, балки ўша малака ва талантнинг ўзга назарлар илғаши мумкин бўлган, умумий мантиқ тушуниши ҳамда тушунтириши мумкин бўлган ғояларинигина ўзгага ўргатиш мумкинлиги. Шу тариқа адабиёт методикасининг назарий йўналишга эга бўлиши. Айни вақтда, адабиёт методикаси муайян тарбиявий ҳодисанинг моҳиятини билиш ва унга хос хусусиятларни умумлаштириш билангина kifоя эмаслиги. Унинг тадбиқий хусусияти. Шу ўринда методиканинг санъат характерига эгаллиги. Ҳар бир адабиёт ўргатишга боғлиқ тадбирда санъат унсурларининг мавжудлиги. Чунки бундай тадбирларнинг, аввало, ижод эканлиги. Бадиий адабиётни ўқитиш билан шуғулланаётган ҳар бир кишининг ижодкор эканлиги ва уларнинг иш усуллари тўлиғича ўзга мутахассис томонидан ўзлаштиришнинг мумкин эмаслиги. Адабиёт бўйича ўтказилган ҳар бир машғулотда ижодкор шахсига хос белгиларнинг мавжудлиги. Лекин адабиёт бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг энг умумий жиҳатларини ўрганмасдан туриб, ёш мутахассиснинг тарбия даргоҳларига бориши мумкин эмаслиги. Шу боисдан ҳам бўлажак адабиёт ўқитувчиларига методикадан машғулотлар ўтказилиши ва бу борада илмнинг сўнгги ютуқлари билан таништиришнинг, илғор иш усулларини ўргатишнинг беқийс аҳамиятга эгаллиги. Бир адабиёт ўқитувчисининг икки қарбдаел сифатида бир асар вазесидан



олиб борган машғулотнинг ўқитувчи кайфияти, болаларнинг тайёргарлиги, тарбиячи ва тарбияланувчилар орасидаги муносабатнинг ҳолатига қараб мутлақо бошқа-бошқа тарзда ўтиши мумкин эканлиги.

Адабий таълим асослари. Адабиёт ўқитишни йўлга қўйишда унинг илмий асосларини пухта аниқлаб олишнинг аҳамияти. Бадий адабиётнинг ўқитилиши, адабиётдан ўтказилган машғулотлар натижасида тарбияланувчиларда ҳосил қилинадиган кўникмалар. адабиёт ўқитиш методикаси шуғулленадиган асосий масалалар эканлиги.

Адабиёт ўқитиш методикаси фанининг мақсади бўлажак ўқитувчини ўз касби сирларини чуқур эгаллаган, тарбияланувчилар билан бўладиган мулоқотларга ҳозир, бадий асарни таҳлил қилиш малакасини пухта эгаллаган, ўз таҳлилини ўқувчиларнинг ёш ва руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга тушунтира оладиган қилиб тайёрлашдан иборат эканлиги. Мазкур мақсадга эришмоқ учун бўлажак ўқитувчилар олдида бир қатор вазифалар туриши ва буларни бажармай туриб, етук мутахассис бўлишнинг мумкин эмаслиги. Бўлажак ўқитувчи бадий асарга қаттиқ меҳр қўйиши ва асар танлаш, ўқиш, тушуниш, таҳлил қилишда илмий-эстетик тамойилларга қатъий риоя қилиши лозимлиги. Ўз устида тинимсиз ишлашни одат даражасига чиқариш адабиёт ўқитувчисининг муҳим фазилати экани. Нутқининг равон, ёзувининг чиройли ва ифодали бўлиши шарт эканлиги. Адабиёт ўқитувчиси ижрочи ва ижодкор бўлиши зарурлигидан келиб чиқиб, бўлажак адабиётчининг таъсирчан ва самимий овозга эга бўлиши лозимлиги. Адабиёт ўқитувчисининг ўз ўқувчиларига ё қ и ши шарт эканлиги. Машғулотларга муҳаббат ўқитувчига бўлган муҳаббатдан бошланиши.

Мактабларда адабиёт ўқитиш мақсадини белгилаб олиш адабиёт ўқитиш методикаси илми учун ўта зарур эканлиги. Ўқувчини тарбиялаш вазифаси адабиёт ўқитувчисининг ҳам зиммасида экани. Шу сабабли методикада **м а қ с а д , в а з и ф а , м а з м у н , м е т о д** тулунчаларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги.

Ғарб педагогикасида тарбиянинг мақсадини белгилашга мёллодан олдин ҳам уринилган ва **к а л о к е г а т и я** тулунчасининг ишланганлиги. Бу атама калос кай ағатос бирикмаси-



дан келиб чиқиб жисмонан ва руҳан гўзал маъноларини англагани, унда етух шахсни шакллантириш кўзда тутилганлиги. Кейинчалик, 17-асрдан бошлаб материалистлар бу тушунчага жисмоний меҳнат малакасини эгаллаш зарурлиги ғоясини қўшганликлари. Тарбия тушунчаси макроча қарашда ғоят ўзига хос ва бир ёқлама англашилиши. Маркснинг: "Тарбия деганда биз уч нарсани тушунамиз: биринчидан, ақлий тарбия, иккинчидан, жисмоний тарбия... Учинчидан, техник тарбия,- "тарзида берган таърифнинг ҳўнлиги. Социалистик педагогикада шахс тарбиясига ғоят содда, бир ёқлама ёндашилиши: унда, асосан, ишлаб чиқаришда қатнашувчи кишини тарбиялаш мақсад қилиб қўйилганлиги. Шунинг учун ҳам жамиятда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишиларга нисбатан адолатсиз муносабатнинг қарор топганлиги. Руҳиятни шакллантириш, туйғулар тарбияси, шахснинг маънавий жиҳатлари эътибордан четда қолдирилгани тасодифий ҳол бўлмай, балки марксизм-ленинизм асосчилари томонидан ўйлаб қилинган тadbир эканлиги. Бундай кишиларни бошқаришнинг осон эканлиги. Ҳама соҳада умумийлик ва тенгликни тарғиб этган коммунистик эътиқод учун ўз ишларига масъул бўлишни ўйламайдиган оломонсифат одамларнинг керак экани. Социалистик жамиятнинг "ривожланган" босқичида гуманитар йўналишдаги ўқув предметларининг анчагина қисқарганлигининг сабаби шу эканлиги.

Шарқ педагогикасида тарбия мақсадининг белгиланишидаги ўзига хослик. Комил инсон тушунчаси, Тарбиядан мақсад комил инсонни шакллантириш экани. Бу масалада илим калом ва тасаввуф фалсафаси ўртасидаги тафовут. Обид, олим ва ориф одам тарбиялаш ҳақидаги қарашлар. Мутакаллимларнинг обид шахсни шакллантириш, мутасаввуфларнинг эса олим шахсни тайёрлаш, тасаввуф тарихидаги ёқори босқич бўлган нақшбандийларнинг ориф инсон тарбиялашни м а қ с а д сифатида белгилаганликлари. Бу борада Хос Ҳожиб, Яссавий, Ўгнакий, Рабғузий қарашлари. Шарқ педагогикасида инсонни руҳий камолотга етказишга катта эътибор берилганлиги. Ана шу педагогик тамойилларнинг бугунги кундаги тарбиявий тизимида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмиганлиги. Айниқса, бадий адабиётнинг инсон руҳиятига таъсирини ҳисобга олиб маънавий беркамол шахсни тарбиялашни бош мақсад қилиб белгиланишнинг зарурлиги.



Минтабада адабиёт ўқитишнинг бош мақсади ўқувчи қ а л б и н и шакллантириш эканлиги. Ваҳоланки, адабиёт ўқитиш методикаси ҳам, минглаб адабиётчи ўқитувчилар ҳам ўқувчилар нима учун адабиёт ўқишлари, нима учун у ёки бу асарни ўрганишлари, баъзи адибларнинг ҳаёт йўли билан танишишлари, не боисдан адабиёт назариясига доир маълумотларни ўзлаштиришлари кераклиги ҳақидаги саволга асосли жавоб бера олмасликлари. Амалда адабиёт машғулотларидан мақсад ўқувчиларга насихат қилиш ва улар қандай яшасалар яхшироқ бўлишини қаҳрамонлар тақдири мисолида кўрсатиш ҳамда болаларга муайян билимлар йиғиндисини ўргатиш деб қаралаётгани. Адабиёт дарслари ўқувчиларга адабиётга доир билимлар йиғиндисини беришни эмас, уларнинг қалбларига, туйғуларига, кечинмаларига таъсир этиш орқали маънавий дунёларини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши кераклиги. Адабиёт методикаси учун ўқувчининг дарсдаги маълумотларни б и л и б қ ў я қ о л и ш и кифоя қилмаслиги, ёш авлодни ҳ и с э т и ш г а одатлантиришнинг муҳимроқ эканлиги. Айни вақтда адабиёт дарсларида ақл такомиллига ҳам катта ўрин ажратилиши лозимлиги. Безовта, Аллоҳдан қўрқадиган ва ҳаёмиша унга интиладиган, унинг марҳаматига сазовор бўлишга уринадиган, аммо ўз қадрини йўқотмайдиган қалб соҳиби табиатан изланишга, кашфиётга мойил бўлиши ва шу тўғайли адабиётдан бошқа фанларни ҳам энгил ўзлаштира олишлиги. Туркистон маорифи тарихининг бунга гувоҳ эканлиги. Мактебни зўрма зўраки компьютерлаштириш, аниқ фанларнинг миқдорини кескин кўтариш, ижтимоий гуманитар йўналишдаги фанларни қисқартириш ҳеч қачон ёшларнинг камолоти-га, ақлий ривожланишига олиб бормаслиги. Замонавий техника асосларини эгаллаш учун ёшлар қалби эзгуликка, шавққа тўла, изланишга чанқоқ оламнинг сирларини билишга интиладиган бўлиши зарурлиги. Бу хусусиятлар эса, фақат адабиёт машғулотлари орқалигина шаклланиши мумкинлиги.

Адабиёт ўқитувчиси адабий таълимнинг умумий мақсадидан ташқари ўзининг ҳар бир конкрет дарсига ҳам мақсад қўйиш кераклиги. Ўқитувчи томонидан белгиланган мақсаднинг амалга ошишини таъминлашга адабиёт машғулотининг барча унсурлари йўналтирилиши зарурлиги.

Адабий таълим олидаги мақсад унинг вазифасини ҳам бөлги-

лаб бериши. Вазифа тушунчаси мақсадга эришмоқ учун қилиниши керак бўлган ишларни ифода этишлиги. Адабиёт ўқитиш методикаси умумтаълим мактаби ўқувчисининг бадий асарга меҳр қўйиб қолишни таъминлаш, асарни таний билишларига эришиш, ўқилган асарга мустақил баҳо бера оладиган даражага етказиш, ўз фикрини ёзма ва оғзаки тарзда қийналмай раво баён қила оладиган мақомга эриштириш, энг муҳими, бадий мукамал асардан қаттиқ таъсирланадиган китобхонни шакллантириш адабий таълим олдида турган вазифалар сифатида. Адабий таълим ўқувчини китобхон қилиб етказса, уни бадий адабиёт олами билан дўстлаштирса, китоб ўқишни энг биринчи ҳаётий заруриятлардан деб ҳисоблайдиган одам қилса, ўз вазифаларини удалаган бўлиши. Адабиёт ўқитиш олдидаги турган вазифаларнинг ўқувчилар ёшига боғлиқ тарзда ўзгариб бориши.

Адабиёт ўқитишнинг мазмуни. Умумтаълим мактабида адабий таълим мазмуни унинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ экани. Ингиланаётган тафаккур асосида ваъга келаётган адабиёт ўқитиш методикасининг адабий таълим мазмунига ҳам янгича талаблар билан ёндошиши. Мазмун янгиланмаса, адабиёт ўқитиш олдидаги вазифани бажариб бўлмаслиги. Вазифа бажарилмагач эса, мақсадга етишишнинг ҳам мумкин эмаслиги. Таълим мазмуни тушунчаси дидактика илимида нимани, нима учун, қачон, қандай ва қандай қилиб сингари саволларга жавоб беришни ўз ичига олиши. Шунга биноан, ўқув режаси, дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа турдаги дидактик воситалар таълим мазмунини ташкил этишлиги.

Ўқув режасида адабиёт предметига ажратилган вақтнинг ҳали ҳам мақсадга мувофиқ эмаслиги. Ҳақат соатлар миқдори ҳақида эмас, мавзуд соатларни жойлаштиришнинг ҳам ғарбий тамойиллар асосида эканлиги. Қадимги Туркистон мактабларида ўқувчи бошлаган мавзунини тўлиқ ўзлаштириб олмагунга қадар бошқа мавзуга ўтилмагани. Адабиёт ўқитиш бўйича олий, ўрта, ўрта махсус мактабларнинг ҳаммаси учун ҳам янги дастурлар ишлаб чиқилиши кераклиги. Дастур ишланишидан олдин муаллифлар ўзларининг йўриқлари (концепция)ни тақлиф этишлари шартлиги. Йўриқнинг ҳам, дастур лоиҳасининг ҳам жамоатчилик ва мутахассислар томонидан атрафлича муҳокама этилиши зарурлиги. Дастурда адабий таълимнинг мақсад ва вазифалари тўлиқ баён этилган бўлиши шарт экан-

лиги. Дастурлар асосида дарсликларнинг яратилиши шarti. Дарсликлар ифодаси жонли, ўқувчиларни суҳбатга чорлайдиган, уларни ўйлашга ундайдиган дидактик топшириқларга бой тарзда битилиши кераклиги. Дарсликлар ҳамisha ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёзилиши ва безалиши зарурлиги. Ўқувчи интеллектуал имкониятларининг беҳиёс эканлиги, бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш йўлларини топиш муҳимлиги. Дарсликларнинг, асосан, ўқувчилар учун ёзилиши. Ўқитувчиларнинг шу кунгача қўлланималар ва методик тавсиялар билан гоят ёмон таъминлаб келинганлиги ва унинг оқибатида ўқитувчилар интеллектуал-эстетик имкониятларининг ғариблашиб кетганлиги. Адабий таълим мазмуни қанчалар бой ва ранг-баранг бўлса, ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида шакллантирилиши имконияти шунчалик ошиб бориши. Таълим мазмунига : а) адабиётшунослик ва педагогика илмида қатъий ечимини топган, баҳсли бўлмаган илмий қарашлардан фойдаланилиши, б) фойдаланилаётган қоида ва ҳулосалар адабиётшунослик ва ўзгә илмларнинг бугунги кундаги тараққиёт даражасига мос келиши ; в) материалларнинг адабиётшунослик илми мантиғига мувофиқ жойлаштирилиши ; г) муайян синфларда ўрганилиши кўзда тутилган бадий матн ва назарий қоидаларнинг ўқувчилар ёш хусусиятларига мос келиши кераклиги сингари талаблар қўйилиши.

Таълимнинг мазмунини белгилаб берувчи ҳужжатлар: ўқув режалари, дастурлар, дарслик ва қўлланималар, давлатга қарашли мактаблар учун ишланаётган бўлса, тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланиши шартлиги. Айни вақтда, хусусий мактабларнинг тасдиқланган анъанавий режа, дастур, дарсликлар асосида ишлаши мажбурий эмаслиги.

## И К К И Н Ч И Б Ў Л И М

### ТУРКИСТОНДА АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ТАРИХИДАН

Бадий адабиётни тушуниш, севиш, уни эъзозлаш, билиш: ўзбек халқининг азалий одати экани. Туркистон X-XI асрлардан оқ қиссахонлар, ровийлар, воизлар юрти сифатида шуҳрат топгани. Бу ўлкада саъдийхонлик, ҳасфизхонлик, навсийхонлик, машрабхонлик йилларининг кенг тарқалиши ва ибтидоий мактабларда,

айниқса, ўрта, олий мадрасаларда талабаларни бадий адабиёт намуналарини шарҳлашга, таҳлил қилишга ўргатилгани вазасидан маълумотлар.

Туркистонда Қуръони каримни хатм қилиш билан адабиёт ўқитишнинг ўқув жараёнида қўшиб олиб борилиши, бу анъананинг қадим тарихга эга эканлиги.

Туркий элатлар биргаликда яратган Ўрхун-Энасой битиклари "Авесто", "Китоби Садаам Қўрқут", "Ўғузнома", кейинчалик, "Алломиш", "Гўрўғли" туркуми дostonлари, эртақлар, мақоллар ва бошқа санъат намуналарида халқ тарбиясининг асослари сингдирилгани.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино инсоннинг шахс сифатида камол топишида илм олишнинг аҳамияти ҳақида. Ўқиш ва тарбиянинг инсон маънавий олами тақомилида туган ўрни ҳақида.

Ибн Сино ўз педагогик таълимотида муҳитнинг шахс тарбиясига алоҳида таъсир кўрсатишини таъкидлаганлиги. Айни вақтда ҳар бир инсон табиатининг шаклланишида унинг ўзига хос шахсий хусусият ва иқтидорини инкор қилиб бўлмаслигини ҳам алоҳида қайд этгани вазасидан мулоҳазалар. Олимнинг билим олишда тасаввур, хотира, эҳтироснинг муҳим эканлиги ҳақидаги қарашлари ва уларнинг адабиётни ўрганишга татбиқ этилиши.

Абу Наср фс. рбийнинг ифодали ўқишга берган баҳоси. Ислom дини асосларининг эски мактабларда ўқитилиши натижасида қироатхонликка, ҳуснихатга, шарҳлаб ўқитишга эътиборнинг кучайиши. IX-XII асрларда йирик марказий шаҳарларнинг илм-фан масканига айланиши, эски мактаблар, турли тоифадаги мадрасалар фаолиятининг шаклланиши. Қадимги ўқиш-ўқитиш тизимида адабий таълимга бўлган муносабат. Адабиётнинг аниқ фанлар билан биргаликда ўқитилиши. Бу даврда Мовароуннаҳр халқлари дунёга Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Фарғоний каби буюк алломаларни етказиб бергани. Бадий ижод мутафаккирлар илмий фаолиятининг ажралмас таркибий қисми экани.

Чингизхон бошқинининг Туркистон халқлари иқтисодий, маданий ҳаётида салбий из қолдиргани.

XIV асрдан бошлаб X-XI асрларда шаклланган Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд таълимотларининг кенг тарқалиши. Улуғбек,

Лутфий, Жомий, Навоий каби буюк алломаларнинг етишиб чиқуви Навороуннаҳрда илм-фан тараққиётига муҳим туртки бўлгани. Улкада мактаб ва мадрасалар тармоғининг ривожланганлиги. Алишер Навоийнинг илм олиш, ота-онани ҳурмат қилиш, устоз-мураббий хизматини эъозлаш ҳақидаги ҳикматлари. Билим муттасил меҳнат қилиш билангина кўпаввчи бойлик эканини қайд этувчи мулоҳазалари, "Чориёр", "Суфи Оллоёр, Навоий газаллари, Хўжа Ҳофиз, Бедил кейинчалик Фузулий каби шоирларнинг асарларини ўқиш, ўрганиш, ёдлаш, таҳлил қилиш бу давр таълим-тарбиясининг дастурий манбаларига айлангани. Алишер Навоийнинг асарни ёдлаш жараёнининг самарасини ошириш учун такрорга аҳамият бериш, саводни ошириш мақсадида шеър ўқитиш, асар мазмунини мукамал эгаллаш зарурати ("Лисон-ут-тайр") вазидан баён қилган қайдлари. Дарс машғулотларининг дақиқа ҳисоби билан эмас, талабаларнинг мўлжалланган кўникмага эга бўлишлари билан белгиланиш анъанаси. Мадрасаларда кундалик билим олиш эса азон намозидан кечгача давом этиши. Домла томонидан ўқилган асарнинг мазмунини тушунтириш, уни шарҳлаб бериш зарурий экани. Бу жараён етарли амалга ошмаганда ёки мулла зарур деб топган кезларда талабалар ўртасида мунозаранинг бошланиши ҳақида маълумот. Бу даврда мактаб, мадрасалардаги таълим муҳим дастур асосида олиб берилмагани. Кўп ҳолларда талабанинг билими уни ўқитган мударриснинг билими ва тажрибасига боғлиқ экани.

XVI-XIX аср бошларигача бўлган даврда Туркистон ўлкасида илм-фан тараққиётининг нисбатан таназзулга юз тутгани. Аммо бу шароитнинг Турди, Махмур, Машраб, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Дилшод каби маърифатпарвар шоир ва шоиралар ижоди эъзига бир мунча яхшилангани ҳақида маълумот. Нодиранинг йирик давлат арбоби сифатида Қўқон хонлиги ҳудудида маориф ишларини жонлантиришга қўшган ҳиссаси. Дилшод Барнонинг адабиёт ўқитишда катта муваффақиятларга эришгани. Ибтидоий мактабларда дарс бериувчи мулаларнинг Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Машраб ижодларидан шеърый асарларни ёдлатишга алоҳида эътибор қилганликлари. Қуръони каримдаги оятларни ёдлаш усулларининг бадий адабиёт намуналарини ёдлашга татбиқ этилиши. Айниқса, араб ҳарфлари билан танишиш, бўғинларга бўлиб ҳижжалаб ўқитишда бадий адабиётга кенг йўсинда мурожаат қилиниши.



Мазкур даврда қиз болаларнинг савод олиши, бадий адабиётни ўрганишлари маълум даражада жонлангани. Туркистонда отин ойилар дарс берадиган қизлар ўқийдиган хусусий ибтидоий мактабларнинг кўпайиши.

XIX аср иккинчи ярмидан Туркистонда ўзбек зиёлилари ташаббуси билан маърифатчилик ҳаракатининг шаклланиши. Огаҳий, Комил Хоразмий, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Иброт, Фитрат, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Аваз Утар, Анбар отин каби ўнлаб зиёлиларнинг маориф билан шуғулланиши ва таълим тизимида ижобий ўзгаришларнинг рўй бериши.

Исмоилбек Гаспирали фаолияти билан боғлиқ ҳолда Туркистонда янги мактабларнинг очилиши. Мутафаккирнинг маҳаллий халқ вакилларида саводли зиёли, етук олимлар тайёрлаш соҳасидаги амалий ҳаракатлари. Бухоро, Когон шаҳарларидаги янги шакл мактабларида аниқ фанларнинг ўқитилиши. "Ширкати Бухорои шариф" фаолияти ҳақида қисқача маълумот. Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931) ташаббуси билан ҳадид мактабларининг вужудга келиши. Абдулла Авлоний, Иброт, Ҳамза ва бошқа зиёлиларнинг маърифатчилик ҳаракатини ривожлантиришдаги ўринлари. Янги шакл ва мазмундаги дарсликларнинг вужудга келиши. А.Авлонийнинг "Адабиёт ёхуд миллий шеърлар" (1909), "Биринчи муаллим" (1912), "Туркий гулистон ёки ахлоқ" (1913), "Адиби аввал" (1914), "Икки тчи муаллим" (1915), "Адабиёт ёхуд миллий шеърлар" (1917); Ҳамзанинг "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби", "Қироат китоби" каби асарлари ана шундай дарсликлар намунаси сифатида.

Маърифатчилик ҳаракатининг ижобий натижаси сифатида адабиёт ўқитиш усуллариининг такомил топиши. Хусусан, ўша даврдаги замонавий техника воситаси - пластинкадан дарс давомида фойдаланишнинг А.Авлоний томонидан жорий қилиниши. Фурқат, Анбар отин, Беҳбудий, Аваз Утар, Фитрат, Ҳамза, Иброт, кейинчалик, Чўлпон, А.Қодирийнинг кўплаб бадий асарлари таъсирида халқ орасида маърифатга бўлган эътиборнинг кучайиши.

Октябр инқилобининг халқ таълими тизимида кескин ўзгариш ясагани. Мазкур ўзгаришларнинг дастлабки даврда Туркистон ўлкасида истиқомат қилувчи халқлар ҳаётида ижобий, кўп ўтмай эса салбий оқибатларга олиб келгани. Совет ҳокимияти ўрнатил-

ташдан сўнг адабиёт ўқитишда мураккаб вазиятнинг вужудга келиши: дастур ва дарсликларни тузишдаги мунтазамликнинг йўқ бўлиши: 10-15 йил ичида алифбонинг икки марта ўзгариши, большевиклар сиёсатининг маорифда етакчи ўринга чиқиши оқибатида ўрта таълим тизимида ҳужу сурген бебошликлар, синфийлик сиёсатининг ҳукмронлик мақомини эгаллаши, бадий жиҳатдан заиф асарларнинг асосий жиҳатдан ҳукумат сиёсатига маъқул бўлгани учунгина дастурлардан ўрин олиши.

Адабиёт ўқитиш методикасининг фан сифатида шаклланиши. 1918 йилда адабиётдан тузилган биринчи дастур. Дастурда бадий асарларни санъат намунаси сифатида таҳлил қилишга алоҳида эътибор қилиниши, адабиёт назариясига кенг ўрин ажратилиши унинг ижобий томонлари экани.

20- йиллардан адабиёт фани бўйича дастур ва дарсликлар тузиш ишларининг қизғинлашуви. Элбекнинг "Ўзгал ёзмачлар", Чўлпоннинг "Адабиёт парчалари" каби мажмуаларининг Абдураҳмон Саъдий ёзган "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" дарсликлари — нинг нашр этирилиши адабиёт ўқитишнинг янги сифатида.

Ўзбек мактабларида "Комплексе программа", "Лаборатория плани" (Дальтон-план) каби методларнинг жорий этилиши. Ўзбек адабиёти дарсликларидан Брүсов, Горький, Полятаев ва бошқа рус адиблари асарларининг меъёрдан ортиқ равишда ўрин олиши.

20- йилларда амалга оширилган педагогик тадбирларнинг ижобий ва салбий томонлари. Бу давр адабиёт ўқитиш методикасининг фан сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши.

О.Ҳошим, Чўлпон, А.Қодирий, Усмон Носир, Элбек, Боту каби 30- йилларда қатагон қилинган адиблар фожиасининг ўрта мактабда адабиёт ўқитишга салбий таъсир кўрсатиши. Ўрта мактаб дастурларидан партиявийликнинг муҳим ўрин эгаллаши. Ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш таълим-тарбия соҳасининг энг асосий вазифасига айланиши. Бугунги кунда совет даврида танқидга учраган ва, аксинча, мақталган дастур ва дарсликларга муносабат билдиришнинг оғир томонлари: маъқур китобларни қайта ўрганиб чиқиш ва одилона баҳолаш заруратининг кун тартибда тургани.

Ўзбекистон фанлар комитети ҳузуридаги мутахассислар томо-

нидан 1935 йилда У-УП синфлар учун адабиёт дастурининг тузилиши. Дастурда адабиётдан маълумотларни даврларга бўлиб тавсия этилиши. Унда синфдан ташқари ўқиш учун ҳам асарларни кўрсатиш тахририбоси. Тузувчилар қўлга киритган муваффақиятлар ва камчиликлар ҳақида умумий мулоҳазалар.

✓ 1938 йилда адабиёт ўқитиш методикаси тарихида биринчи марта Уш-Х синфлар учун адабиёт дастурининг тузилиши. Унда қардошча рус адабиётига ҳаддан ташқари кўп ўрин берилгани. Баъзи ўринларда ўқувчилар ёш хусусиятининг ҳисобга олинмагани, аммо бу камчиликларни танқид қилишда давр сиёсати ва дастурнинг биринчи тахририбоси сифатида яратилганини ҳисобга олиш зарурати.

50-йиллар ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси фанида самарали давр сифатида. Ўрта мактаблар учун тузилган дастур ва дарсликларнинг маълум даражада мунтазам ҳолатга келиши. Ўзбекистонда С.Долимов, Ғ.Каримов, Н.Маллаев, Ҳ.Убайдуллаев, Қ.Аҳмедов, А.Зувнунов, С.Исмаилов каби етук адабиёт ўқитиш усулчиликларининг етишиб чиқиши. Дастур ва дарсликлар тузилишида маҳоратлиқларнинг ишлаб чиқилиши. Бу давр ўқиш-ўқитиш усулчиликнинг дунё бўйича энг илғор усул сифатида баҳо олгани. Ўзбек усулчилик устозлар фаолиятининг ихобий томонлари. С.Долимов ва Ҳ.Убайдуллаевнинг "Адабий ўқиш методикаси" (1952) китобининг нашр этилиши адабиёт ўқитиш методикаси фани соҳасида жиддий воқеа бўлганлиги. Китобда адабиёт методикаси ва унинг назарий асослари ҳақида илмий асосда фикр юритилгани. Китобда ифодали ўқишга берилган алоҳида эътибор. Ифодали ўқиш асар мазмунини, адиб мақсадини, бадиият сирларини тушуниш воқити экани ҳақидаги мулоҳазаларнинг ўрин олиши, халқ оғзаки ихоби асарлари билан ёзма адабиёт намуналарига бадиий сўз санъати сифатида муносабатда бўлиш йўналишининг етакчи ўринда эканлиги.

1955 йилда С.Долимов томонидан "У синфда "Затан адабиёти" хрестоматияси учун методик кўрсатма"нинг тузилиши адабиёт ўқитишга бўлган эътиборнинг кучайишини кўрсатувчи далил сифатида. Китобда бадиий асарни таҳлил қилиш ва ўргатишнинг энг муҳим ва самарали усуллари баён этилгани. Методист олиб томонидан асарнинг бадиий хусусиятларини ўргатишга алоҳида тўхтаб ўтилганининг аҳамияти ҳақида.

70-йилларда дастур ва программаларнинг натижида рўй

бەرген Уағарышлар. Адабиёт дарсларида кўрғазмаликкининг кенг қўлланила бошлангани. Техник воситалардан фойдаланиш адабиёт-  
дан Утказиладиган машгулотларнинг таркибий қисми сифатида.  
Дастурларда асарнинг имкони борича **тулиқ** матини ўрганишге  
оўлган интилиш.

Совет давлати томонидан қабул қилинган "Умумий ва ўрта  
махсус таълим мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишла-  
ри" (15 апрель 1984) ўрта мактаб ҳолатини ёмонлашувига олиб  
келгани. "Асосий йўналишлар" нинг моддий заминсиз қабул қи-  
лингани уларнинг асосий нуқсони сифатида. Мазкур қарордан  
сўнг адабиётни ўқитишнинг янада сиёсийлашуви. Нартиявийлик  
шиори, остида рус адабиётининг, сиёсий мавзулардаги заиф асар-  
ларнинг дастурлардан муҳим ўрин олиши. 1987-1990 йилларда мас-  
мунан янги асосга қўйилган, аямо методик жиҳатдан қатор кам-  
чиликларга эга дастурларнинг пайдо бўлиши.

Ўзбекистон республикасининг мустақилликка эришуви нати-  
жасида умумтаълим мактаблари адабий таълимида ҳам янги имко-  
ниятларнинг пайдо бўлгани. Янги иқтисодий-сиёсий вазият билан  
боғлиқ ҳолда аввал нашр эттирилган дастурлар, дарсликлар, мето-  
дик қўлланма ва тавсияларни қайта кўриш зарурати. 90- йиллар-  
нинг бошларида тузилган дастурлардаги ҳар хилликлар. Улардаги  
ижобий ва салбий тарафлар.

Совет тузуми даврида мактаб соҳасида, хусусан, адабиёт  
ўқитишда йўл қўйилган муҳим камчиликларнинг умумий таҳлили.  
Мактаб дастурида қайд этилган адибларни танлаш тамойилидаги  
нуқсонлар. Бадий асарларни танлашдаги салбий жиҳатлар.  
Бадий асарларни таҳлил қилишда ғоявий-сиёсий томонларга кўп,  
баднийатга кам эътибор берилиши. Мактабда адабиёт ўқитишнинг  
сиёсийлаштиришнинг салбий оқибатлари. Халқ қадриятларини мет-  
лаб ўтишга, камситишга уриниш ҳоллари.

## У Ч И Н Ч И    Б ў л и м

### АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ДИНГА МУНОСАБАТ

Адабиёт тарихини дин тарихи билан боғлаб ўрганишнинг  
аҳамияти. Бу масала миллий мактабнинг энг зарур муҳим хусу-  
сиятларидан бири эканлиги

Шу вақтга қадар адабиёт тарихини дин тарихи билан боғ-

лаб ўрганмаслик натижасида келиб чиққан хатоликлар.

Адабиёт дарсларида динга муносабат масаласида меъёр.

Адабиёт дарсларининг дин дарсларига айланиб кетишидан эҳтиёт бўлиш зарурлиги. Бу заруриятнинг сабаблари.

Дин тарихига оид мунозараларда ўқитувчининг тутган ўрни ва бетарафлиги.

Ислом динида тақдирга муносабат масаласидаги фикрлар рангбаранглиги ва унинг бадий ижоддаги акс садоси.

### М а к т а б д а т а с а в в у ф

Тасаввуф ўта мураккаб диний - фалсафий ғоялар мажмуаси эканлиги ва уни соддалаштирилган ҳолда мактабга олиб киришнинг зарурлиги.

Ўқувчиларда тасаввуф ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш йуллари.

Тасаввуфнинг моҳият - эътибори билан исломга ҳамоҳанглиги ва улар ўртасидаги зиддиятлар ҳақида тушунча бериш.

Таъмагирликка, ҳаромхўрликка, нафси аммолага қарши ўт очини, тасаввуфнинг асосий ғояси эканлиги, унинг бадий ифодаси, ҳамда бу ғояларнинг бугунги кун учун аҳамияти ҳақида маълумот бериш.

Оллоҳнинг васлига лойиқ комил инсон даражасига етиш йўлида босиб ўтилиши шарт бўлган тўрт босқич ҳақида тушунча бериш. Мактабда тасаввуфнинг рамзий тимсолларини ўрганиш. Илоҳий ишқ ва маҳозий ишқ. Улар бир-бирини инкор этмаслиги ҳақида.

Тасаввуфнинг ривожланиб бориш жараёнини ундаги уч оқимга муносабат билдириш ва уларни қийслаш орқали ўрганиш.

Яссавия тариқатининг моҳияти. Шу тариқат асосида яратилган бадий асар намуналарини ўрганиш. Вожибул-вужуд ва мумкинул-вужуд ҳақида тушунча бериш.

Мактабда Баҳовуддин Нақшбанд тариқатларини Алишер Навоий ижодига боғлаб ўрганиш. Оллоҳнинг меҳрига лойиқ бўлиш йўлида Баҳовуддин Нақшбанд томонидан илгари сурилган тўртта шарт. (1. Хилват дар анжуман. 2. Сафар дар ватан. 3. Назар дар қадам. 4. Хуш дар дам) ҳақида маълумот бериш. Нақшбанд тариқатининг етакчи ғояси ўз ифодасини топган. "Дил ба Ўру-у, даст

би кор" ҳикмати шарҳлаш. Бу ҳикматнинг бугунги кун учун аҳамиятини очиб.

Т У Р Т И Н Ч И Б У Л И М  
АДАБИЁТ ҲАҚИШ МЕТОДЛАРИ, ШАКЛЛАРИ, УСУЛЛАРИ,  
ТИПЛАРИ

А д а б и ё т Ҳ а қ и ш м е т о д л а р и

Совет совет мактабларида қўлланилган адабиёт ҳақиш методларидан хабардор бўлишнинг зарур ҳақатлари. Совет мактабларида бу методлар қўтилган натижани бермаганлигининг бош сабабини биринчи гада уларнинг яроқсизлигидан эмас, балки ўша вақтдаги шароитнинг номақбуллигидан излаш жоиз эканлиги. Бу методларни таъқидий ўрганиш ва уларни ижодий ёндашган ҳолда ўзбек миллий мактабларига татбиқ этиш йўллари.

Адабиёт ҳақиш методлари, шакллари, усуллари, йўллари, типлари ҳақида умумий маълумот. Уларни бундай тарзда умумлаштирилишининг зарурати ва аҳамияти. Уларни аниқлаш ва бир-биридан фарқлаш тамойиллари.

Билимларни ўзлаштиришнинг уч босқичи тўғрисида умумий маълумот. Методларни белгилашда мазкур уч босқичнинг аҳамияти.

✓ Ижодий ҳақиш методи. Ижодий ҳақиш методи ҳақида умумий маълумот. Мазкур методдан фойдаланишда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар. Адабиёт ҳақишда бу методнинг ўрни. Ижодий ҳақиш методининг (ифодалари ва шарҳли ҳақишдаги, ҳақишувчи ва ҳақишчиларнинг нутқидаги, ҳақишчилар билан суҳбат жараёнидаги, бадиий асар ва ҳаётий кузатишлар бўйича топшириқларни муҳокама қилишдаги, саволлар ва режалар тузишдаги, ёзма ишлардаги ва ҳоказо) кўринишлари.

Ижодий ҳақиш методининг асосида асар мазмунини ўзлаштириш ва эслаб қолиш мақсади ётиши. Лекин бу тушунчанинг мактаб дидактикаси фанидаги дастлабки қабул қилиш ва эслаб қолиш тушунчасидан (биринчи босқичдан) маълум даражада фарқ қилиши.

Мусохаба методи. Бу методнинг ўзига хос хусусиятлари. Адабиёт ҳақишда мазкур методдан фойдаланиладиган ўринлар. Ушбу маълум маънода билимларни ўзлаштиришнинг иккинчи

босқичига тўғри келиши. Адабиёт ўқитишда мусохаба методининг (муаммоларнинг ўртага ташлаб ҳал қилиниши, билимларни мустақил эгаллайдиган саволлар ва режалар тузиш, баҳс-мунозаралар, ёзма ишлар каби шакллардаги) кўриниши. Мусохаба методи адабий асар таҳлили учун энг мос келадиган метод эканлиги.

Тадқиқот методи. Бу методнинг мусохаба методига яқин туриши ва ундан фарқи. Тадқиқот методидан асосан билимларни ўзлаштиришнинг учинчи босқичидаги вазифаларни амалга оширишда фойдаланилиши. Тадқиқот методининг семинар машғулотлари учун мавзу танлаш, муаммоларни гуруҳ ёки якка ҳолда ҳал этиш, ўрганилаётган асарни ёки ундан бир бобни мустақил таҳлил этиш, дастурдан ўрин олмаган асарлардан намуналарни мустақил таҳлил этиш, икки ёки бир неча асарни турли жиҳатларини қиёслаш, асар ҳақидаги ўз фикрларини бошқалар фикри билан қиёслаш, асарни сахналаштирилган ва экранлаштирилган кўринишларини қиёслаш, семинар машғулотлари ва конференция дарслар учун маърузалар тайёрлаш, адабий-танқидий мақолаларни таҳлил этиш ва турли кўринишдаги ёзма ишлар каби шаклларда намоён бўлиши. Тадқиқот методи ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришда, олган билимларини амалда қўллай билишга ўргатишда энг қўл келадиган метод эканлиги.

Репродуктив метод. Бу методни қўллашда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш имкониятлари маълум даражада чекланиб қолиши. Лекин шунга қарамай, бу метод ўз моҳият эътибори билан ниҳоятда зарур метод эканлиги. Ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беришда, шарҳли ваъз мавзуларни ўрганишда ўқилаётган ваъзнинг зарур ўринларини ёзиб боришда, дарслик ва адабий танқидий мақолаларнинг қисқача мазмунини кўчириб олишда, хилма-хил ҳадваллар тузишда, маърузалар тайёрлаш ва ёзма ишларда репродуктив методдан фойдаланиш

МЕТОДЛАРНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ. Методларни қиёсий ўрганиш йўллари. Масалан, адабиёт ўқитишнинг мустақил иш шаклига тааллуқли бўлган иншо ижодий ўқим, мусохаба, тадқиқот ёки репродуктив методда ёзилган бўлиши мумкинлиги. Мазкур иншоларни метод нуқтаи назаридан ўзаро қиёслаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш.

## Адабиёт ўқитиш шакллари

Адабиёт ўқитиш шакллари аниқлаш, уларни бир-бирларидан ва методлардан фарқлаш тамойиллари. Адабиёт ўқитишнинг ваъзхонлик, суҳбат, мустақил иш, семинар дарс, конференция дарс, адабий экскурсия каби шакллари мавжуд эканлиги.

Ваъзхонлик - ўқувчиларга янги билим беришнинг асосий машғулоти тарзи сифатида. Таянч ва ёқори синфларда ўтказиладиган ваъзхонликнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари. Таянч синфларда ваъзхонликни қисқа, тушунарли ўтказиш зарурати. Нутқ соддалигига риоя қилиш. Ёқори синфларда аниқ режа асосидаги ваъзхонлик аътанаси. Янги мавзу режасининг ўқувчилар томонидан ёзиб олинishi. Ёқори синфлардаги ваъзхонликкў қўйиладиган талаблар: ўқитувчи нутқининг дастурдаги мавзу билан бевосита боғлиқ бўлиши шarti, унинг изчил ва равои тилда амалга оширилиши, аниқ режа асосида қурилиши, кўрсатмали бўлиши, туйғулар жўшқинлиги ифодалиги қондаларига биноан ўқилиши ва ҳоказолар. Ваъзхонлик асосида уюштирилган машғулотларнинг камчиликлари: ўқувчилар фаоллигининг заифлиги, вақт меъёри ёки ўқиш суръати мақсадга мувофиқ белгиланмаган ҳолатларда машғулотларнинг зерикарли ўтиши, ўқувчи қабул қилган билим даражасини аниқлашнинг мушкуллиги.

Суҳбат - адабиёт дарсларини жонли ва қизиқарли ўтказиш воситаси сифатида. Бу шаклда дарсни уюштириш ва ўтказиш ўқитувчидан ижодий изланиш талаб қилиши. Суҳбатни аниқ тузилган режа асосида, маълум мақсадга йўналтирилган тарзда уюштириш ўқитувчи, маҳоратини белгиловчи омил сифатида. Суҳбат жараёнида ўқувчи мустақил фикрини шакллантириш ва ифодалашга ўргатишнинг афзалликлари. Суҳбат давомида ўқитувчи раҳбарлик ролининг муҳимлиги. Ўқувчи ўзлаштирган билимини текширишнинг энг самарадор кўринишидан бири суҳбат экани. Суҳбат дарсининг камчиликлари: ўқувчиларга ҳар томонлама кенг, чуқур, мунтазам билим бериш имкониятининг, чегараланганлиги; асосий мавзудан чалғиб кетиш ҳолатларининг учраб туриши.

Мустақил иш ва унинг асосий хусусиятлари. Адабиёт ўқитишда мустақил ишнинг кўринишлари. Унинг адабиёт ўқитишнинг бошқа шакллари билан фарқи. Мустақил ишни ташкил этишда қўлланиладиган



метод. Мустақил ишнинг тадқиқод методига ниҳоятда ўхшаб кетиши, лекин уларнинг битта нарса эмаслиги. Уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари. Мустақил иш шаклининг ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлаш салоҳиятини ўстириш борасидаги аҳамияти.

Адабий экскурсия ва ундан кузатиладиган мақсад. Адабий ўлкашунослик манбаларини ўрганиш мақсадида экскурсия уюштириш.

Табиатни кузатиш ва уни ёзма ифодалаш мақсадида адабий экскурсияга чиқиш.

Маълум давр адабиётига доир шарҳли ваъз мавзуларни адабиёт музейида ўрганиш мақсадида адабий экскурсияга чиқиш ва унинг бошқа кўринишлари ҳақида.

Сценарийли ўқитиш - адабиёт ўқитишнинг энг замонавий шаклларида бири эканлиги. Ўқувчиларга сценарийли ўқитиш - га оид атамаларни аста секин тушунтириб бориш аҳамияти.

Сценарий (саҳнанома) - бадиий, ҳужжатли, мультипликацион фильмларда; телекўрсатувларда; радиоэшиттиришларда; конференция; тантанали кеча ва бошқа тадбирларда кўрсатиладиган ёки эшиттириладиган воқеа-ҳодисаларнинг махсус ёзма баёни экани. Сценарийга тааллуқли бўлган - кадр, кадр орти, режиссёр, сценарий муаллифи, пейзаж, деталь, портрет каби атамалар ҳақида маълумот бериш ва бунинг зарурати.

Сценарийли ўқитишни қўйи синфлардан бошлашнинг самараси ва аҳамияти. Сценарийли ўқитишда соддадан мураккабга тамойилга амал қилиш лозимлиги. Дастлаб ўқувчиларга бадиий асардаги пейзажнинг ёзма баёнини мустақил ифодалаш, кейинчалик детал тасвири ва портретларга ўтишнинг фойдали эканлиги. Бундай ўқитишнинг бошланғич қисмида ўқитувчининг фасллиги, ўқитувчи томонидан режа тавсия қилишнинг аҳамияти.

Сценарийда қаҳрамон ҳатти-ҳаракатларининг ҳам тасвирланиши. Ўқувчи томонидан кашф этилган ҳар бир янгилик ўқитувчи эътиборидан четда қолмаслиги зарурлиги. Энг муҳими сценарийли ўқитишдан асосий мақсад ўқувчида сценарий ёзиш кўникмасини ҳосил қилиш эмас, балки, ўрганилаётган бадиий асар билан уни чуқурроқ таништириш ва унда ижодга ҳавас уйғотиш эканлиги.

Конференсия дарслари. Конференсия дарслари якуний машғулотларнинг бир шакли сифатида. Бундай дарсларга махсус тайёргарлик кўриш зарурати. Конференсия дарслари мавзу бўйича ўқиндиган маърузалар, ўқувчиларнинг таассуротлари, мулоҳазалари, ифодали ўқишлар, сахна чиқишлари, адабий ўйинлардан иборат бўлиши. Бундай машғулотлар илгари ўзлаштирилган маълумотларнинг оддий такроридан иборат бўлиб қолмаслиги зарурлиги. Конференсия дарс машғулотларини юқори савияда ўтишини таъминловдиган омиллар ҳақида маълумот

Назм дарслари. Назм дарсларининг асосий мақсади ўқувчиларнинг шеърий асарларга қизиқишини, шеър ёдлашга ҳавасини шакллантириш ва ривожлантириш экани. Бу дарсларнинг икки йўналишда ўтказилиши. Адабий ва эркин мавзудаги назм дарслари. Шоирлар ижодига оид назм дарсларининг адабий мавзуга оид экани. Ватан, халқ, табиат, ҳурмат, нон, дўстлик ҳақидаги назм дарслари эркин мавзудаги машғулотлар экани.

Мазкур дарсларнинг алоҳида-алоҳида саҳифалардан иборат бўлиши. Ўқитувчининг кириш сўзи ана шу саҳифалардан асосийси экани. Бу маъруза ҳажм жиҳатдан ихчам, мазмун жиҳатдан янгиликларга бой, ўқилиши жиҳатдан ўта қизиқарли бўлиши лозимлиги. Бошловчи ўқувчининг қисқа маърузаси, тавсия этилган шеърий парчанинг дастлабки таҳлилини ўтказиш, дастур асосида ўрганилган шеър матнига оид бирон сўзни айтиш ва у иштирок этган мисра (байт)ни топиш, синф ўқувчиларининг фаол иштирокида мавзуга оид шеърларни ёддан ўқиш, мавзуга оид шеърга басталенган биронта қўшиқни магнитофондан эшиттириш, биронта меймон таклиф қилинган бўлса, унинг маърузасини эшитиш, баҳри байт ўтказиш, машғулотни якунлаш назм дарсини ташкил этувчи саҳифалардан эканлиги. Мавзу хусусиятига, ўқувчилар савиясига ва на қизиқишига, вақт имкониятига қараб бу саҳифаларни қисқартириш ёки такрорлаш имконининг мавжудлиги ҳақида тавсиялар. Эркин мавзудаги назм дарслари адабиёт дарсларида таълим-тарбия бирлигини амалга оширишнинг энг самарали усуллари экани. Назм дарсларини муттасил уюштириш ўқувчилар билимини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгалиги. Уларни уюштиришда ўқитувчининг фаол иштирок этиши лозимлиги.

Мусобақа дарслари. Мусобақа адабиёт машғулотларининг

қизиқарли ўтишини таъминловчи ноанъанавий дарс шаклларида бири сифатида. Мусобақада дарсларини бир неча йўналишда ўтказиш усуллари. Адабиётдан ўрганилган мавзуларни такрорлаш, шеър ёдлаш, бадиий тасвир воситаларини аниқлаш, синфдан ташқари ўқилган асарларни эста олиш бўйича уюштирилаётган мусобақалар ана шу усуллар намунаси сифатида.

Ўқитувчининг мусобақа дарсларига алоҳида тайёргарлик кўриши. Саволларни аввалдан тайёрлаши, йўл-йўлакай қизиқ саволларни кашф қилиш иқтидорини эгаллаши. Бундай дарслар тез уюштирилаётган адабий ўйинларни ўтказиш имкониятига бой экани ҳақида маълумот. Ўткир зеҳнлилар мушоираси, ўйлаб топ, мўжизалар майдони, балли қизлар, балли йигитлар ва бошқа телевизион кўрсатувлар таркибидаги лавҳалардан мазкур дарсларни ўтказишда фойдаланиш йўллари.

Мусобақа дарсларининг асосий мақсади ўқувчиларнинг адабиёт дарсларидан олган маълумотларни синовдан ўтказиш, уларни мустаҳкамлаш, синфдан ташқари ўқилган асарларни назорат қилиш, уларни аниқ мақсад сари йўналтириш, ўқувчиларда бадиий адабиёт билан муомалада бўлиш ҳавасини шакллантириш экани ҳақида маълумот. Мусобақа дарсларида халқ расм-русумлари, оғзаки ижод намуналарини қанчалик ўзлаштирилгани вазасидан маълумот тўплашнинг аҳамияти.

Семинар дарслари. Дарснинг бу шакли юқори синф ўқувчиларини илимий асарлар билан мустақил ишлашга ўргатиш, уларни олий ўқув юрларида ўқишга тайёрлаш воситаси сифатида. Семинар машғулотлари мавзуларини белгилаш масъулияти. Юбилей ўтказилаётган адиб ижодига, шунингдек, қўшимча адабиётларга бой мавзуга бағишланган семинар машғулотларни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Мазкур машғулотларнинг мавзуси аниқланганидан сўнг ўқитувчи томонидан аниқ тузилган режа моддаларининг, адабиётлар рўйхатининг ўқувчиларга тавсия этилиши

## А Д А Б И Ё Т   Ў Қ И Т И Ш   У С У Л Л А Р И

Адабиёт ўқитишда методларнинг методлар билан, шаклларнинг шакллар билан алмашилиб туриши зарурати ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида усулларнинг нужудга келиши. Адабиёт

дарсининг мақсади, вазифаси ва моҳиятига қараб унинг асосий методи; кўринишига қараб дарсининг асосий шакли белгиланиши. Лекин, ана шу асосий метод билан ёнма-ён қисман фойдаланилган методлар; шунингдек, асосий шакл билан ёнма-ён қисман фойдаланилган шакллар адабиёт ўқитиш усуллари. (приёмлари) деб номланиши.

Адабиёт ўқитишда методларнинг ва шаклларнинг ўзаро ўрин олмаси туриши дарсининг жозибадорлигини, унинг товланиб туришини таъминлайдиган муҳим омил эканлиги. Адабиёт ўқитиш усуллари самарали фойдалана билмаслик дарсни сўник ва зерикарли ҳолатга тушириб қўйиши мумкинлиги.

Ваъзхонлик, суҳбат, мустақил иш шаклларида усул сифатида унумли фойдаланиш усуллари. Алоҳида усулларнинг камчиликларини бошқаларидаги ижобий жиҳатлар билан тўлдириш зарурати. Хусусан, суҳбатдаги чуқур таълим бериш қийинчиликларини ваъзхонлик билан, ёзма ишдаги вақт танқислигини суҳбат билан тўлдириш усуллари.

Адабиёт дарсида самарали усуллари топиш ўқитувчининг ижодкорлиги билан боғлиқлиги.

### А д а б и ё т ў қ и т и ш т и п л а р и

Адабиёт ўқитишнинг учта типи: қироатхонлик, намунавий ва муаммоли таълим типлари ҳақида умумий маълумот. Бу учала таълим типи бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча бир-бирини тўлдириш хусусиятига эга эканлиги. Таълим типи тушунчасининг метод, шакл, усул тушунчаларидан фарқи. Адабиёт ўқитиш методлари, шакллари, усуллари ва типларининг тасниф жадвалини тузиш.

Қироатхонлик таълими. Мазкур таълим типи октябр тўнтаршига қадар ўзбек мактаблари ва мадрасаларида кенг қўлланилганлиги. Совет даврида адабиёт ўқитишнинг бу типи асоссиз равишда қотиб қолган (догматик) тип деб қораланганлиги ва инкор этилганлиги. Натихада миллий мактабларимизда ёд олиш малакасининг кескин пасайиб кетганлиги. Бу ҳол айниқса ўқувчиларда аруз вазнини ифодали ўқий олиш қобилиятининг сусайиб кетишига сабаб бўлганлиги. Шунга ўхшаш инкор этишлар мактабларимизни

миллийлик хусусияти маълум даражада заифлашувига олиб келганлиги. Бугунги мактабларимизда адабиёт ўқитишнинг қироатхонлик типидан ўз ўрнида ижодий фойдаланиш йўллари.

Намунавий таълим. Намунавий таълим ўзбек мактабларида кенг оммалашган асосий анъанавий таълим типи сифатида. Бу таълим тинининг ўзига хос хусусиятлари. Намунавий таълим типи асосида ташкил этиладиган адабиёт дарсларида асар таҳлили дарсликдаги таҳлил намунасида ва асосан ўша йўналишда олиб борилиши.

Адабиёт дарсларини қатъий система асосида, маълум изчилликда ташкил этишда, айниқса вақт тақсимотидан мунтазам равишда талаб этилган меъёрда фойдаланишда намунавий таълим типининг қулайликлари.

Мазкур таълим типи ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришда катта имкониятларга эга эканлиги. Лекин, бу таълим типида ўқувчини ижодий фикрлашга ўргатиш имкониятларининг маълум даражада чекланиб қолиши.

Муаммоли таълим. Муаммоли таълим метод ҳам, шакл ҳам, усул ҳам эмаслиги. Бу таълим типи ўқувчиларнинг на фақат мустақил фикрлаш қобилиятларини, балки уларнинг ижодий фикрлаш салоҳиятини ўстиришда ҳам беқиёс аҳамиятга молик эканлиги. Лекин, шунга қарамай мазкур таълим типидан фойдаланишда маълум меъёрга риоя қилиш зарурлиги ва бу зарариятнинг сабаблари.

Муаммоли таълим муаммоли вазият яратиш орқали амалга оширилиши. Талаб этилаётган тушунча билан илгари ўзлаштирилган тушунча ўртасидаги номувофиқлик натижасида пайдо бўлган вазият - муаммоли вазият эканлиги. Муаммоли саволлар ва уларнинг асосий хусусиятлари ҳақида маълумот.

Муаммоли вазият ҳосил қилиш йўллари:

1. Муаммоли саволлар ёрдамида мунозара уюштириш орқали муаммоли вазият ҳосил қилиш :

а) ўқувчиларга танлаб олиш имкониятини бериш орқали муаммоли вазият ҳосил қилиш ҳақида маълумот ;

б) амалда кўрсатишни таклиф қилиш орқали муаммоли вазият ҳосил қилиш йўллари.

2. Олдиндан уйга топшириқ бериш орқали муаммоли вазият ҳосил қилиш :

- а) бобларга сарлавҳа топил;
- б) қаҳрамонларнинг асардаги ўрнини белгилаш;
- в) муаммоли савол ва топшириқларга жавоб излаб, мунозарага тайёрланиб келиш орқали муаммоли вазият ҳосил қилиш йўллари.

3. Дарс вақтида адабий асарни ўқишга киришишдан олдин муаммоли вазият ҳосил қилиш йўллари ҳақида маълумот.

4. Ўқув материални қайта қуриш орқали муаммоли вазият ҳосил қилиш.

5. Ўқувчиларнинг ҳаёт тажрибаларидан адабий материалга боғлиқ ҳолда фойдаланиб муаммоли вазият ҳосил қилиш.

6. Санлараро алоқадан фойдаланиб муаммоли вазият ҳосил қилиш.

## Б Е Ш И Н Ч И Б Ў Л И М

### АДАБИЙ АСАРНИ ЎРГАНИШ

Адабий асарни ўрганиш:

- а) кириш машғулоти;
- б) матн устида ишлаш;
- в) мавзуга боғлиқ адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш;
- г) адабий асар таҳлили;
- д) якунловчи машғулотлар каби босқичлар орқали амалга

оширилиши. Лекин, мазкур босқичлар шартли бўлиб, ҳар бир асар таҳлилида бу босқичларнинг ҳаммасидан ўтиш шарт эмаслиги. Кириш машғулотларининг баъзи турлари, асар мазмунини ўзлаштириш, таҳлил этиш ва якунловчи машғулотлар каби босқичлар эса деярли ҳаммиса, ҳар қандай асарни ўрганишда қўлланилиши.

Давр тавсифига доир шарҳли ваъзалар (обзор мавзулар) ўрганилаётган асарга алоқадор эканлиги. Ёзувчи таржимаи ҳолининг ўрганилаётган асарга боғлиқлиги. Йирик асарлар таҳлиliga киришишдан аввал албатта унинг мазмунини ўзлаштириш, матн устида ишлаш шарт эканлиги. Адабий-назарий тушунчалар асар таҳлили учун зарур восита сифатида. Бадиий асар таҳлили адабиёт дарсларида алоҳида ўрин тутishi. Якунловчи машғулотлар адабий таълимнинг изчиллигини таъминловчи муҳим омил сифатида.

## К и р и ш м а ш ғ у л о т л а р и

Кириш машғулотларидан мақсад адабий матнни ўрганиш учун энг қулай шароитни вужудга келтириш эканлиги. Кириш машғулотларининг ўрганиладиган адабий асарга билвосита ва бевосита алоқадор турлари. Шархли ваъзлар, "Эки ёзувчининг таржимаи ҳолини ўрганиш" кабилар алоҳида мавзу бўлса ҳам, улардан кутиладиган мақсад кейинги дарсларда ўрганиладиган адабий асарни пухтароқ ўзлаштириш учун замин ҳозирлаш эканлиги. Кириш машғулотларининг "Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш, ва эътиборини ҳалб этиш", "тарихий маълумот бериш", "англашилмаган сўзларни тушунтириш" каби турлари эса алоҳида мавзу бўлмай, ўрганилаётган адабий матнга бевосита алоқадор эканлиги.

Шарҳли ваъзлар. Муайян адибнинг ижодкор сифатида шаклланишида мавқега эга бўлган омиллари билиш, ўрганиладиган асарларининг яратилиш сабабларини тушуниш, бир тарихий даврдаги адибларнинг ижодида пайдо бўлган бадиий унсурларнинг илдиэларини англаш учун шарҳли ваъзларнинг зарурлиги. Шарҳли ваъзларнинг юқори синфларда қўлланилиши. Юқори синф ўқувчилари бадиий ҳодисалар орасидаги сабабий боғланишларни англаш даражасига етганлиги учун ҳам бу синфларда шарҳли ваъзлардан фойдаланиш кераклиги.

Шарҳли ваъзларнинг таҳлил этилажак асарга муносабатига кўра икки турга бўлиниши: бир тур шарҳли ваъзлар муस्ताқил аталиб, ўзидан кейинги монографик мавзуга бевосита дахлдор бўлмаслиги ва фақат даврни изоҳлаб бериши.. Иккинчи тур шарҳли ваъзларнинг йўналтирувчи дейилиб, ўзидан кейинги монографик мавзунини ўрганишга йўл очиш учун зарурлиги. Бу хилдаги шарҳли ваъзлар мактаб адабий таълимида кўпроқ қўлланилиши. Шарҳли ваъзларни уюштиришда ўқув дастурига таяниш лозимлиги. Дастурда ижоди ўрганилиши зарур бўлган адиблар ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар берилишидан олдин мазкур адиблар яшаган давр ва шу даврдаги адабий муҳит ҳақида билим берилиши. Аммо ўқитувчи зарур деб ҳисоблаган ўринларида шарҳли ваъзларни кўпайтириши ва баъзан камайитириши мумкин эканлиги. Чунки ҳар қандай ижодкорнинг асарлари ўрганилишидан олдин ҳам шарҳли ваъз талаб этилавермаслиги. Ижоди адабиёт тарихида бурилиш

босқичини бошлаб берган, образлар системасида, дунёни бадиий идрок этиши ва тасвирлашида, тилида аввалги даврлардагига нисбатан туб ўзгаришлар мавжуд бўлган ёзувчилар ижодини ўрганишга киришишдан олдин шарҳли ваъзаларнинг зарурати. Масалан, Ёсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ижоди таҳлил қилинишидан олдин "УШ-ХП асрлар адабиёти" мавзуида шарҳли ваъзалар уюштирилиши кераклиги. Негаки, бу даврга келиб, туркий адабиётнинг образлар тизимида ҳам, адабий жанрларида ҳам, бадиий тилида ҳам, ислом кириб келиши билан, кескин ўзгаришлар рўй берганлиги. Ана шу ўзгаришлар ва уларнинг сабаблари тушунтирилмаса, Хос Ҳожиб, Яссавий ва ўша даврга мансуб тасаввуфий йўналишдаги бошқа ижодкорларнинг асарларини англаш мушкул эканлиги. Адабиёт ўқитувчиси ўрганилаётган давр ва адабий жараённинг мураккаблигига қараб айрим шарҳли ваъзалар учун ажратилган вақтни ўзгартириши мумкинлиги. Лекин шарҳли ваъзалар зерикарли академизмдан ҳоли бўлиши лозимлиги. Шарҳли ваъзаларни уюштириш мақсадга айланмаслиги ва фақат тарихий маълумотлар берувчи машғулот бўлиб қолмаслиги кераклиги. Ҳар қандай шарҳли ваъз пировард натижада, ўрганилашак асарни таҳлил этишга хизмат қилиши зарурлиги. Тарбияланувчиларга давр ва адабий қаҳрамон, замон ва адабий жанрлар орасидаги боғлиқликларни тушунтириш учун ҳам шарҳли ваъзаларнинг зарур эканлиги. Ўқувчиларнинг миллий адабиётни умумжаҳон адабий жараёнидан узилиб қолмаган санъат ҳодисаси эканлигини билишларида шарҳли ваъзалар аҳамияти. Миллий адабиётимизда улкан мавқега эга бўлган ижодкорнинг дунё адабиётида тутган мартабасини белгилашда ҳам шарҳли ваъзаларга мувожаат қилишнинг кўп келиши. Ўқитувчи шарҳли ваъзаларни уюштиришнинг турли шаклларида фойдаланиши мумкин экани. Айрим ҳолларда, шарҳли ваъзалар бирор ижодкорни ўрганишдан олдин қилинса, баъзан адибнинг ижоди ўрганиб бўлингач, яқунловчи машғулот ўрнида ҳам ўтказиш мумкин эканлиги. Шунингдек, шарҳли ваъзаларни қизиқарли, таъсирли қилиш учун аълочи ва фаол ўқувчилардан, адабиёт, тарих музейларига сафар уюштиришдан, киноқўрсатув ва ўқув фильмларидан фойдаланиш мумкин эканлиги.



Ёзувчининг таржимаи Бадиий асар таҳлилида адиб таржимаи ҳо-  
қолини ўрганиш ҳолини ўрганишнинг ўзига хос ўрин тутishi.  
Адибнинг ҳаёт йўлидан хабардор бўлмаи  
туриб, унинг асарларидаги айрим маҳозий ўринларни, ифодалар-  
ни тушунтириш мушкул эканлиги. Ёзувчиларнинг таржимаи ҳоли  
мактабда икки сабабга биноан ўрганилиши : биринчидан, таржимаи  
ҳол ўрганиладиган бадиий асарни тушунишга калит бўлиши, иккин-  
чидан, миллатнинг энг етук фарзандларидан ҳисобланмиш адиблар.  
ҳаётидаги намуна бўлгулик жиҳатлар орқали ўқувчилар маънавия-  
тида муайян сифатлар шакллантирилиши мумкинлиги. Ҳар икки  
ҳолда ҳам ўқитувчи ҳаёт фактларини асар таҳлилига боғлаган  
тақдирдагина самарага эришиши мумкинлиги. Булардан ташқари  
адиблар таржимаи ҳоли халқ тарихини ўрганишнинг воситаси  
ҳам эканлиги. Халқнинг энг етук, курашчи, машҳур вакилларида  
ҳисобланувчи, миллат равнақи учун бошқалардан кўпроқ жон куй-  
дирувчи адибларнинг жонли ҳаёт йўллари халқ тарихини кришлар,  
урушлар, рақамлар, саналар орқали билиб қўя қолишдан фойдали-  
лиги. Чинакам иходкор ўз халқига хос хусусиятларга энг кўп  
даражада эга бўлиши ва унинг ҳаёт йўлини кузатиш қайсидир дара-  
жада халқнинг ҳаёт йўлини кузатиш эканлиги. Таянч мактаблар-  
нинг 5-7- синф ўқувчилари учун ёзувчи таржимаи ҳоли фақат иб-  
рат ва намуна мақсадида етказилиши фойдали эканлиги. Таянч  
мактабларнинг 8- синфидан бошлаб, таржимаи ҳолни ўрганишга  
каттароқ эътибор берила бошланиши. Айниқса, 10- синф ўқувчи-  
ларига системали адабий курсни ўрганишга ўтишлари муносабати  
билан адиблар, ҳаёти ҳақида бирмунча батафсил ва илмий маълум-  
отлар берилиши жон эканлиги. Таржимаи ҳолни ўрганишнинг ик-  
ки тури: а) адиб ҳаёти тўғрисида қ и э и қ а р л и - о м -  
м а б о п ҳикоя; б) ёзувчи ҳаёт йўлининг и л м и й баё-  
ни. Биринчи йўлдан таянч мактабларнинг 5-9- синфларида фой-  
даланилса, иккинчи йўлдан юқори синфларда адибларнинг асарла-  
ри ўрганилишидан олдин фойдаланилиши. Ҳамма синфларда ҳам  
адиблар ҳақида фақат текширилган ва вақт синовидан ўтган да-  
лиллар асосида фикр яритилиши зарурлиги. Иходкор тўғрисида  
ноилмий маълумотга эга бўлган ўқувчи унинг асарига ҳам нотўғ-  
ри муносабатда бўлиши мумкинлиги. Ўқитувчи адиблар ҳаётидаги  
кескин қирраларни киматишга, айрим инсоний қусурларни, агар

улар ўрганиладиган асарларга даҳлдор бўлса, хаспўшлаб кетишга уринмасликлари зарурлиги. Бу ҳол адиб тўғрисидаги тасаввурларнинг чала бўлишига, ҳамда ижодкор инсоний қиёфасининг очилмай қолишига олиб келиши мумкинлиги. Адиблар томонидан битилган маълумотлар, ижодкорларга замондош бўлган кишиларнинг хотиралари, муайян адибга даҳлдор турли илмий ва бадиий асарлардаги қайдлар, киножўрсатув, диафильм ва ҳ.к. материаллардан фойдаланишнинг самаралилиги. Адиб ҳаётининг илмий баёни ва ўз ичига ҳамича : а) муайян адибнинг ёзувчи ва мутафаккир сифатидаги мавқеи; б) яшаган даврида тутган ўрни; в) ижодкор, услуби ва унинг шаклланиши; г) адибнинг миллат ижтимоий тафаккури ва адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси; д) унинг умумжаҳон бадиияти ва тафаккури ривожига муносабати сингари масалалар ўқитувчи томонидан оқинлаштириб берилиши кераклиги. Лекин миллий адабиёт намояндларининг ҳаммаси ҳам мазкур мезонлар билан ўлчаниши шарт эмаслиги. Ўқитувчининг адиб шахсиятига эътибор бериши болалар томондан унинг севиб қолинишига, бинобарин, асарларининг ҳам севиб ўрганилишига олиб келиши мумкинлиги.

Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш ва эътиборини жалб этиш

Ҳириш машғулотининг бу тури ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиб, уларни дарсга қаҳдиё этувчи хусусияти билан алоҳида аҳамиятга эга эканлиги. Ўқувчиларнинг шахсий таассуротларига суяниб суҳбат ташкил этиш йўли билан уларни дарсга қизиқтириш.

Кириш машғулотининг бу тури айниқса пейзаж лирикасига оид асарларни, ёки вазият ва буюмлар тасвирини ўрганишда кўпроқ қўл келиши.

Илгари ўрганилган асарга боғлаб суҳбат уюштириш йўли билан ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш. Бу ўринда асарларнинг мавзу жиҳатидан ўхшашлигига, ёки бир муаллифнинг бир неча асарлари ўртасидаги алоқадорликка ўқувчилар эътиборини қаратиш мумкинлиги.

Бошқа манбаалардан, эр экран ва сахна асарларидан ёки синфдан ташқари ўқилган китоблардан олинган таассуротларга асосланиб суҳбат ташкил этиш.

Тарихий маълумот бериш

Мектабда ўрганилиши кўзда тутилган баъзи асарлар бевосита тарихий маълумот беришни

талаб этиши. Бу ўринда ўқувчиларнинг тарих фанидан олган билим ларига суяниб суҳбатлар уюштириш яхши самара бериши мумкинлиги. Тарихий маълумотлар оддий ахборотлар лигиндисига, зерикарли социологик маълумотлар мажмуасига айланиб кетишидан эҳтиёт бўлиш чоралари. Айниқса, келтирилаётган тарихий фактлар ўрганилажак асардан узилиб қолмаслиги шарт эканлиги.

Англашилмаган сўзларни тушунтириш за-  
сўзларни тушунтириш рурати ва аҳамияти. Англашилмаган сўз-  
ларни тушунтириш усуллари.

Асарни ўқишдан олдин тушунтириш усули ва адабиёт дарсларида бундай усулдан фойдаланиш ўрни.

Асарни ўқиш вақтида тушунтириш усули. Матндан ажратиб тушунтириб бўлмайдиган сўзлар ҳақида тушунча бериш.

Англашилмаган сўз, ибора ва ифодаларни асарни ўқигандан сўнг тушунтириш усули. Бундай сўз, ибора ва ифодаларни асар тахлили билан боғлаб тушунтириш усули.

#### М а т н у с т и д а и ш л а ш

Кириш машғудотлари, айниқса унинг "Англашилмаган сўзларни тушунтириш", "Тарихий маълумот бериш" каби турлари бевосита матн устида ишлашга ҳам тааллуқли экани. Матн устида ишлашдан асосий мақсад - унинг мазмунини ўзлаштириш, асар мазмунини ўзлаштиришдан кутиладиган мақсад эса ўқувчиларни асар тахлилига тайёрлашдан иборат эканлиги.

Асар мазмунини ўзлаштириш учун албатта уни ўқиш шарт эканлиги. Асар мазмунини қандай ўзлаштирилганлигини аниқлаш йуллари. Ўқиб чиқилган асар базасидан ўтказиладиган суҳбатлар. Режа тузиш ва қайта ҳикоялаш.

#### А д а б и й а с а р н и ў қ и ш н и н г ш а к л и г а к ў р а т у р л а р и

Адабий асарни синфда ва уйда ўқиш. Ўқувчиларни синфда ўқишга ва уйда ўқишда қизиқтириш йуллари.

Асарни овоз чиқариб ва овоз чиқармай ўқиш. Шарҳлаб ўқиш. Адабий асарни кўр бўлиб ўқиш. Айниқса аруз вазнида ёзил-

ган асарларни ўрганишда жўр бўлиб ўқишнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги.

Адабий асарни ролларга бўлиб ўқиш. Эпик асарларни ролларга бўлиб ўқиш. Драматик асарларни ролларга бўлиб ўқиш. Лирик асарларни ролларга бўлиб ўқиш.

Шарҳлаб ўқиш адабиёт фани асосларини ўқувчи томонидан тушуниб ўзлаштиришнинг муҳим омили эканлиги. Шарҳлаб ўқиш тарихи Туркистондаги халқ таълими тизимида Куръони карим тафсири, Муҳаммад пайғамбар ҳадисларининг шарҳи, Навоий, Машраб, Огаҳий каби шоирлар ижодининг таҳлили билан чамбарчас боғлиқлиги.

Шарҳлаб ўқитишдан асосий мақсад ўқувчига ҳар бир англашилмаган сўз, сўз бирикмаси, фразеологик бирикма, матал, мақол ҳақида мукамал маълумот бериш экани. Шарҳлаб ўқитишнинг лугат устида ишлаш машғулотидан фарқли томонлари. Шарҳлаб ўқитиш жараёни ўқитувчидан катта билимдонлик, чуқур назарий тайёргарлик кўришни талаб қилиши ҳақида маълумот.

Баъзан шарҳлаб ўқитиш воситасида бадиий санъатлар ҳақида маълумот беришнинг фойдали экани. Бадиий санъатларни аниқлаш воситасида асар мазмунини шарҳлаш усуллари. Шарҳлаб ўқитиш ўқувчининг бадиий адабиётга, унинг ўзига хос табиатини тушунишга ҳавас уйғотиш имкониятларидан бири сифатида.

#### А д а б и й а с а р н и ў қ и ш н и н г м а з - м у н и г а к ў р а т у р л а р и

Мантиқий ўқиш Асар мазмунини ўзлаштиришда мантиқий ўқиш усулидан фойдаланиладиган ўринлар. Мантиқий ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти. Бундай ўқишда бутун эътибор биринчи галда асарнинг шаклига эмас, балки унинг мазмунига қаратилиши. Асар ғоясини очишда аҳамиятли сўзларни таъкидлаб ўқиш мантиқий ўқишнинг асосий хусусиятларидан бири эканлиги. Мантиқий ўқишда ургу.

Адабий ўқиш Адабий ўқиш асарнинг мазмунига эмас, биринчи галда унинг шаклига эътибор бериб ўқиш эканлиги. Шеъринг нутқ ҳақида маълумот беришда адабий ўқишнинг алоҳида аҳамияти. Шеърнинг ҳижолирига эътибор бериб ўқиш. Туроқларига эътибор бериб ўқиш. Вазнига эътибор бериб

Ўқиш.

Ифодали Асарни ўқиш қонун қоидаларига, тиниш белгиларига,  
Ўқиш унинг ҳам шаклига, ҳам мазмунига баробар эътибор  
бериб ўқиш ифодали ўқиш эканлиги.

Адабиёт ўқитувчисининг ўқиши биринчи галда ифодали  
ўқиш эканлиги. Бу борада ўқитувчи бошқаларга ибрат кўрсата  
оладиган иқтидорга эга бўлиши шарт эканлиги. Асар мазмунини  
ўзлаштиришда ифодали ўқишнинг аҳамияти. Ўқувчиларда ифодали  
ўқиш малакасини ҳосил қилиш йўллари.

Бадиий Бадиий ўқиш биринчи галда ҳолатга тушиб ўқиш  
Ўқиш деган маънони англатиши. Ўқитувчи ҳар бир асарни  
бадиий ўқишга уриниши ҳамма вақт ҳам кутилган  
натижани беравериши мумкин эмаслиги. Бунинг сабаблари. Шунинг  
учун ҳам ўқитувчи доимий равишда адабий асарни ҳолатга тушиб  
ўқишга интилиши шарт эмаслиги.

Бадиий ўқишда ҳар бир тинсолга мос ўқувчини танлай билиш  
дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги.

Бадиий ўқишда туйғулар жўшқинлигига алоҳида эътибор бериш  
зарурлиги. Лекин, ҳар бир ўқувчидан бир хил қолипда ҳолатга  
тушишни талаб этиш бадиий ўқиш тамойилларига зид усул эканли-  
ги. Бадиий ўқиш орқали адабиёт дарсларининг санъат дарсларига  
айланиб кетиши мумкинлиги.

Адабиёт дарсларида ҳеч қандай техника воситаси, ҳеч қандай  
кўرғазмаллик яхши уьштирилган жонли бадиий ўқиш ўрнини боса  
олмаслиги.

А д а б и й — н а з а р и й т у ш у н ч а л а р н и  
ў р г а н и ш

Шахс маънавиятини шакллантириш воситаси — адабий таълим-  
да ҳиссиётга таъсир этиш, туйғулар тарбияси асосий масала  
ҳисобланса—да, тарбияланувчининг нинадан? нима учун? таъсир-  
ланганини билишнинг ҳам муҳим аҳамиятга молик эканлиги.  
Ўқувчи учун таъсирланишгина етарли бўлмай, таъсирланишга олиб  
келган эстетик категорияларни ўзлаштириш, билиш катта ўрин  
тутиши. Назарий тушунчаларни мактабда ўрганиш айни шу зару-

риятдан келиб чиққанлиги. Бадиий адабиётнинг тасвир объекти Оллоҳ, Олам, Одам, Руҳ, Одамият, Руҳият эканлиги ва уларнинг қай даражада мукамал акс эттирилиши сабаблари ҳамда йўллари ҳақида баҳс юритиш мактаб адабиёт назариясининг вазифаси эканлиги. Назарий тушунчаларни ўрганиш мактаб адабиёти учун ҳам МЕТОДОЛОГИК АСОС, ҳам БАДИИЙ ТАҲЛИЛ ВОСИТАСИ бўлиб хизмат қилиши. Адабий таълим учун назарий тушунчаларни ўрганиш мақсад эмас, балки бадиий асарни чуқур таҳлил этиш даражасига эришиш воситаси эканлиги. Назарий тушунчаларни сингдиришда илмийлик, изчиллик, системалилик сингари тамойилларга қатъий амал қилиш зарурати. Мактаб адабиётшунослиги мавҳум назарияга айлантирилмаслиги, балки аниқ амалий йўналишга, татбиқий характерга эга бўлиши кераклиги. Амалдаги методикада бадиий асарнинг мафкуравий жиҳатини бўрттириб кўрсатишга хизмат қилувчи назарий маълумотларни сингдиришга: гоёвийлик, халқчилик, партиявийлик, синфийлик, қарама-қарши адабий оқимлар ҳақидаги адабий матн нафосатини очишга хизмат қилмайдиган тушунчаларни сингдиришга зўр беришнинг салбий оқибатларга олиб келганлиги.

Туркий методика талабаларга назарий маълумотлар беришнинг бой тажрибасига эга эканлиги. Ўқитувчи ўз фаолиятида ана шу тажрибаларни мустақил ўзлаштириб, татбиқ этишга уриниши лозимлиги. Адабий-назарий тушунчаларни ўрганишда миллий адабиётшуносликка таянишнинг зарурлиги. Фарб адабий жараёнидагина даҳлдор бўлган маълумотларни ўрганишга вақт сарфлаш керак эмаслиги.

Ўқувчиларга адабий-назарий тушунчаларни ўргатишда дастурга қатъий амал қилиш зарурлиги. Айни пайтда, вазият тақозосига кўра дастурда кўзда тутилмаган назарий маълумотларни беришни ҳам режалаштириш мумкин эканлиги. Адабиёт ўқитувчилари метод бирлашмаси ўқув дастури ва ўзларининг тажрибаларига таянган ҳолда 5- синфдан XI синфгача қандай назарий маълумотларни ўргатиш кераклигини кўрсатувчи махсус жадвал (таблица) ишлаб чиқиларининг фойдали бўлиши.

Назарий маълумотлар ўрганиладиган бадиий асарнинг илмий калити сифатида. Улар асар ўрганилишидан олдин ҳам, ўрганилиш жараёнида ҳам асар таҳлилидан кейин ҳам берилиши мумкин эканлиги. Назарий маълумотларнинг бадиий асар ўрганилишидан

олдин ёхуд кейин берилишини конкрет вазиятдан келиб чиқиб, ўқитувчининг ўзи белгилаши лозимлиги. Адабиёт ўқитувчиси туғқ, мувашшаҳ, рубоий, тўртлик ва б.қ. бир қатор жанрлар ҳақида назарий маълумот бермай туриб, бу хил асарларни таҳлил эта олмаслиги. Чунки бу хилдаги асарлар жозибаси матннинг жанр хусусияти билан боғлиқ томонига яширинган бўлиши ва яширинган нарса топилгунга қадар мазкур асарларни таҳлил этишга уриниш фойдасиз экани.

Назарий маълумотларни ўрганишда хусусий фактлардан умумий ҳодисани ўзлаштиришга ёки умумийдан хусусий жиҳатлар ҳақида маълумотларни ўрганишга қараб иш кўришнинг принципиал аҳамияти борлиги. Бадиий адабиёт яхлит эстетик ҳодиса бўлганлиги учун ҳам унинг назарий жиҳатлари яхлит ҳолда ўрганилишининг мақсадга мувофиқ эканлиги. Ўқори синфларда кўпроқ мураккаб назарий масалалар тушунчалар хусусида баҳс ёритиш мумкин эканлиги.

Адабиёт ўқитувчиси бирор назарий тушунча ҳақида маълумот бериш билан масалани ҳал қилдим, ўқувчига ўша тушунчани тўлиқ ўргатдим деб ҳисоблашининг нотўғрилиги. Назарий билимни ўрганиш ҳали уни ўзлаштириш эмаслиги. Ўқувчи ўрганган назарий билимни амалиётга қўллай билгандагина билимни ўзлаштирган ҳисобланиши.

Адабиёт назар. ҳисдан мактабда берилаётган маълумотлар ўқув дастурида бўлганлиги учунгина эмас, балки мазкур маълумотларни қабул қилишга синфдаги ўқувчиларнинг билим даражалари ва руҳий тайёргарликлари етарли деб ҳисоблаётгани учун ҳам ўрганилиши кераклиги. Ўқувчида муайян илжий-назарий тайёргарликнинг мавжудлиги назарий маълумотни қабул қилишнинг асоси эканлиги.

### А д а б и и а с а р т а ҳ л и л и

Бадиий асар таҳлилининг адабий таълимида алоҳида ўрин тутиши. Адабиёт ўқитишнинг вазифаси тарбияланувчини китобга ишқибоз, ўқиганини идрок этадиган, идрок этганини таҳлил эта оладиган инсон қилиб тарбиялаш эканлиги.

Мазкур вазифа адабий таълимнинг б о ш м а қ с а д д а н келиб чиққанлиги. Таъсирчан қалб эгаси, ўзгага маҳрибон, ҳам-

дард бўла оладиган, бировни тушунишга ҳозир ва қодир, эзгуликни қабоҳатдан фарқлай оладиган шахсни тарбиялаш адабиёт ўқитишнинг мақсади экан, бу мақсадга эришмоқ учун тарбияланувчи бадиий асардан, ундаги инжа руҳий ҳолатлардан таъсирлана билмоғи, сатрлар орасига яширилган гўзалликларни пайқай билмоғи лозимлиги. Бунинг учун ўрганилган асарни ўзлаштириши, ундаги бадиий жозибадан баҳраманд бўладиган даражада таҳлил қила олиш малакасига эга бўлиши лозимлиги. Бадиий таҳлилда нима ни? қандай? нима учун? саволларига жавоб топиш асосий мақсад бўлиши кераклиги. Ўқувчи бадиий асар орқали ижодкорнинг нимани тасвирлаганлигини, қўл урган мавзунини қандай ёритиб бера олганлигини ва буларни нима учун қилганлигини билгандагина бадиий асар мутолаасидан кутилган натижага еришилиши. Ҳар қандай китобхон ҳар қандай бадиий асардаги тасвирланган образ билан ифодаланган фикр, ғоя ўртасидаги фарқни кўра билиши шартлиги.

Бадиий асар таҳлилининг қаерда, ким томонидан ва нима учун бажарилишига кўра муайян турларга ажратилиши. Ҳозирги адабиётшунослик ва педагогика илми бадиий таҳлилининг филологик (илмий) ва дидактик (уқув) турлари билан кўпроқ иш кўраётганлиги. Илмий таҳлилда бадиий асардан чиқарилган хулосаларнинг умумлашма характерда бўлиши, илм эришган марралар даражасига мос келиши кераклиги. Билдирилган ҳар бир фикрнинг ҳам мантиқий тушунчалар, ҳам эстетик қонуниятлар билан асосланган бўлиши шартлиги. Ўқув таҳлилида бадиий асардаги нафосат туйғуларининг, руҳий ҳолатларнинг ўқувчи томонидан илғаб олилганлиги ва ўзига хос тарзда ифодаланганлигининг муҳим эканлиги. Ўқув таҳлили учун бадиий асар таҳлили жараёнининг ўзидан кўра, таҳлил натижасида тарбияланувчида изчил мантиқий фикрлаш, ўзганинг руҳиятини ҳис этиш, ўз фикр ва мулоҳазаларини өззаки ҳамда ёзма тарзда ифодалай билиш малакаларини ҳосил қи этишнинг муҳимроқ эканлиги.

Бадиий асар таҳлилининг илмий жиҳатдан тўғри ва эстетик жиҳатдан мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун таҳлилда таяниладиган методологик асоснинг муҳим аҳамиятга эгаллиги. Ўзбек адабиётшунослигида шу вақтга қадар фақат марксча-ленинча фалсафа бадиий таҳлилининг ягона методологик асоси бўлгани ва шу тўғрисида



ли адабий ҳодисаларни изоҳлашда асосан ижтимоий тамойилларга таяниш тажрибасининг ҳукмрон экани. Марксча—ленинча фалсафа сунъий равишда фалсафа илмидаги асосий масала сифатида ОНГ ва БОРЛИҚ муносабатини кўрганлиги. Ҳолбуки, жаҳон фалсафа илми учун яратувчи Тангри, яратилган Борлиқ ва Инсон муносабатларининг бош масала бўлиб келганлиги. Бадий асар таҳлилида ҳам мазкур ҳолатни ҳисобга олишнинг шартлиги. Мусулмон Туркистониде илми калом ва тасаввуфнинг асрлар мобайнида эстетика учун мезон бўлиб келганлиги. Тажалли назариясининг бадий ижодни изоҳлашда методологик асос бўлиши мумкин эканлиги. Инсоннинг коинот сарвари, баркамолликка эришиш имкони мавжуд, ҳамда Рухга эга ягона мавжудот эканлигидан келиб чиқиб, бадий ижодга муносабат билдириш лозимлиги. Бадий ижодни воқеликнинг оддий инъикоси тарзида тушуниш ижодни жўнлаштириш, дағаллаштиришга олиб келиши. Бадий адабиёт бадий и з л а н и ш эканлиги. Шарқ ва Ғарбда бадий асар таҳлиliga мутлақо ўзига хос тарзда ёндашиб келингани. Тажалли таълимотига таянган мусулмон Шарқи бадий асарни мўъжиза деб ҳисоблаганлиги, унинг энг майда унсуридан ҳам гўзаллик қидирганлиги ва топабилганлиги. Ғарбда бадий асардан, аввало, фикр ва гоя қидирилганлиги, асарнинг гўзаллигига эса чиройли либос, жозибали шакл тарзидагина ёндашилганлиги. Шу боис, Ғарб бадийяти учун НИМАНИ тасвирлаш, Шарқ учун эса НИМАНИ ҚАЧДАЙ ТАСВИРЛАШ муҳим ҳисобланганлиги. Аммо Шарқ эстетикаси таъсирида Ғарбда ҳам ҳамisha интуитивчилар, шаклчилар (формалистлар) сингари оқим тарафдорларининг ижтимоийчилар ва реалистлар сингари йўналиш тарафдорларига қарши курашиб келганликлари. Интуитивчилар ва шаклчилар бадий асарга, аввало, эстетик ҳодиса, яратилган гўзаллик сифатида муносабатда бўлишлари. Бугунги ўзбек адабиётшунослигида марксча—ленинча методологиядан вез кечмай туриб, холис хулосага келиш мумкин эмаслиги.

Бадий асар таҳлиliga муайян талаблар қўйилиши ва бу талаблар таҳлиlнинг характерини белгилаб бериши. Хоҳ илмий хоҳ ўқув таҳлили бўлсин, ҳеч қачон мутлақ ҳақиқатни даъво қилиш мумкин эмаслиги. Ҳар қандай таҳлиlнинг ботиний, фикр, шахсий мулоҳазалардан иборат бўлишани тэн олиш зарурлиги таҳлиlга қўйиладиган иккинчи талаб эканлиги. Муайян бадий асарда

нимани қандай тасвирлаш адиб ихтиёрида, тасвирланган лавҳадан маъно чиқариш, уни ғалқин қилиш, унда нима ифодаланганини белгилаш ўқувчи ихтиёрида эканлиги. Ҳар бир ўқувчининг ҳаётий тажрибаси, маънавий олами, тайёргарлигига кўра бир асар турлича фикрлар уйғотиши мумкин эканлиги, Бадий асар таҳлилига қўйиладиган талаблардан яна бири адабий асар ҳаёт ҳақиқати тарзида тан олинисининг шарт эмаслиги. Асарда акс эттирилган бадий манзара воқеликдаги ҳаётий манзарога тўла мос келмаслиги мумкинлиги. Ҳаёт мантиғига, воқелик ўлчовларига зид ҳолатлар бадий ижод мезонларига мос бўлиши мумкинлиги ва таҳлилда буни ҳисобга олиш зарурлиги. Шунинг учун асарга: ҳаётда шундай бўлади ёхуд бундай бўлиши мумкин эмас қабилдаги мезонлар билан ёндашишининг зарарли эканлиги. Илмий таҳлилда ҳам, ўқув таҳлилида ҳам бир асар тўғрисида диаметрал қарама-қарши фикрлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш таҳлилга қўйиладиган навбатдаги талаб эканлиги. Илмий таҳлилда билдирилаётган фикрларни мантиқий хулосалар ва эстетик категориялар ёрдамида асосдаб бериш муҳим бўлса, ўқув таҳлилида тарбияланувчининг руҳият оламига мазкур асарнинг таъсир қилганлиги, уни мувоzanатдан чиқарганлиги, уни фикрлашга ва ўз фикрини асардан далиллар келтириб асослашга ундаганлиги фактининг муҳим эканлиги Бинобарин, адабиёт ўқитувчиси ҳеч қачон синфдаги болаларни бир хил хулосага олиб келишга интилмалиги лозимлиги. Ҳар бир ўқувчининг ўз фикрига, ўз хулосасига эга бўлиши адабий таълимдан кузатилган зарур мақсадлардан бири эканлиги.

Адабий таълим жараёнидаги ўқув таҳлили бир қатор тамойилларга асосланган тақдирдагина кутилган самара бериши мумкинлиги. Бу тамойиллар таҳлилнинг ўқув жараёнида амалга оширилаётгани билан боғлиқлиги. Синфдаги ҳар бир тарбияланувчининг кўнгилга йўл топилгандагина бадий асардан кузатилган маънавий сифат ўқувчининг хулқига айланиши мумкинлиги. Акс ҳолда, ўқувчиларнинг ижобий фазилатларни ўзларига юқтирмай, шунчаки эшитиб, билиб қўя беришлари мумкин эканлиги. Таҳлилда индивидуалликка эришилмаса, ўқув таҳлилидаги асосий мақсад-тарбия амалга ошмаслиги. Бадий таҳлил таяниши лозим тамойиллардан яна бири я х л и т л и к эканлиги. Бадий адабиёт намунаси ўқувчиларнинг туйғуларига таъсир этиш орқали тарбия беришни кўзда тутар экан туйғулар, кечинмалар, сезимлар яхлитлигига эришишнинг за-

рурлиги. Шу сабаб, адабиёт ўқитувчиси ҳар бир дарс давомида қўзғатиладиган туйғуларнинг яхлитлигини сақлаб қолиш орқали ўқувчилар руҳияти, маънавиятига таъсир ўтказишнинг чорасини белгилаб олгачгина, муваффақиятли иш кўриши мумкин эканлиги. Бадий асарнинг гўзаллик намунаси экани, гўзаллик эса бўлинмас, яхлитликдан иборат бўлиб, таҳлил давомида нафосат нуқтаи назаридан парчаланмаслигига эришиш даркорлиги. Асарнинг бирор жиҳатини умумий матндан олиб олиб талқин этишга йўл қўйиш мумкин эмаслиги. Масадан, Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонинини "Меҳнатнома" — меҳнат ҳақидаги асар дея талқин қилишнинг илмий жиҳатдан ҳам, нафосат, жиҳатидан ҳам, ҳақиқат жиҳатидан ҳам нотўғри эканлиги. Таҳлилда эстетик нуқтаи назарнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги. Бадий асарга эстетик ҳодиса сифатида муносабатда бўлишнинг бирламчилиги. Шундагина бадий асарнинг бутун жозибаси намён бўлиши мумкинлиги. Бадий таҳлилда тарихийлик тамойили ҳам ҳисобга олиниши зарурлиги. Ҳар бир бадий асарнинг конкрет тарихий давр маҳсули экани ва муайян давр хусусиятларини акс эттириши сабабли таҳлилда ҳам шу ҳолатларнинг ҳисобга олиниши. Шундагина асосли, холис таҳлил вужудга келиши ва бу таҳлилдан ўқувчи маънавиятига фойда етиши мумкинлиги. Ўқув таҳлилидаги энг муҳим тамойиллардан яна бири таҳлилнинг педагогик мақсадга қаратилганлиги экани. Мазкур тамойил туфайли ўқув таҳлили илмий таҳлилдан ажралиб туриши. Адабиёт ўқитувчиси олим сингари ўрганилаётган бадий асарга умуман ёндашмай, аниқ педагогик мақсадни кўзда тутиши ва шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда таҳлилини уштириши лозим эканлиги. Акс ҳолда таҳлил жуда чуқур бўлса-да, кутилган тарбиявий самарани бермаслиги.

Ўқув таҳлиллари бир неча усули. Бу усул таҳлил усулларини: ТЕКСТУАЛ (яхлит) таҳлил, ТИМСОЛЛАР АСОСИДА таҳлил, МУАММОЛИ таҳлил тарзида гуруҳлаштириш мумкин эканлиги. Текстуал таҳлилда батафсиллик, муаллифга эргашш, асар сюжети чизмидан чиқмаслик ҳолатларининг етакчи эканлиги. Таҳлилнинг бу усули, қўпинча, 5-7- синфларда қўлланилиши ва халқ оғзаки ижодий намуналари ҳамда мумтоз адабиётдан олинган парчаларни таҳлил қилишда қўл келиши. Амалдаги методикада текстуал таҳлил, асосан,

асар мазмунини ўзлаштириш ва қайта ҳикоялашга айланиб кетаётганлиги. Асар мазмунини қайта ҳикоялашнинг таҳлил ўрнини боса олмаслиги, бунда ўқувчи назарида: бадиий асар жозибаси ўз қимматини йўқотиб қўйиши мумкинлиги.

Тимсоллар асосида таҳлил юритиш каттароқ ҳажмдаги эпик асарларни ўрганиш воситаси бўлиб, унда муайян асардаги қаҳрамонлар гуруҳлаштириб олинishi. Бу усулнинг моҳиятини ҳар бир тимсолнинг хатти-ҳаракатини ҳам мантиқий, ҳам руҳий, ҳам конкрет шароит тақозосидан келиб чиқиб муаллиф томонидан қанчалик асосланганлиги нуқтаи назаридан таҳлил этиш ва бу қаҳрамонлар воситасида илгари сурилаётган гоҳ, тарғиб этилаётган ахлоқий фазилат, тасвирланган руҳий ҳолатни аниқлаш белгилаши. Адабиёт ўқитувчиси таҳлил этилаётган асардаги қаҳрамонларни шу вақтга қадар одатланилгани сингари ижобий ва салбий қутбларга ажратиб "бизникилар" ҳамда "беғоналарга" бўлмаслиги шартлиги. Акс ҳолда, эстетик таҳлил эмас, социологик талқин вужудга келиши ва ҳаёт, ундаги одамлар, уларнинг руҳий олами нақадар ранг-баранг, чексиз, такрорланмас эканлиги ўқувчиларга қоронғи бўлиб қолиши мумкинлиги. Тимсоллар асосида таҳлил қилиш усули юқори синфларда "Ўтган кунлар", "Кеча ва кундуз", "Диёнат", "Ўлдузли тунлар" сингари йирик асарларни ўрганишда кўпроқ қўлланилиши мумкин эканлиги.

Муаммоли таҳлил усули ҳажман кичикроқ, лекин ўқувчиларни баҳсга ундай оладиган, бир хилда талқин этилиши мумкин бўлмаган, маънавият муаммолари бўртиб кўриниб турган асарларни ўрганишда татбиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўлишлиги. Бу таҳлил усули ўқитувчидан ўрганилаётган асарни пухта билишдан ташқари кенг мулоҳазага эга, топқир, нотик ва ташкилотчи сингари сифатларга ҳам эга бўлишни талаб этишлиги. Таҳлилнинг муаммоли усули ўзбек методикасида етарлича кенг ёйилмаганлиги, лекин ҳозирги шароит мазкур усулни кўпроқ қўллашни тақозо этаётганлиги. Дунёнинг ишлари", "Темир хотин", "Гумбаздаги нур" сингари асарлар муаммоли ўрганиш учун ҳулай эканлиги. Ўсмирларнинг муаммога, ўз фикрини баён қилишга ўч бўлиши, айни вақтда, ўзгаларнинг фикрига кўнишга мойил эмасликлари. Ўқитувчи муаммо қўйиб, уни ҳал этишга ўқувчиларни жалб этганда; уларнинг шу хусусиятларини ҳисобга олиши шарт эканлиги. Таҳлилнинг юқорида

қайд этилган усуллари деярли ҳеч қачон соф ҳолда қўлланилмаслиги, ҳаммаша икки, баъзан эса уч усулнинг қоришиқ қўлланавериши кўп учрайдиган ҳол эканлиги. Саволлар асосида суҳбат, ўқитувчи таҳлили, баҳс, саволларсиз эркин суҳбат, ўқувчиларнинг маърузаси, тақризлари, хулосалари сингари шаклларда бадиий асар таҳлили амалга оширилиши мумкинлиги. Ўқитувчи ўзининг иқтидорига, тарбияланувчиларнинг қизиқиш ва ўзлаштириш даражаларига қараб мазкур усуллардан фойдалана олишлари мумкинлиги.

Бадиий асар таҳлили ҳам ҳар қандай инсоний фаолият сингари муайян тартибда амалга оширилиши.

### А д а б и й а с а р н и ж а н р х у с у с и я т и г а к ў р а ў р г а н и ш

**Эпик асарларни ўрганиш** Мактабда бадиий таҳлилни ўтказишда ўрганилаётган асарнинг қайси адабий турга мансублигининг катта аҳамиятга эга эканлиги. Адабий турнинг ўзига хос қонуниятлари, ички имкониятлари, қурилиш тарзи, архитектур тоникаси, бадиий оҳангдорлиги жиҳатларининг ҳисобга олиниши ўқув таҳлилининг мукаммал бўлишини таъминловчи омиллар сифатида.

Эпик асарлар таҳлилига мавжуд ўқув дастурларида катта ўрин ажратилганлиги. Эпик асарларни таҳлиллашда бу турга хос умумий ва ўрганилаётган конкрет асарга хос хусусий жиҳатларни ҳисобга олмасдан кутилган натижага эришиб бўлмаслиги.

Эпик асарларни таҳлиллашда **ВОҚЕАБОЗЛИКДАН**, асар мазмунини қайта баён этишдан сақланиш лозимлиги. Шунингдек, бадиий асарларнинг энг муҳим жиҳатларига эътибор бериш ва чегараланган вақт орасида таҳлилга улгуриш мақсадида ўрганилаётган асардаги давҳаларни таҳлил қилишга берилиб кетиб, бадиий асарнинг **ЯХЛИТЛИГИГА ПУТУР ЕТКАЗИШДАН** эҳтиёт бўлиш зарурлиги. Ўқитувчи синфидаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва тайёргарлик даражаларини ҳисобга олиб иш кўргандагина, эпик асарлар таҳлилининг кўнгилдагидай ушштириши мумкинлиги. Таянч мактабларнинг дастлабки уч синфи (5-7- синфлар) да текстувел (яхлит) таҳлилдан фойдаланиш маъбул эканлиги. Бу ёшдаги ўқувчилар муҳимни номуҳимдан ажратишда ҳаммаша ҳам тўғри йўл тута олмасликлари, шу боис катн қурилишига қатъий риоя қилган ҳолда иш кўриш

аҳамияти. 8-9 синф ўқувчиларининг бирмунча ҳаётий тажрибага эга, фикрлаш имкониятлари кенгайган, воқеалар орасидаги сабаб-бий боғланишларни англайдиган ўсмирлар бўлганликлари учун асарни таҳлил қилишда ЛАВҲАЛАРГА асосланган тарзда иш кўришнинг мақсадга мувофиқ эканлиги. Таянч мактаб талабалари қаҳрамонлар руҳий ҳолатларини, уларнинг кечинмалари ва туйғуларини ҳамisha ҳам бутун тўлалиги билан ҳис этмасликлари мумкинлиги, уларнинг инсон маънавияти масалаларидан кўра, муайян одам томонидан қилинган ҳатти-ҳаракатларга тезроқ ва кўпроқ эътибор қаратиши ва шу ҳатти-ҳаракатнинг мантиқий асосини билишга интилиши. Оқибатда маънавий асос, ўша вазиятдаги туйғулар силсиласига эътибор бермаслиги мумкин экани. Ўқитувчи таҳлилни уштиришда маъмур ҳолатни назарда тутиб иш кўриши лозимлиги.

Таянч мактабнинг 8-9- синфларида ўрганилаётган асарни муаммо қўйиш йўли билан ҳам таҳлил этиш мумкинлиги. Муаммо бутун синф жамоасини қизиқтирган, ҳар бир ўқувчига бевосита дахлдор бўлган тақдирдагина ғалабаларнинг шахслик хусусиятларига таъсир қилиши ва педагогик самара бериши мумкинлиги.

Ўқори синфларда талабаларнинг руҳий оламлари бойиб, туйғулари чуқурлашиб қолганлиги боис асар қаҳрамонлари кечирган эмоционал ҳолатларни анча беҳато пайқай олишлари. Шу туйғулар ҳам ўқори синфларда эпик асарларни тимсоллар асосида таҳлил-лаш қўл келиши. Ёшлар дарахт ортида ўрмон, шахс ортида инсоният туришини тушунганликларидан бадий қаҳрамонлар сиймосида, кўпинча, миллат, ижтимоий қатлам, тоифага доир белгиларни тасаввур қилишга уринишлари. Ўқори синф тарбияланувчилари учун бадий матн билан ишлаш фақат тимсоллар орқали иш кўришдангина иборат бўлиб қолмаслиги лозимлиги. Ўқитувчи қўйи (5-9) синф таянч мактаб ўқувчиларини кўпроқ адабий қаҳрамонларнинг ХУЛҚИ, ўқори синф ўқувчиларини эса қаҳрамонларнинг АХЛҲҚИ қизиқтириши-ни ҳисобга олиб таҳлилни уштирса, ижобий натижага эришиши мумкинлиги.

Таҳлил қилинаётган эпик асарнинг синфдаги барча ўқувчилар томонидан тўлиқ ўқиб чиқилишига эришиш бадий таҳлилни уштиришдаги энг асосий бўғин эканлиги. Матн билан танишмай туриб, бадий таҳлилга тутилиш ўқувчини даққи, нафосатга бефарқ, маънавий ҳаёт ва дангасе қилиб қўйиши мумкинлиги. Бадий матн

таънч мактабнинг дастлабки синфларида (5-7- синфлар) гина бево-сита синфда ўқилиши мумкинлиги, ундан кейинги йилларда ўргани-ладиган эпик асарлар, ҳажми катта бўлганлиги, ўқувчиларнинг иродавий хусусиятлари анчагина шаклланганлиги учун, асосан, синфдан ташқарида ўқиб чиқилган бўлиши зарурлиги. Ўқитувчи ўрганилашак йирик эпик асарларнинг рўйхати ва ўқиб чиқилиши зарур бўлган муддатни кўрсатиб, ўқув йили бошида ўқувчиларга топириқ бериши самараси. Айни вақтда, ўқув таҳлили фоят маҳорат билан ташкил қилиб, матн билан таниш бўлмаган ўқувчи-нинг, аниқланишига эътибор бериш кераклиги. Лекин бу иш бола шахсига тегишмасдан амалга оширилиши зарурлиги.

Ҳажми катта асарларни таҳлил қилишга ахратилган вақт-нинг етмаслигидан чўчиган адабиёт ўқитувчиси ўрганилаётган асарнинг барча диҳатлари тўғрисида ўзи фикр билдиришининг адабий таълим учун зарарли эканлиги. Чунки ўқув таҳлилидан мақсад ўқувчининг шахсий хусусиятларини феолаштириб, унда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш бўлганлиги учун ҳам шўлабанинг ўзи таҳлил билан шуғулланиши зарурлиги.

Амалдаги методика талабига кўра бадий асарлар ва улар-нинг қаҳрамонлари конли, чинакам одамлар сифатида эмас, балки муаллиф мақсадининг ифодаси тарзида таъқин этилиши. Ҳолбуки адабий таълим учун қандай гоъянинг қайси синф вакили тимсоли-да ифодаланганидан кўра қандай туйғунинг қанчалар таъсирчан-лик билан тасвир этилганлигининг муҳим эканлиги. Ўқув таҳлили-да асардаги жонли одамнинг руҳий олами, ҳиссиётлари шилвала-рининг асл сабабларини қидириб топиш ва уларни табиий эканли-гини туйиш катта натижага эришиш эканлиги. Қаҳрамон руҳи — эти таҳлил этилганда, эпик матн изчиаллик билан лавҳалар мун-тазамлигига амал қилинган ҳолда ўрганилиши. Қаҳрамон фаолия-тидан, асар таҳлилидан идеология-мафкура қидирилганда, ихти-мой тўқинишлар яққолроқ акс эттирилган лавҳаларнинг ўргани-лиши маъқул экани.

Эпик асарларнинг қисмдан бутунга ёки бутундан қисмга қараб таҳлил этилишини белгилаш ўқитувчи зиммасида эканлиги. Таънч мактаб ўқувчилари умумийдан хусусийга олиб борувчи йўл-дан осонроқ ва толиқмайроқ юришлари мумкинлиги. Дқори синф-ларда эса хусусий далиллардан умумлашма хулосалар чиқариш ма-

лакаси бирмунча шаклланганлиги учун ҳам ўқувчиларга шу тахлит иш бритаи тавсия қилиниши мумкинлиги. Эпик асарлар таҳлилида мазмун ва шакл уйғунлигига эътибор қаратиш шартлиги. Кейинги йилларда мазмун бирламчилиги баҳонасида асарларнинг бадииятига бефарқликнинг, шаклий гўзалликка ҳис қилмасликнинг уйғунлашиб қолгани ва бунинг зарари. Ўқув таҳлилида бадииятнинг энг майда унсурларининг ҳам матн бадиийлигини таъминлашдаги ўрнини аниқлаш талабалар учун муҳим аҳамият касб этиши.

Лирик асарларни ўрганиш

Илмий адабиётимизда лирик асарларнинг тутган беқиёс ўрни ва уларни таҳлиллай олишнинг маънавий, қадриятлар тарбиясида алоҳида маъқега эгаллиги. Фикрлар шиддати, туйғулар турғени ҳужумрон бўлган, маъно тирғиз, шакл мўъжаз, сўз жуда кам бўлган лирик турдаги асарларнинг тарбияланувчилар қалбига таъсир этиш имкониятининг ғоят юқорилиги. Бадиий сўзнинг инсон имкониятларини уйғотиш хусусиятига эгаллиги тўғрисида физиология ва психология фанларининг хулосалари. Лирик турдаги асарларда кайфият, руҳият, ҳиссиёт манзаралари тасвирининг устиворлиги ва бу унсурларнинг ўқувчидаги шу жиҳатларга таъсир қилиш имкониятининг кўплиги. Чинакам лирик асардан астойдил таъсирланадиган ўқувчини тарбиялашнинг ўзи комил инсонни шакллантириш сари босилган муҳим қадам эканлиги.

Лирик турдаги асарларнинг ҳажман кичик бўлиши сабаби муаллифнинг хоҳиши эмас, балки адабий жанрнинг ўзига хослиги натижаси эканлиги. Чунки бошқа адабий турлардан фарқли ўлароқ лирикада ташқи олам эмас, балки инсоннинг ички дунёси, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, қўл билан тутиб бўлмайдиган руҳ ва қалб ҳодисаларининг тасвир объектига айланиши. Руҳий таассурот, кечинма, кайфият, туйғу жуда кенг кўламли бўлмаслиги. Ҳиссиётнинг тезда ўзгариш хусусиятига мойилиги. Шу сабабдан ҳам ўзгарувчан ҳиссиёт манзаралари тасвирининг шаклан кичик бўлиши табиий эканлиги.

Шактабда лирик асарларни кўпроқ ўрганиш, уларни атрофича таҳлил қила билиш талабаларни ҳиссиётлар етишмовчилигидан халос этиши, туйғуларга нисбатан бефарқлик, гўзалликка нисбатан кўрлик, нафис оҳангларга нисбатан карилик касаллигидан қутқариши



мумкинлиги.

Лирик асар шоирнинг туйғулари ифодаси бўлганлигидан, ўқувчи шахсиятига тезроқ таъсир эта олиш имконига эга эканлиги. Лирика муаллиф "мен" ининг ўқувчи "мен"и билан уйғунлашиб кетган ўрнида алоҳида педагогик аҳамият касб этиши. Лирик асар таҳлилида қиссадан ҳисса чиқариш, дидактик йўналишда умумлашма қилиш таҳлил самарасини йўққаа чиқариши мумкин эканлиги. Бу хил асарлар таҳлилида шоир туйғулари ва кечинмаларини беҳато ҳис қилиш ва ўқувчиларда ҳам шунга монанд туйғулар туғилишига эришишнинг муҳим эканлиги. Талабаларда туйғулар самимияти пайдо бўлса, туйғудошлик хусусияти уйғонса, бировнинг аҳволини, ҳолатини тушуна оладиган, ҳис қила оладиган даражага етказилса, таҳлилдан кузатилган мақсадга эришилган ҳисобланилиши.

Лирик асар таҳлилида бадий шаклнинг етакчи ўрин тутуши. Лирикада таҳлил мазмундан шаклга қараб эмас, балки шаклдан мазмунга қараб бўлиши. Тарбияланувчиларнинг эътибори қайси фикр ва туйғуларнинг акс этирилишидан ҳам кўра ўша фикр ва туйғуларнинг қай тарзда акс этирилишига қаратилиши жоиз эканлиги. Ўқувчи ўзганинг кечинмалари нима сабабдан унга таъсир этаётганлигининг сирини билиши лозимлиги. Туйғуларнинг шахсийлиги ва таъсирининг умуминсонийлиги ўртасидаги боғлиқликни ўзлаштириш лирик асар таҳлиладан кузатилган мақсад эканлиги.

Лирик асарлар таҳлилида ифодали ўқишнинг беқиёс аҳамияти. Асарни маромига етказиб ифодали ўқий билиш ярим таҳлилга баробарлиги. Чунки лирик асарда оҳанг ҳам катта аҳамият касб этиши. Ифодали ўқиш шоир ва ўқувчи қалбида монанд туйғуни ҳосил қилишнинг воситаси сифатида. Лирик асар таҳлил этилганда, унинг мазмуни ва мавзуини белгилашни таҳлил деб ҳисоблаш мутлақо нотўғри эканлиги. Лирик асар мазмунини айтишнинг мумкин эмаслиги, бу хил асарда туйғунинг бирламчи эканлиги. Туйғуни айтиб тушунтиришга уриниш лирик асар гўзаллигини йўқ қилиш билан тенг эканлиги. Мумтоз лирик жанрларга мансуб асарлар таҳлил этилаётганда, ўқувчилар хиддий меҳнат қилишлари, туйғудошлик билан биргаликда интеллектуал кучларини ҳам йўналтиришлари зарур бўлиши. Лирик асар матнидаги тушунилиши қийин сўзлар шарҳланиб луғат тузилиши, айрим асарларнинг жанр хусусиятлари ўрганиб чиқилиши асосидагина таҳлил амалга оширилиши лозимлиги.

Лирик асарнинг таҳлилида бадиий матни тинглаб боришнинг аҳамияти. Агар ўқитувчи ўрганилаётган лирик асарни ёд айта билса, унинг таъсир даражаси, таҳлил қилиниш имконияти анча ортиши мумкин эканлиги. Чунки инсон туйғусининг бадиий ифодаси бўлиши лирик асар билан таништираётган ва туйғуларнинг самимий бўлишини даъво қилаётган мутахассис китобга қараса, унинг иш самарадорлиги кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин экани. Кўпинча, адабиёт ўқитувчилари лирик асарларни ифодали ўқиш мақсадида зўраки кўтаринкилик, сунъий баландпарвозлик йўлини туттишлари ва бу йўл лирик матн таъсирини йўқотиш йўли бўлиши мумкин эканлиги. Лирик асарни самимий ўқиш жоизлиги, муаллиф ҳолатини ифодалаг асар матни билан таништирилаётганда асосий мақсад бўлиши лозимлиги. Шоир туйғулари оқими тезлашганда, оу-сайганда, кўтарилганда, пасайганда, ўқитувчи ҳам шу ҳолатга туша билиши ўқувчиларини ҳам ўшанга одатлантириши зарурлиги.

Лирик асарлар таҳлил этилганда, бадиий яхлитлик ўқитувчининг диққат марказида бўлиши шарт эканлиги. Ўқув таҳлилидан олдинги босқичдаги барча тадбирлар ҳам ана шу бадиий яхлитликка дахл қилмайдиган даражадагина бўлиши кераклиги. Лирик асар таҳлилини икки дарага сиғдириш мумкин эмаслиги. Чунки туйғулар, кечинмалар тасвири таҳлил этилар экан, уни бир қанча вақтдан кейин давом эттиришнинг ҳеч қандай тарбиявий ва таълимий аҳамияти қолмаслиги. Лирик асар таҳлилида ўқитувчи талабаларининг туйғуларини уйғотувчи, ўзга киши қалбида кечган ҳиссиётларни қабул қилишга ҳозирловчи саволлар бериши кераклиги. Бу саволлар уйде пухта ўйлаб тайёрланиши зарурлиги. Лирик асар таҳлилида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўриш жоизлиги. Шунингдек, ўқувчиларнинг жинсларини ҳам ҳисобга олиш лирик асар таҳлилида педагогик самара бериши мумкинлиги. Қиз болалар табиий равишда лирик асарларда акс эттирилган туйғуларни чуқурроқ туйиш қобилиятига эга эканликлари

Драматик асарларни Урганиш

Миллий адабиётимиз тарихида драматик асарлар жуда катта ўрин тутмаса-де, тирик инсоннинг кечинмаларини кўрсатиш, чинкама

туйғуларни тасвирлаш жиҳатидан драманинг имкониятлари беқиёс бўлганлиги ва ўқувчиларга таъсир қилиш қуввати кучли эканлиги сабабли бу турдаги асарларнинг ўқув дастурларига киритилганлиги.

Драматик асарларнинг асосий белгиси: уларнинг саҳнада намоиш этиш учун сўзланганлиги ва тасвир жараёнида муаллифнинг иштирок этмаслиги. Саҳнада актёрлар томонидан ўйналгандагина, драматик асарнинг бутун жозибаси намоён бўлиши. Қанчалик маҳорат билан битилмасин, ўқитувчи нечоғлик усталик билан таҳлил этмасин драманинг бутун сехри саҳнадагина намоён бўлиши мумкинлиги. Баъзан айни бир драманинг бир неча режиссёр томонида мутлақо ўзгача таъқиқ этилиши. Лекин саҳна асарининг адабий асосини ўрганиш ҳам муҳим эканлиги, ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантириш, уларни руҳият оламига олиб киришда драма асарларининг хиддий мавқога эга бўлиши мумкинлиги.

Драматик асарларда конфликтли лавҳаларнинг кескин тасвирланиши ва қаҳрамонлар характерини белгилашнинг бирдан-бир воситаси бадий нутқ эканлиги, Бу хусусиятлар жанрнинг ўзига хослигини белгилаши. Драмада монолог, диалог ва луқманинг алоҳида аҳамиятга эгаллиги.

Эпик ва лирик асарларни таҳлил қилишда муаллифлар ўқувчиларга кўп хиқатдан ёрдам бериши. Чунончи, эпик асар муаллифи воқеликка ўз муносабатини асарида акс эттириши билан, лирик асар муаллифи қалбида пайдо бўлган кечинмаларнинг сабабларини кўрсатиш билан таҳлилни бир қадар энгиллаштиришлари мумкинлиги. Драма асари ўрганилаётганда талабалар фақат ўз кучларига, ижодий тасаввурларига, ҳаёлот оламига таянишлари мумкинлиги.

Драматик асарларнинг ҳажм хиқатидан бир-бирига яқинлиги таҳлилда ўзига хос ёндашишни тақозо этишлиги. Чунки саҳнада икки ярим соат мобайнида томоша кўрсатиш мумкинлигидан келиб чиқиб, драматурглар асарлари ҳажмини чеклашга мажбур эканликларга, Қаҳрамонларга муаллиф муносабатини билдириш мумкин бўлмаганлиги учун ҳам драматурглар асар қаҳрамонларининг табиати-ни ёрқин намоён қилувчи тўқнашувларни кўрсатишга аҳамият беришлиги. Драматик асарларни барча синфларнинг ўқувчилари ҳам ўзларича, мустақил равишда, бадий асар сифатида ўқишни ҳуш кўрмасликлари. Шу боис ўқитувчи драма асарини ўрганиш ва таҳлилини бевосита синфда амалга оширгани маъқул эканлиги. Драмани синфда ўқишнинг аҳамияти. Ўқитувчининг ўқувчиларни уйда баҳарлашлари керак бўлган ишларга йўналтириш учун саволлар тузиш, топшириқлар бериши. Шундан кейингина асарни таҳлил қилишга

Утишининг мақсадга мувофиқ эканлиги. Таҳлилга киришишдан олдин ўқувчиларга драматик асардаги сахна, парда, кўриниш, монолог, диалог, лукма, ремарка, иштирок этувчилар ҳамда драма асарларига хос бошқа хусусиятлар тўғрисида, назарий маълумотлар беришнинг фойдали бўлиши. Драматик асарларга оид назарий маълумотларни ўзлаштирмай туриб, уларни таҳлил қилишга киришиш, айниқса, таянч мактаб ўқувчилари учун оғир бўлиши.

Драматик асарларни матнга биноан таҳлил қилиш қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини тўлароқ очишга хизмат қилиши. Уларнинг барча кўринишларида ҳам бадий конфликт кескин бўлганлигидан матнни лавҳаларга ажратиб иш тутишнинг самарали бўлмаслиги. Драматик асарларнинг таҳлилида қисми тушунишдан, бутунни тушунтириш сари боришнинг фойдали эканя.

Драматик асарлар таҳлил қилинаётганда, кўринишлар орасида рўй бериши мумкин бўлган воқеаларни, қаҳрамонлар кечирган кечинмаларни тахмин қилиш учун ўқувчиларда бой тасаввур олами бўлишига эришиш ўқитувчининг муҳим вазифаларидан эканлиги. Ўқувчилар драмада қатнашаётган қаҳрамонлар нутқи заминидagi маънони тушунишлари таҳлилнинг энг зарур шартларидан эканлиги. Негаки бу маънони англамаган ўқувчи драмадан чиқадиган бадий яқунга ҳам етиб бора олмаслиги, бинобарин, мазкур ўринда адабий таълимнинг самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин. Ўқувчиларнинг драматик матнга бефарқ бўлиб қолишига йўл қўймаслик учун ҳаёлий мизансценалар яратиш, бирор сахнани ҳаёлан тасаввур этиш ўқувчиларга вазифа қилиб берилиши мумкинлиги.

### Я к у н л о в ч и м а ш ғ у л о т л а р

Яқунловчи машғулотларнинг ўқув таҳлилида муҳим ўрин тутиши. Яқунловчи машғулотларнинг мақсади таҳлил этилган асар бўйиче ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан билдирилган фикрлар, мулоҳазаларни умумлаштириш эканлиги. Бадий асар таҳлилининг олдинги барча босқичларида ўқувчиларнинг ҳам, ўқитувчининг ҳам шошилишга мажбур эканлиги, улар ҳамisha таҳлилга улгурмай қолишдан ҳуҷиб туришлари, шу боисдан муайян асарларнинг турли қисмларни тўғрисидаги фикрларни яхлит ҳслге келтириш имконининг бўлмаслиги. Ҳолбуки бадий асарга яхлит эстетик ҳодиса тарзида ёндашилган тақдирдагина асосли хулосага келиш мумкин эканлиги. Яқун-

ловчи машғулотлар ўрганилган асарнинг ўқувчилар томонидан қанчалик ўзлаштирилганлигини аниқлаш воситаси сифатида.

Яқунловчи машғулотни АЛОҲИДА дарс тарзида ҳам, одатдаги дарснинг узвий бир қисми тарзида ҳам уюштириш мумкинлиги. Бу машғулотларнинг қайси шаклда ўтказилиши ўрганилган асарнинг мураккаблик даражасига ҳамда ўқувчиларнинг асарни тушуниш ва таҳлиллаш иқтидорларига боғлиқ эканлиги.

Яқунловчи машғулотларда талабаларнинг адабиёт назариясидан берилган маълумотларни қанчалик ўзлаштириб олганликлари ва амалиётга қай тарзда татбиқ эта олишлиklarини синаш имкониятининг маъжудлиги. Ўқитувчи яқунловчи машғулотни ўтказишга тайёргарлик кўришда, ўқувчиларга бериладиган саволларни ҳозирлашда масаланинг бу томонини ҳам ҳисобга олиши маъқуллиги.

Яқунловчи машғулотларда ўқитувчи олдиндан ўқувчиларга айтилмаган айрим маълумотларни етказиши лозимлиги. Ўрганилган кичик лирик шеър узасидан бир соатлик яқунловчи машғулот ўтказишнинг мантиққа зид эканлиги. Ҳажм ҳаётдан йирик, таҳлил бир неча дарс мобайнида давом этган, бадиий идрок этилиши ва баҳолалиши мураккаб бўлган, ўқитувчининг иштирокига, рақбарлигига кўпроқ эҳтиёж сезиладиган асарлар узасидан бутун бир дарс мобайнида яқунловчи машғулот ўтказиш мумкин эканлиги. Яқунловчи машғулот қандай асар узасидан, қайси синфда ўтказилишидан қатъий назар ҳеч қачон бир дарс соатидан ортиқ вақт ажратиб мумкин эмаслиги. Чунки яқунловчи машғулотлардан кузатилган мақсад ўрганилаётган бадиий асарга яхлит баҳо бериш, уни бутунча идрок қилиш эканлиги, бир неча дарсга чўзиладиган машғулотде тасаввурлар ҳам, қарашлар ҳам ўзгариб, хира тортиб қолиш хавфи маъжуд эканлиги. Яқунловчи машғулотлар бадиий асар таҳлилидан олдин ҳам, таҳлил амалга оширилаётган пайтда ҳам уюштирилиши мумкин эмаслиги.

Яқунловчи машғулотларда бадиий асар таҳлили натижасида ўқувчилар қалбида уйғонган туйғуларга, ҳиссиётларга заҳа етказилишига йўл қўймаслик лозимлиги. Фикрларнинг умумлаштирилиши, қарашларнинг яхлитланиши жараёнида асарнинг таъсир кучига, таъсир жозибасига зарар етказмаслик зарурлиги.

Яқунловчи машғулотлар давомида асари ўрганилган адабнинг бошқа асарларига ўқувчиларнинг эътибори тортилиши, ўқилмаган

асарларини ўқишга ундалиши кераклиги. Шунингдек, оригинал йўналишдаги асарлар ўрганилган тақдирда, бошқа адибларнинг шу хилдаги асарларини ўқишга талабаларнинг эътиборини қаратиш маъқул эканлиги.

Якунловчи машғулотларда ўқувчиларнинг ўз фикрларини ифода-лай олиш малакасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги. Бу машғулотлар муайян асар вазасидан тарбияланувчиларда пайдо бўлган фикрларни умумлаштиришга қаратилган бўлса-да, бу ҳол барча ўқувчиларнинг бир хил ҳулосага келишини талаб этишга асос бермаслиги. Якунловчи машғулот ўтказаятган ўқитувчи ҳар бир дарсига алоҳида ҳозирлик кўриши, саволлар тузиши, иш турларини белгилаши ва бу типдаги машғулотларнинг ўрганилган асар мазмунини қайта хотирлаш дарсларига айланиб қолишига олио келмаслиги кераклиги.

Якунловчи машғулотларни ўтказишда асосий оғирлик адабиёт ўқитувчиси зиммасига тушса-да, ўқувчиларнинг пассив томошабинларга айланиб қолиши нотўғри эканлиги.

Якунловчи машғулотларни ўтказиш шаклларининг ғоят хилма-хил, чекланмаган кўрinishларга эгаллиги.

## О П Т И Н Ч И. Б У Я И М

### МАКТАБДА АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

#### А д а б и ё т ў қ и т у в ч и с и н и н г ф а о - л и я т и в а у н г а қ ў й и л а д и г а н т а л а б л а р

Адабий таълимнинг мактаб таълимидаги бошқа соҳалардан кескин фарқ қилувчи жиҳати ўқитувчи шахсининг ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигидан иборатлиги. Чунки физик, биолог ёки бошқа предмет ўқитувчилари муваффақиятли педагогик фаолият кўрсатишлари учун уларнинг чуқур билим ва илғор методикага эга бўлишлари етарли эканлиги. Адабиёт ўқитувчиси учун адабиётшунослик соҳасида чуқур билимга эгаллик, методикага оид адабиётларни пухта ўзлаштирганлик кифоя қилмаслиги. Адабиёт дарслари ўқувчиларнинг кўнгил билан, туйғулари билан иш кўрадиган ва эзгу туйғуларни шакллантиришга қаратилган машғулотлардан иборатлиги. Бинобарин адабиётчи шахсининг, талаба шахси шаклланишида ҳал қилувчи

аҳамият касб этиши. Адабиёт ўқитишни мукаммал ўқув режаси, пухта дастур, қизиқарли дарслик, фойдали методик қўлланмалар, адабиётшуносликка оид чуқур тадқиқотларнинг ўзи билан яхшилашнинг илоҳи йўқлиги. Ўқитувчи ҳам билими, ҳам иқтидори, ҳам шахсияти билан ўқувчиларни ром қила олсагина адабий таълимдан кўзда тутилган мақсад амалга ошуви мумкинлиги. Дастуру дарсликлар адабий таълимнинг ташқи жиҳатларини, ўқитувчи билан ўқувчи эса ички жиҳатларини ташкил қилиши. Ҳар қандай ҳодисанинг асл моҳияти ички жиҳатлар туфайлигина намоён бўлиши мумкинлиги. Шахс кўнглини уйғотиш, бадиий асар таҳлили воситасида унда янги фазилатларни шакллантириш, шу йўл билан уни бир поғона ривожлантириш адабий таълим субъектининггина қўлидан келиши мумкинлиги. Қачонлардир аниқ предметлар ўқитувчиларини компьютерлар билан алмаштириш мумкин бўлса ҳам адабиёт ўқитувчисини ҳар қандай мураккаб қурилиш билан алмаштиришнинг мумкин эмаслиги. Негаки компьютер брак. туйғу тушунчаларидан холи эканлиги.

Адабий таълимнинг ҳиссиётга, маънавиятга боғлиқлиги, ўқувчиларнинг ахлоқини шакллантиришга хизмат қилиши ўқитувчи шахсиятига ниҳоятда катта масъулият юклаши билан боғлиқ эканлиги. Адабиётчининг шахсияти баркамол инсон бўлиши лозимлиги. Маънавий жиҳатдан қашшоқ шахс комил инсонни шакллантира олмаслиги. Болалар ўзларига Аллоҳ томонидан берилган ички бир туйғу ёрдамида носамими туйғуларни жуда тезлик билан беҳато пайқай олишлари мумкинлиги.

Мактабда самарали меҳнат қилишни истаган, ўқувчиларда эзгу инсоний фазилатларни шакллантиришга астойдил бел боғлаган ўқитувчи фаолияти жуда серқирра ва мураккаб бўлиши кераклиги. Шартли равишда адабиёт ўқитувчиси фаолиятининг қирраларини қуйидагича белгилаш мумкинлиги: а) педагогик амалиётчилик; б) илмий тадқиқотчилик; в) ижтимоий ташкилотчилик; г) бадиий воситачилик; д) бадиий изрочилик; е) бадиий изодкорлик ва б.к.

Адабиёт ўқитувчиси ҳамеша адабий таълимдан кузатилган бош мақсад баркамол шахсни шакллантириш эканини унутмаслиги ва бутун фаолиятини ана шу мақсадни амалга оширишга қаратиши кераклиги. Бадиий адабиётни ўқув адабиётига айлантириш, илмий таҳлилдан ўқув таҳлилни амалга ошириш учун фойдаланиш йўллари топиш, бадиий матнни ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, тай-

ёргарлик даражалари ва муайян вақтдаги руҳий ҳолатларига мос ҳолда тақдим этиш чораларини кўриш адабиётчининг фақат билимдон мутахассис эмас, балки тадбиркор амалиётчи методист бўлишини ҳам тақозо этишлиги. Муайян синфдаги ўқувчиларга мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда яратилган соф бадий асарни маҳорат билан ўқув материалига айлантириш ўқитувчи фаолиятининг асосий қирраларидан бири эканлиги

Адабиёт ўқитувчиси учун асосий иш қуроли бадий асар бўлганлиги учун ҳам у исталган бадий ҳодиса тўғрисида олим-адабиётшунос сингари ўз фикрини айта олиши ва айтганларини назарий далиллар билан асослай билиши лозимлиги. Бунинг учун ўқитувчи пухта назарий тайёргарликка эга бўлиши, адабиёт назариясини чуқур ўзлаштирган, мумтоз адабиёт намуналари билан қийналмай иш кўраладиган, бугунги адабий жараёндан хабардор ва адабиётшуносликдаги сўнги янгиликларни кузатиб бора олган мутахассис бўлиши шарт эканлиги. Адабиёт ўқитувчиси бадий асар ҳақида адабиётшунос сифатида фикр критганда, унинг бадий жозибасини, таъсирчанлик сирларини очаётганда ўзининг педагог эканлигини, элимасида тарбиявий вазифа турганлигини, асар таҳлиliga мансуб хулосалар тарбияланувчиларга тушунарли ва таъсирчан тарзда айтилиши лозимлигини унутмаслиги даркорлиги. Ўқитувчининг тадқиқотчилиги, тарбиявий йўналишга эга бўлиши лозимлиги. Ўқитувчи ўқув таҳлилининг тугалланганлиги ҳамда таҳлил этилаётган асар бадий талқинининг чексизлигини ўқувчиларга сингдириши муҳимлиги. Адабиётчи адабий таълим чиқишга чалинган қўнғироқ билан тугалланмаслигига, балки ўрганилаётган бадий асар таҳлили синфдан, мактабдан ташқарида ҳам давом этишига, шу йўл билан ёш шахсиятга хос сифатларнинг шакллантирилишига эришишни кўзда tutиши лозимлиги.

Мактаб таълимининг жамоа тарзида уштиралиши адабиёт ўқитувчисидан ижтимоий ташкилотчи бўлишни тақозо этишлиги. Синф жамоасини бирлаштириб, уларнинг фаолиятини йўналтириб турган омилларни билмай туриб, адабий таълимни тўғри уштиришнинг мумкин эмаслиги. Ортодоксал педагогика ўқувчини таълимнинг объекти, ўқитувчини эса субъекти тарзидагина талқин қилиб, ўқув-тарбия ишларига ҳиддий зарар etkазганлиги. Ўқитувчининг таълим "берадиган", ўқувчиларни эса "қабул қилади-



ган" тоифа сифатида иш кўриш ғайри илмий эканлиги. Ҳеч қандай билимни бериб бўлмаслиги, билим фақат ўзлаштирилиши мумкинлиги. Адабиёт ўқитувчиси ижтимоий ташкилотчи сифатида синфдаги ўқувчиларни ўзлаштиради га н ҳолатга олиб келиши зарурлиги. Билим олиш мактаб таълимининг муҳим бўғини эканлиги, лекин ягона мақсади эмаслиги. Ўқитувчи ўз фаолиятини уюштиришда ва ўқувчилар фаолиятини йўналтиришда шу ҳолатдан келиб чиқиб иш тутишлиги. Ўқитувчи синф жамоаси билан, аynи вақтда, синфдаги ҳар бир алоҳида ўқувчи билан муносабатга киришиши ва уларнинг ҳар бирида таълимий омил (стимул-мотив) уйғота билиши лозимлиги. Адабиётчи ўқувчиларнинг руҳиятига, ҳиссиётларига таъсир этмай туриб, ижобий натижага эриша олмаслиги учун ҳам жамоадаги ҳар бир талабанинг қалбига йўл топиши, уларни руҳий мувозанатдан чиқариши, муаллифнинг руҳий ҳолатига киришларини таъминлаши зарурлиги. Бир киши туйғуларини жунбушга келтиришнинг нисбатан осонлиги, жамоа туйғуларига таъсир қилишнинг мураккаблиги. Жамоа аъзоларининг ҳолатлари, интилишлари, имкониятлари, йўналганликлари ҳисобга олингандагина адабий таълим самарали бўлиши мумкинлиги. Ҳозирги руҳшунослик илми бадиий асарга бўлган муносабетига қараб ўқувчиларни қуйидаги гуруҳларга ажратганлиги: а) бадиий асарни манتيкий идрок қилувчи; б) бадиий асарларни ҳиссий идрок қилувчи; в) бадиий асарни аралаш идрок қилувчи. Адабиёт ўқитувчиси ҳар уч гуруҳга мансуб ўқувчиларнинг ҳам бадиий асарни ўқишга ва ундан таъсирланидиган воситаларини топишга уриниши.

Мактаб адабий таълимида адабиёт ўқитувчисицинг фаолияти чуқур эмоционалликка эга бўлиши асосий талабалардан экани. Ўқитувчи асар билан ўқувчилар орасида боғловчилик вазифасини бажариши кераклиги. Талабаларнинг руҳий тараққиётини таъминлайдиган адабиёт дарсларини уюштириш адабиётчининг муҳим вазифалариланлиги. Шахслар ўртасидаги мулоқот муайян босқичдан ўтгач амалга ошириши; ўқитувчи билан тарбияланувчилар орасидаги муносабатлар ҳам а) бир-бирини таниш; б) ахборотлар алмашиш; в) ўзаро муносабатларга киришиш сингари босқичлардан иборат эканлиги. Мактабдаги болқа предмет ўқитувчиларидан фарқли равишда адабиёт ўқитувчисининг ўқувчилар билан жуда қисқа фурсатда танишиши, тезликда ахборотлар алмашишга киришиши, ўқувчилар

билан муносабатини ташкил этиши ва йўналтирабилши зарурлиги. Адабий таълимда бадий матндан келиб чиқадиган мантиқий маънонинг ўзини билиш етарли эмаслиги. Матн замиридаги бадий маънони илғаш, турли бадий ифодалар остида "яшириниб ётган" жозибани пайқаш, эстетик қавшоқликдан қутулиш орқали маънавияти бутун шахсларни тарбиялаш адабий таълимнинг асосини ташкил этиши. Адабиёт ўқитувчиси талабалари билан баҳслашиши, уларнинг ўзига хос хулосаларга келишига, масалани ҳал қилишнинг ўзгача йўлларини белгилашларига йўл қўйиши мумкинлиги. Айни вақтда тарбияланувчиларнинг ўқитувчи ортидан эргашिशлари шарт эканлиги. Адабиётчи барча талабаларининг бадий ҳодисани бир хилда баҳолашларига эришишга интилмаслиги кераклиги, бу ҳол бутун синф ўқувчиларини бир хил ўйлашга - ўйламасликка олиб келиши мумкинлиги. ўқитувчи тарбияланувчиларнинг фикрларини тинглай билиши, бу фикрлар унга ёқмаган, ёки мутлақо нотўғри бўлган тақдирда ҳам уни бўғмаслиги кераклиги. Аниқ фанлар ўқитувчилари учун ўқувчилар таълим объектигина бўлиши мумкинлиги. Адабиёт ўқитувчиси учун эса, ўқувчи ҳамisha тенг ҳуқуқли шахс бўлиши лозимлиги. Акс ҳолда тарбиявий мақсаднинг амалга ошуви мумкин эмаслиги. Тенг кишилар ўртасидагина самимий туйғулар пайдо бўлиши мумкинлиги.

Адабий таълимдаги энг асосий ўзига хослик адабиёт ўқитувчисидан алоҳида ижрочилик маҳоратини талаб этиши. Адабиёт ўқитувчиси бадий асарларни маромига етказиб ижро этишни билмаса, ўқувчиларга асарда акс эттирилган муаллиф туйғуларини етказиб бера олмаслиги. Туйғулар етиб бормаган ўқувчиларда эса шу туйғуларга жавоб тарзида туғилиши керак бўлган ҳиссиётларнинг пайдо бўлмаслиги табиий эканлиги. Тафаккурни ҳиссиётга йўғирмоқ учун ўқитувчи қобилиятли ижрочи бўлиши шартлиги. Бутун синфда бадий матнга мос келадиган, ўзи истаган ҳиссиётни уйғота билган ўқитувчининг ўзи ҳам эстетик таъсир манбаига айланиши. Адабиёт ўқитувчиси асар ижросида сохталикка, зўракиликка йўл қўйиши, адасий таълимни йўққа чиқариш эканини унутмаслиги кераклиги. Ижрочи ўрганилиши зарур асарнинг тури, жанри, ҳажми каби хиҳатларни ҳисобга олгани сингари, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ҳаётий тажрибаларини ҳам билиши кераклиги. Туйғу муайян ҳиссий

таҳрибага эга қалбадагина акс-садо топиши мумкинлиги.

Ўз иш услубини, машғулотларни уюштириш усулларини, бадиий асар таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш, методик кашфиёт қилиш, педагогик ижодкорлик ҳар бир адабиёт ўқитувчисининг табиий эҳтиёжига айлангандагина адабий таълим иқори самара бериши мумкинлиги. Адабиётчи муайян бадиий асарни ўзинга мос субъектив идрок этиши, ўзи тушунганича талабаларига етказиши натижасида бадиий асар умрга, янги ҳаётга эга бўлиши адабиётчининг муайян даражада ижодкорлигини кўрсатувчи далиллар экани.

Ўқитувчида шу фазилатлар бўлгандагина ўқувчининг асар таҳлилида қатнашиши и с т а к даражасига кўтарилиши ва бу ҳол адабий таълимнинг самарадорлигини кескин ошириб юбориши. Ўқитувчи ижодкорлик фаолияти тўлиқ намойн бўлиши учун уни шакллантириши касбий тайёргарлигининг узвий бир бўлагига айлантириши зарурлиги. Ижодкорлик малакасини ҳосил қилиш нозик руҳий-жисмоний жараёнлар натижаси бўлиб, кўп жидатдан одамнинг табиий-биологик имкониятларига боғлиқ эканлиги. Ўқитувчи ижодкорлиги асар таҳлилида, асар қисмларига сарлавҳалар топишда, саволлар тузишда, ишрога мавзулар топишда, бадиий кечаларни уюштириш ва ўтказишда яққол сезилиши. Ижодкор бўлмаган ўқитувчида нусхабозлик, сийқалик кўришиб туриши.

### А д а б и ё т ў қ и т у в ч и с и н и н г д а р с г а т а й ё р л а н и ш и

Адабиёт ўқитувчисининг дарсга тайёргарлик кўриши унинг фаолиятидаги асосий бўғинлардан эканлиги.

Бадиий адабиёт бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг ҳиссибадиий йўналишга эга эканлиги машғулотларга ҳозирлик кўришнинг ҳам илмий-мантиқий, ҳам ҳиссий-образли йўсинда бўлишини тақозо этиши.

Дарсларга тайёрланишда режанинг салмоқли аҳамият касб этиши. Адабиёт ўқитувчиларининг иш режалари асосан, икки турли: а) йиллик ялпи режа; б) кундалик режалардан иборат эканлиги. Ҳозиргача бўлган методик адабиётларда "календарь-тема-тич план" тарзида номланадиган йиллик ялпи режа дастур асосида режа тўлиқ. Дастур тегишли насирликлар теомонидан тасдиқлан-

гани ва ўрта мактаблар давлат муассасаларига қарашли бўлганлиги учун у давлат ҳужжати ҳисобланиб, мажбурий характерга эга эканлиги. Ўқитувчи маҳаллий шароит талаби, шахсий имконияти сингари омиллардан келиб чиқиб, ялпи режа тузишда дастур материалларига маълум даражада ўзгаришлар киритиши мумкинлиги. Шунингдек, шароитдан келиб чиққан ҳолда, баъзан ялпи режаларнинг ярим йиллик ёхуд чораклик қилиб ҳам тузиши мумкинлиги. Адабиёт ўқитувчисининг фаолиятини ушштиришда кундалик режа катта аҳамиятга эга эканлиги. Бу режа ўқитувчилар орасида "режа-кўчирма" тарзида ҳам номланиб, адабиёт дарсларини ташкил этишда қал қилувчи ўрин тутуши. Унда тарбия жараёнининг барча бўғинлари акс эттирилиши жоиз эканлиги. Адабиёт дарсида синфдаги ўқувчиларнинг ҳиссиётларига таъсир қилиш ва уларни ўрганилаётган асар муаллифи ҳолатига келтириш учун кўчирма - режа (конспект-план) юқори савияда битилиши зарурлиги. Бу режада синфда амалга оширилиши керак бўлган барча тадбирлар қайд этилиши лозимлиги. Айни вақтда, кўчирма-режа тузиш ишига маъмуриятчилик билан ёндашиб, ҳар кунги такрорланадиган, меъдага тегадиган қолипларни ифодалаш керак эмаслиги. Ўқитувчи ҳар қандай режага ҳам ҳаракат учун йўриқ сифатидагина муносабатда бўлиб, қолип деб билмасдиги лозимлиги. Вазият талаби билан режалардан чиқиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олиб қўйиши даркор эканлиги. Режа-кўчирма иш жараёнида фойдаланиладиган педагогик ҳужжат бўлиши кераклиги. Ўқитувчи фаолиятига режа-кўчирмасининг борлигига қараб эмас, дарсни қандай ушштиришига, ўқувчилар шахсини қандай шакллантиришига қараб баҳо бериш кераклиги. Адабиёт ўқитувчиси йиллик ялпи режасини аҳабиёт бўйича методик бирлашмага муҳокама қилиб, мактаб раҳбарларига тасдиқлатиши, кундалик режа-кўчирмани эса мактаб илмий бўлим мудирига тасдиқлатиши қоидалаштирилганлиги.

Адабиёт ўқитувчисининг дарсга тайёрланиши гоаят масъулиятли тадбир эканлиги. Машғулотларга ҳозирлик бoshқа предмет ўқитувчилариникидан ҳескин фарқ қилиши. Бoshқа предмет ўқитувчилари асосий эътиборни н и м е н и беришга қаратсалар ва кўпроқ билим асосларини ўзлаштиришга тириш-

силар, адабиётчилар н и м а н и қ а н д а й етказишга асосий эътиборларини қаратишлари. Бошқа предмет ўқитувчилари учун ўқувчиларнинг д и қ қ а т и н и қаратиш муҳим бўлса, адабиётчи учун тарбияланувчиларининг к а й ф и я т л а р и н и машғулотга мослаш муҳим педагогик вазифа эканлиги. Бошқа предмет ўқитувчилари бир синфга йиллар давомида деярли бир хил тайёргарлик кўриши мумкинлиги ва бу ҳол педагогик мақсадга эришишига монелик қилмаслиги. Адабиёт ўқитувчисининг эса ҳатто ёндош синфларга ҳам бир хил ҳозирлик билан дарс ўтиши мумкин эмаслиги. Бир синфдаги ўқувчиларнинг туйғуларига мос келган усул бошқа синф ўқувчиларининг таъбларига мувофиқ келмаслиги мумкин эканлиги. Адабиёт ўқитувчиси ҳар бир синфдаги ҳар бир ўқувчини кўз олдига келтирган ҳолда дарс тайёрлаши шартлиги.

Адабиёт ўқитувчиси мактабда ўрганиладиган ҳар бир асарни ҳар ўқув йилида камида икки бор идрок этиши: биринчи бор машғулотларга тайёрланиш жараёнида, иккинчи бор эса мазкур асар бўйича дарс ўтаётганида.

Дарсга тайёрланиш жараёни а) бадий материални танлаш, саралаш; б) ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини уюштиришни режалаштириш; в) муайян дарсда таҳлил этиладиган материалнинг тақдим этилишини режалаштириш сингари босқичлардан иборат бўлиши, ўқитувчи дарсга ҳозирлик кўриш жараёнида ундан кейинги машғулотга ўқувчиларни қизиқтириш йўлини белгилаб қўйиши лозимлиги. Адабиёт машғулоти давомида ўқитувчи талабалари олдига қизиқарли муаммолар қўйиш малакасига эга бўлиши, бунинг учун ўз устида мунтазам ишлаши кераклиги. Дарсга тайёрланишдаги асосий бўғинлардан бири саволлар тузиш эканлиги. Аввал ўтилганларни сўраб баҳолаш учун берилган саволлар ҳам, уйда ўқиладиган асарларни таҳлил қилишга кўмак бериш учун илова қилинган саволлар ҳам ғоят пухта, изчил ва ўқувчиларни асар вазасидан жиддий мушоҳада яритишга тортадиган, билдирган фикрини бадий далиллар билан асослаган ҳолдагина жавоб беришни тақозо этадиган бўлиши кераклиги. Савол ўз ичига жавобни ҳам қамраб оладиган, "ҳа" ёки "йўқ" тарзидаги жавобни талаб қиладиган шаклда дудмал тузилмаслиги лозимлиги. ўқитувчи саволларни машғулот давомида ўйлаб топилган одатланмас-

лиги шарт экани.

Мактаб адабий таълимида самарали фаолият кўрсатиш учун методик журналлар, педагогик, психологик адабиётлар, илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ва ҳаммасидан ҳам кўпроқ бадий асарлар адабиётчиларга ўзига хос қўлланма, асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги. Ўқитувчи ўрганиладиган материал талабидан келиб чиқиб, тарқатма материаллар, карточкалар, кўрсатмали қурооллар, техник воситалар ҳозирлаши ва улардан самаралироқ фойдаланишнинг йўлларини белгилаб қўйиши жоизлиги.

Дарсга ҳозирлик кўришдаёқ ўқитувчи ўзининг адабий таълимдаги асосий сиймо эканлигини ҳисобга олиши, ўз кайфиятини бошқара олиш, ўзгаларни ўзи истаган ҳиссиётларни кечирадиган ҳолатга солиш қобилиятларига эга бўлиши, ташқи жиҳати, орасталиги ва кийиниши билан ҳам синфдаги талабаларнинг кайфиятига таъсир этишини ҳисобга олиши кераклиги.

### А д а б и ё т д а р с л а р и

Адабиёт дарслари – адабиёт фани асослари: адабиёт назарияси, қадимги ёзма ва оғзаки ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг ҳаёти ва ижоди, ХХ аср ўзбек адабларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга тушунтириш ва уларда тасаввур ҳосил қилишни таъминлайдиган энг муҳим машғулот шакли сифатида. Мазкур машғулотлар, шунингдек, талабаларнинг эстетик дидини шакллантириш; бадийлик; образлик; адабиёт ва ижтимоий ҳаёт ўртасидаги муносабатлар вазасидан маълумот бериш, уларни тарбиялаш воситаси экани. Адабиёт дарсларида ўқувчи дунёқараши, оғзаки ва ёзма нутқининг шакллантирилиши. Дарс мазмунининг замон муаммолари билан узвий боғлиқлиги. Таълим ва тарбия бирлигига амал қилиш, ўқувчида мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, ҳар томонлама етук ва билимдон шахсни тарбиялаш адабиёт дарсининг асосий везиқаси экани. Бадий адабиётни сезувчи, эстетик камолотга эга шахсни тарбиялашда адабиёт дарсининг ўрни.

Ушатирилиши жиҳатидан адабиёт дарсининг бошқа фанлар бўйича машғулотлар билан умумий нуқталари, аммо мазмун ва мақсад жиҳатдан улардан фарқли томонлари. Адабиёт дарсларининг бошқа фанлар билан мазрибий айнаलिши: адабий асарлар орқали ўқувчи-

дарга ўтмиш ҳаёт, кадриятлар, халқнинг ҳаёт тарзи, муҳим тарихий воқеалар ҳақида маълумот берилши. Ўқувчи руҳига таъсир этиш, унинг маънавий қиёфасини шакллантириш, абстракт тушунчалар асосида билим бериш кабилар адабиёт дарсларининг ўзига хослигини ташкил этувчи унсурлар сифатида. Ишонч, имон тарбиясининг адабиёт дарсларида Тутган ўрни.

Адабиёт дарсларининг таркибий қисмлари:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Ўтган мавзунинг саволлар орқали мустаҳкамлаш.
3. Ўтган мавзунинг яқуни.
4. Янги мавзу баёни.
5. Янги мавзунинг мустаҳкамлаш.
6. Янги мавзунинг яқуни.
7. Ўқувчилар билимини изоҳли баҳолаш.
8. Ўйга вазифа бериш (ва ҳоказо) ҳақида маълумот.

Дарс режасининг асосини дарснинг таркибий қисмлари белгилаши. Ўтиладиган мавзу хусусиятига, ўқитувчи ихтиёрига кўра дарс таркибий қисмлари ўрнининг мос тушиши зарурати. Дарс режаси ва баёнининг ёзма шифоҳийга ўқитувчи ўтадиган машғулотнинг икки муҳим ҳужжати сифатида қаралишининг фойдали ва зарарли жиҳатлари. Бундай ҳужжатга расмий тарзда эмас, ижодий ёндошмоқ зарурлиги.

Адабиёт даро. зрага фан ўқитувчиси томонидан алоҳида эътибор ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш. Ҳар бир дарога алоҳида маъсулият билан тайёрланиш ўқитувчининг муқаддас бурчи экани. Тайёргарлик кўриш жараёнида оини ўқувчиларига етқазиладиган ва муҳим бўлишига қарамай уларга айтилмайдиган тушунчаларни ажрата олиш зарурати. Адабиёт дарсларида ўқитувчи шахсидаги фазилатларнинг аҳамияти ва ўрни. Билимдонлик, тажриба, касбий маҳорат, кўникма – адабиёт дарсларининг самарадорлигини оширишдаги муҳим омиллар сифатида. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг фаолиятсиз тингловчига айланиб қолмаслигини таъминлаш йўллари ҳақида. Ҳар бир дарсда ўқитувчининг ўқувчи мустақиллигини шакллантириш учун имконият туғдиришга ҳаракат қилиши назоратдан тушунча бериш.

Такрорлаш дарслари ҳақида умумий маълумот. Мазкур даро туранинги икки кўриниши:

а) йирик адабий мавзу ўрганиб бўлинганидан оунг уюштириладиган машғулотлар;

б) чорак, ярим йиллик ва ўқув йила якунида ўтказиладиган тажрорлаш дарслари. Бундай дарсларни ўтказишда қиоман янги маълумот беришнинг аҳамияти.

Ўтилганларни тажрорлаш дарсларида тарқатма оаволлардан фойдаланиш уоуллари.

Адабиёт дарсларининг энг масъудиятли қиоми янги мавзу ўтиш дарси эканлиги. Янги мавзу қандай ўтилганлигини аниқлашнинг асосий мезони уни ўқувчилар томонидан қандай ўзлаштирилганлиги билан белгиланиши. Янги мавзунинг хусуоиятидан келиб чиқиб, уни аввал ўтилганлар билан боғлаш йўллари.

Адабиёт дарсларини уюштиришда ноанъанавий-янги усуллар ҳақида тушунча. Янги усуллардан фойдаланиб дарс ўтишнинг аҳамияти ҳақида.

Муаммоли ўқитиш, оценарийли ўқитиш, шарҳлаб ўқитиш, янги тартибда ёзма иш ўтказиш, конференция дарслари, назм дарслари мусобақа дарслари, семинар машғулотлари, тест ўтказиш орқали ўқувчилар билимини синовдан ўтказиш урта мактабда адабиёт ўқитишдаги янги усуллар сифатида. Уларнинг ўқувчи мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришдаги ўрни.

## Ў қ у в ч и л а р н и н г о р з а к и в а ё з м а н у т қ м а д а н и я т и н и у о т и р и ш

Орзаки ва ёзма нутқни ўстириш ҳақидаги методик адабиётлар шарҳи. Уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мулоҳазалар.

Нутқ тафаккур қилиш шакли ва ўзаро фикр олишув воситаои экани, унинг тил нормаларига бўйсиниши. Нутқ иноон тафаккурининг зарур моддий шакли экани. Нутқнинг шахсдаги хотира, прода, билим даражаси, ўз фикрини баён этиш ақтидори билан боғлиқ эканлиги. Нутқнинг орзаки ва ёзма шакллари. Тарбияланган шахсда нутқ маданияти даражаси ёқори бўлиши зарурати. Нутқ маданияти фикрни аниқ, тўғри, таъсирли баён этишни талаб қилиши. Ҳар бир адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчисининг адабий тил шаклларига - адабий тилнинг пухта ишланган ва тартибга солинган грамматик, фонетик, лексик нормаларига, услуб қоидаларига ососланган нутқ мадекасига эга бўлиши учун ҳаракат қилиши лозимлиги. Боғланишли нутқ қоидаларини мукаммал билан ва амалда татбиқ этиш шахснинг маданият даражасини кўрсатувчи амаллардан



эгани. Ўз ўқувчисига оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ўргатиш зор сиф ўқитувчисининг маҳорати ва тажрибаси билан боғлиқлиги.

1987 йилдан бошланган дастур ва дарсликларни тузишдаги номунтазамлик, олий ўқув юртларида ишқ, ёзиш анъанасининг тўхтатилгани ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқи ривожига салбий таъсир кўрсатгани. Бир қатор мактаб ўқитувчиларининг нутқ маданияти қонуниятларини билмасликлари, ёзма ва оғзаки нутқ малакасига эга эмасликлари ўқувчилар малакасига олдий таъсир кўрсатётганлиги.

Адабиёт дарсларидаги оғзаки суҳбатлар, фикр алмашувлар, саволларга берилган жавоблар, ёзма ишларнинг барча турларидан фойдаланиш боғланишли нутқни ўстириш воситалари сифатида. Бадиий, илмий, публицистик, жонли сўзлашув услублари билан танишиш боғланишли нутқ моҳиятини англаш ва амалда татбиқ этиш замини экани. Мактаб ўқувчиларига оғзаки ва ёзма нутқ малакасини пухта эгаллатиш вазифаси мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг зиммасида эканлиги. Нутқ малакасини ўстиришнинг кундалик машқлар билан алоқадорлиги.

Ўқувчиларга оғзаки ва ёзма нутқ ўртасидаги фарқнинг мавжудлигини тушунтириш зарурати. Оғзаки нутқ сўзлашув шакли сифатида. Оғзаки нутқнинг ёзма нутқдан тик олаш, урғу ва интонация орқали фарқланиши. Оғзаки нутқда чалкаш ёки нотўғри айтилган сўз (фиқр)ни ўша заҳоти тузатиш имконининг мавжудлиги. Оғзаки нутқда нотик ҳаракатларининг урни ва аҳамияти. Нотикликнинг олий даражаси санъат экани. Қадимда нотиклик санъатини эгаллаш машҳур мутафаккирлар: Демосфен, Демокрит кабиларга шўҳрат келтиргани. Алишер Навоийнинг чиройли сўзлаш, кам сўзлаш, мазмунли сўзлаш, урнида сўзлаш, тўғри сўзлаш ҳақидаги фикрлари тавсифи. Таянч сифларда ўрганилаётган асар таҳлили оғзаки нутқ малакасини эгаллашда муҳим омил сифатида.

Оғзаки нутқни шакллантириш ва такомиллаштириш адабиёт дарсларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида. Ўқувчилар оғзаки нутқнинг такомилдада ўрганилаётган асардаги ўхшатиш, сифатлаш, истиснола, зарурий кучирмаларни қўллашнинг аҳамияти. Оғзаки нутқнинг софлиги ва мазмундорлигини назорат қилишда ўқитувчининг раҳбарлиги. Бадиий асардаги нотаниш сўзларга изоҳ бериш, кейинчалик мазкур сўзлардан оғзаки нутқда сўз маъносини тушун-

ган ҳолда ўрни билан фойдаланишга ургатишнинг аҳамияти. Она тили дарсларида олинган билимнинг оғзаки нутқни ўстиришда тўтган ўрни. Оғзаки баён нутқ маданияти кўникмасини шакллантиришда восита экани. Бу жараёнда нутқ режасини тузиш ва унга изчил амал қилишнинг аҳамияти ҳақида.

Оғзаки нутқни ўстиришда ифодали ўқиш, асар матнидан перчалар ёдлашнинг кўл келиши. Асар таҳлилининг муостақил амалга ошириш малакасини эгаллашнинг оғзаки нутққа ижобий таъсири. Ўқувчи оғзаки нутқнинг таъсири, қонди, қизиқарли ва изчил бўлиб етишиши. Богланишда нутқ ўстиришнинг яқуний натижадор сифатида.

Ёзма нутқ масъулияти ҳақида тушунча. Ёзма нутқда оловонлик, фикрни изчил баён қилиш, мулоҳазаларни содда ва илҳам ифодалашнинг аҳамияти. Ёзма нутқ шахонинг етук, маданиятли инсон эканини кўрсатувчи мезонлардан бири сифатида. Ёзма нутқ кўникмасини эгаллашнинг оғзаки нутқ маданияти билан узвий боглиқлиги. Ёзма нутқ умумий нутқ маданиятини эгаллашда муҳим омил сифатида. Ёзма нутқнинг ўзига хос расмий ҳужжат эканлиги.

Ўрганилган бадий асарнинг мазмунини ёзма тарзда қайта баён қилиш ёзма нутқ малакасини эгаллашнинг дастлабки босқичи сифатида. Мукаммал режа тузишга ўргатишнинг ёзма нутқ изчиллиги ни оширишдаги самараси. Ёзма нутқ инсонни шахс сифатида шаклланишнинг муҳим омил экани.

Ўқувчиларга қуйи синфдан бошлаб ишро назарияси асосидан маълумот бериб бориш ва амалда татбиқ қилишнинг аҳамияти ҳақида. Ишро - ёзма шаклда ифодаланадиган муостақил фикрнинг олий намунаси сифатида. Ишро-лайҳа қилиш, асосга келтириш, ижод, сочма асар, ёзув, хат, битмоқ маъноларини аниқлаштириш. Ўрта мактабда "ишро" атамаси тавсия этилган мавзу асосидан ўқувчилар фикрларининг ёзма ифодаси маълумотида қўлдан келиши, Мавзу, режа, эпиграф, тезис, далил, хат боши каби тушунчалар асос ёзилаётган ишончи талабга жавоб берадиган даражада расмийлаштиришнинг зарурий омиллари эканлиги ҳақида маълумот.

Мавзу ишонинг нима ҳақида ёзилишига белгилайдиган мезон экани. Ўқитувчи мавзунини белгилашда синф ўқувчиларининг билим савиясига эътибор қилишнинг зарурати. Мавзунинг адабий, адабий ижодий, ижодий ёки яна бошқа йўналишларда белгиланиши. Мав-

зунинг тушунарди бўлаши иншо ёзишни осонлаштирувчи омид сифатида.

Режа иншонинг мазмун ва қурилиш жиҳатдан талабга жавоб бериши таъминлайдиган восита экани. Режа тузишнинг содда, мураккаб кўриниши. Мазкур кўринишдан қайси бирини танлаш маззунинг йўналишига, ўқувчининг ихтиёрига боғлиқдиги. Иншо режасини тузишга масъулият билан ёндашишнинг аҳамияти. Режанинг маззуга мос бўлишига таъминлашга ўргатиш йўллари.

Эпиграф ҳақида маълумот. Эпиграфдан иншо ёзишда ҳам фойдаланишнинг мумкинлиги. Эпиграф ёзилаётган маззуга мос келиши зарурдиги. Ундан фойдаланиш эса иншонинг савиясига оширишга хизмат қилиши.

Тезис иншоде баён қилинадиган фикрнинг ва режада қайд этилган бирор молданинг ихчам тарздаги ифодаси экани. Иншо тезислари режада кўрсатилган молда сонига тенг бўлиши лозимлиги тушунчаси.

Далил ўқувчи томонидан айтилган фикрни исботлаш учун келтириладиган кўчирма экани. Иншодан ўрин олган ва усталак билан келтирилган далаил ёзма ишнинг савиясига таъминловчи восита сифатида.

Тош боши босмада ёки ёзма матнда хатнинг биринчи қаторидан жой ташлаб бослаш бўлиб, ёзма нутқда янги фикрга ўтилганликни кўрсатувчи белги экани. Бинобарин, абзац ёзма иш муаллифанинг муҳофеза юртактаган масала юзасидан янги фикр баён этаётганини кўрсатувчи ишора эканлиги ҳақида маълумот. Иншо режасида нечта молда бўлса, унда камида шунча хат боши бўлиши лозимлигини тушунтариш йўллари.

Иншо ёзишга пухта тайёргарлик кўриш иншонинг музаффақиятли чиқишидаги асосий омиллардан эканлиги. Бу жараёнда ўқувчиларнинг эътиборини аввало адабиёт назариясига қаратишнинг аҳамияти. Кичик ҳажмдаги машқ иншоларни ёзишга ўргатиш усуллари. Машқ иншо (таълимий иншо) лар маззуларини белгилашдаги ўзига хослик. Расмга қараб, яқин дўсти, маҳалла ёки қишлоқдаги алоҳида эътиборга лойиқ одам, касб, тебват ва ҳ.к.золар ҳақида кичик иншо ёзишнинг фойдали томонлари. Иншо ёзишга тайёргарлик кўришда дарслик маълуми ва бошқа қўшимча адабиётлардан фойдаланиш зарурати юзасидан маълумотлар.

Иншоларнинг маззу жиҳатдан уч турга эга эканлиги. Бевосита мактаб дастурида қайд этилган, дарсликлардан ўрин олган маззуда

ги иншолар адабий иншолар дейилиши. Мактаб дастурига қисман алоқадор бўлиб, синфдан ташқари ўқилган асарлар билан боғлиқ иншолар адабий-ижодий иншолар дейилиши. Мактаб дастури билан алоқада бўлмаган мавзудаги иншолар ижодий иншолар дейилиши ҳақида маълумотлар. Иншоларнинг турларга бўлиниши, атамалар юзасидан мунозаралар давом этаётгани.

Адабий ёки адабий мавзудаги иншоларнинг ички тартиб билан бир неча хилларга бўлиниши. Ёзувчи ҳаёти ва ижодага оид, ёзувчи ижодада аёс эттирилган маълум бир мавзуга оид иншолар, маълум бир асарнинг гоёвий-бадий тасвирлиги оид иншолар, бадий асардаги яқка, гуруҳий, қиёсий тимсоллар тавсифига оид иншолар адабий иншоларнинг турлари сифатида. Ёзувчининг адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси, ижодига оид муҳим асарлар, унинг бадий маҳорати, ижодадаги ўзига хос хусусиятлар, адабиёт тарихида тутган ўрни ҳақида ёзма шаклда маълумот бериш ўқувчининг икки иншога махсус тайёргарлик қўганининг белгиларидан экани. Ўқувчи ўз маърузаларида қайд этилган масалаларга алоҳида диққат қилиши кераклиги. Адиб ҳаёти ва ижодининг ижтимоий ҳаёт билан алоқаси ҳақида ҳам ёзма шаклда маълумот бериш кераклиги. Ёзувчи ижодидаги маълум бир жанрда яратилган асарлар юзасидан ёзиладиган иншолар адабий иншоларнинг нисбатан мураккаб тури экани. Бундай иншоларда фикрий тарқоқликка йўл қўймаодик учун асарларни мавзу жиҳатдан теонаф қилишнинг маъқулдиги. Бадий асардаги образлар тавсифига оид иншолар адабий мавзулардаги ёзма ишларнинг энг кўп тарқалган тури эканлиги. Ўқитувчи ўқувчиларга бундай иншоларни ёзишга ўргатишда аввало теонаф бериладиган қаҳрамон ҳақида оғзеки суҳбат ўтказиши лозимлиги. Шу давргача ўрта мактабда (тимсолларга баҳо беришда бир ёқдамаликка йўл қўйилгани. Хусусан тимсолларнинг ижобий ва салбийларга кескин ажратилишнинг ёмон оқибатлари. Қар бир қаҳрамонни ҳаётдаги инсон сифатида қабул қилиш унинг хусусиятлари ҳақида ҳақиқий фикр яратиш мазкур турдаги иншолар муваффақиятини таъминловчи омад сифатида.

Адабий-ижодий иншолар ҳақида умумий маълумот. Адабий ижодий иншоларда ҳам дастурлардаги мавзуларнинг, ҳам уларга ижодий ёндашишнинг зарурлиги ҳақида "Анвар-мен севган қаҳрамон", "Резнога мактуб", "Йўлчи қиёфасидаги менга ёққан ҳислатлар" каби мавзулар шулар қумласидан эканлиги. Бундай иншолар режаларининг ўзига хос томонлари. Режаларнинг образга тавсиф туридаги иншолардан фарқи то-

монлари. Хусусан, агар мавзу бирон қаҳрамоннинг маъқул бўлган ҳислатларига бағишланган бўлса, ўқувчи тимсолидаги ана шу Ҳазратларни таҳлил қилиши ва маъқул бўлиш сабабларини ёритишга уринаши лозимлиги. Режалардан намуналар тавсия қилиш.

Ижодий (эркин) иншолар ҳақида маълумот. Ижодий иншо ўқувчининг мустақил фикрлашини намоён қилувчи муҳим омил экани. Ижодий иншо ўқувчиларда дастурда назарда тутилган мавзулар ҳақида фикр ёритиш малакасини ҳосил қилишга кўмаклашишдан ташқари ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга синчковлик билан назар ташлаш, уларни таҳлил қилиш, умумий дунёқарашни ривожлантиришга интилиш кўникмаларини ҳам тарбиялаш юзасидан маълумотлар бериш. Ижодий иншолар дастурда қайд этилмаган адиблар ижоди, асарлар, қаҳрамонлар ҳақида ёзилиши. Шунингдек, она ватан тарихи, қадриятлар, она табиат, касб-ҳунар ҳақидаги мавзуларга бағишланиши. Уларни ёзишда ўқувчининг синфда эйтилган маълумотлардан ташқари мустақил ва урганган тушунчалардан фойдаланиши.

Иншо услуби: а) илмий услуб; б) публицистик услуб; в) бадиий услуб ҳақида маълумот.

Иншоларни текширишда ўқитувчининг имло, услубий, тиниш белгиларда йул қўйилган хатоларни алоҳида-алоҳида кўрсатиши. Иншо-даги хатолар устада ишлаш машғулотини уюштириш зарурати. Айниқса, имло хатоларига йул қўйилган сўзларни махсус дафтарга кўчаришнинг аҳамияти.

60-80- йилларда ўрта мактаб иншоларига бўлган муносабатда йул қўйилган камчиликлар ва уларнинг зарарли оқибатлари. Кейинги йилларда иншо мавзуларининг, ёзилиш усулларининг бир қолипга тушиб қолгани. Совет давлати оидоатининг иншо мавзуларига, уларнинг мазмуни даражасига оид олий таъсир кўрсатгани. Иншоларни текшириш, олий ўқув юртларига қабул имтиҳонларида иншо олиш ва баҳолашдаги нуқсонлар. Ҳозирги пайтда ўрта мактабда иншо ёзишга қизиқишнинг сусайгани. Бу ҳолатнинг салбий оқибатларга олиб келаётгани.

Иншо ҳақида яратилган методик адабиётлар таҳлили. Уларда эътибор берилган зарур назарий тушунчалар. С.Долямов ва И.Исма-тов каби усулчи одамларнинг республикамиз мактабларида иншо ёздаришни яхшилашга қўнган ҳиссалари.

Анъанавий қолипга тушмаган қизиқарли мустақил фикрлашни,

қўшимча адабиётлардан фойдаланишни талаб қилувчи мавзуларда иншо ёздириш ўқувчи ёзма нутқини ўстиришда муҳим омил экани.

Мунтазам равишда вақтни кам талаб қилувчи кичик ҳажмдаги таълимий (масқ) иншолар ўтказишга одатланишнинг фойдали томонлари.

Мектаб ўқитувчилари баъзи олий ўқув юртларига қабул имтиҳонларида қўлланилаётган ижодий синов шартларини синфда амалга ошираётганликлари ҳақида маълумот. Ёзма ишларни янгича тартибда уюштириш ана шундай тажриба қуринишларидан бири экани. Уларда анъанавий иншолардан фарқли ўлароқ бир неча саволларга жавоб беришнинг зарурлиги. Расмга қараб тақриз ёзиш ана шу савол-вазифалардан бири сифатида. Расмга қараб тақриз ёзишда ўқувчининг кўрганларини ёзма тарзда ифодалаш кўникмаси шаклланиши, ўзбек тили сўз бойлигидан самарали фойдаланиш эҳтиёжининг ҳосил бўлиши.

Янги тартибда олинadиган ёзма ишларда ўқувчининг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган вазифаларнинг мавжудлиги. "Зайнабга мактуб", "Кумуш Ҳожиаси", А.Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романида менга маъқул бўлган "Қизиқлар "боби ҳақидаги мулоҳазаларим" каби мавзулар асосида масқ иншолар ёзиш тажрибаси.

### Ў қ у в ч и б и л и м и н и б а ҳ о л а ш

Ҳар қандай одам ўз фаолиятининг натижасига қизиққани оинга-ри ўқувчиларнинг ҳам баҳога қизиқишлари табиий эканлиги, ўқувчилар фаолиятига қўйилган баҳо уларнинг кейинги фаолиятларини кўзга тувиши омил бўлиши мумкинлиги. Баҳонинг н а з о р а т , т а Ъ л и м и й в а т а р б и я в и й функциялари. Адабиёт дарсларида баҳонинг тарбиявий вазифаси етакчилик қилиши. ўқувчилар ҳиссияти, туйғулари, кўнгли билан иш кўрадиган адабиёт дарсларида баҳо эмоционал йўналиш касб этишининг табиийлиги. Адабиёт дарсларида қўйиладиган баҳоларнинг мактабда барча ўзга ўқув предметларидаги баҳоларга нисбатан субъектив хусусиятга эга бўлиши. Адабиёт машғулотларида маънавий Ҳазилатларни шакллантириш асосий вазифа экани ва маънавий сифатларни ўлчашнинг ташқи воситалари йўқлиги учун ҳам ҳолес баҳоланинг қийинлиги. Адабиёт ўқитувчиси ўз тарбияланувчиларига фақат муайян асарни назарий тушунчани қанчалик ўздештиришига қарабана

Баҳо қўйиши етарли бўлмаслиги. Ҳўқитувчи талабасини баҳолашда унда пайдо бўлган янги ахлоқий сифатларни ҳам ҳисобга олиши кераклиги. Ҳўрганилган бадий асар туғайли уқувчида муайян ахлоқий фазилатлар шаклланганига имони комил бўлган ҳўқитувчи уни баҳолашда мазкур ҳолатни ҳисобга олиши мумкинлиги. Бошқа предметларда эса бундай йул тутишга эҳтиёж йўқлиги. Бошқа предметлар кўпроқ уқувчининг ё тафаккурини ёки жисмоний имкониятларини ёхуд меҳнат малакаларини ўстиришни мақсад қилиб қўйганлиги учун ҳам ўқувчилар фаолиятидаги ўзгаришларни ўлчайдиган мезонларга эгаллиги. Бошқа предметларда тўғри жавобнинг битта бўлиши шартлиги ва ўқитувчи худди шу тўғри жавобга баҳо қўйишлиги. Адабиёт предметада эса тўғри жавоб ўқитувчи хоҳлаган жавоб эмас, балки талабанинг ҳиссий ва мантиқий фаолияти натижасида туғилган жавоб эканлиги. Бу жавоб ўқитувчига маъқул келма-са-да, талаба томонидан асослаб берилса, юқори баҳолашни зарурлиги. Адабиёт маънавий билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам адабиётчилар имкони борича ёмон баҳолар қўйишга зўр беришдан саклан-ишлари фойдала эканлиги.

Тарбияланувчиларнинг фаолиятини, улар томонидан бадий асарларнинг қанчалик синчилаб ўқилгани, ўзлаштирилгани, ўрганилган асарлардаги маънавий қадриятларни ўзларига қай даража оингдирганликлари, адабиёт бўйича олган назарий билимларни бадий асар таҳлилида қўлай билишлари, дарсларда ўрганилмаган бадий асарларни ҳам таҳлиллай олиш даражалари, бадий матни шавқ билан ифодали айта олиши, бадий асарнинг бадийлигини таъминлайдиган шаклий ва ҳиссий омилларни топа билиши сингари жиҳатларни баҳолаш зарурияти объектив равишда мавжуд бўлганлиги учун ҳам баҳо мезонларини ишлаб чиқишнинг шартлиги. Юқорида айтилганлардан адабиёт дарсларида ҳам кўпроқ билимга баҳо қўйишга тўғри келаётганлигининг кўрилиб турганлиги, ўқитувчи баҳонинг адолатли ва тўғри бўлишини таъминлаш учун уйга вазифа берилаётганидаёқ талабаларни ўйлашга ундайдиган, матн устида ишлашга мажбур қиладиган топшариқлар бериши кераклиги. ўқувчилар билемини аниқлаш ҳамда баҳолашда уларга бериладиган а) йўналтирувчи саволларнинг; б) таҳлил (аналитик) саволларнинг; в) натижа (синтез) саволларнинг ўрни ва аҳамияти.

Адабиёт бўйича ўқувчиларнинг фаолиятини баҳолашда ҳам машҳур педагог И.Я. Дорнернинг ўқувчилар балимининг уч даражаси

ҳақидаги назариясига асосланиш мумкинлиги. И.А.Лернер томондан ўқувчиларнинг билимлари қуйидаги даражаларга бўлиниши: 1) билим онгли равишда қабул қилинган ва хотирада қайд этилган даража; 2) намунадагига ўхшаш шароитда қўллашга тайёр даража; 3) билимни нотаниш шароитда, намунага тақлид этмай ижодий қўллай оlish даражаси. Дарсларда ўтилганларни ўзлаштиришнинг шу уч даражаси талабалар билимини баҳолашдаги асосий мезонлар бўлиши мумкинлиги. Адабиёт машғулотлари учун мазмунни қайта ҳикоялаш эмас балки унга шахслик муносабатда бўла билиш, урганганларини матн таҳлилида ишлата билиш сангари жиҳатларнинг мезон бўлиши мумкинлиги. Адабиёт машғулотларида ўқувчиларни баҳолашда болаларнинг нутқ бойлиги ва бу бойликдан фойдаланиш даражаси ҳисобга олинishi шартлиги. Нутқ тафаккурнинг мавжудлик шакли булганидек, туйғулар такомилнинг ҳам ифода тарзи эканлиги.

Мактаб таълимида адабиёт предмети буйича ҳам кундалик, чорак ва йиллик баҳолар қўйилиши. Айрим синфларда имтиҳон синовларининг ўтказилиши. Мактаб амалиётида чорак баҳолари кундалик баҳоларнинг, йиллик баҳолар чорак баҳоларнинг урточаси тарзида қўйилишининг оммалашганлиги. Ваҳоланки, бу анъананинг педагогик талабларга у қадар мос келмаслиги. Ўқувчи чорак давомида қандай ўқиб келганига қараб эмас, балки чорак охирида дастур материалларини қанчалар ўзлаштирганлигига қараб чораклик, йил охирида дастур талабларига қанчалар жавоб бера олишига қараб йиллик баҳоларга эга бўлиши лозимлиги. Ўқувчи билимини яқуний баҳолашда ўқитувчи эркининг, унга ишончининг катта ўрин тутishi. Адабиёт дарсларида ўта талабчанлик билан баҳолашнинг яхши самара бермаслиги.

Ўқувчиларнинг оғзаки жавоблари билан ёзма ишларини баҳолаш уртасида муайян фарқлар ва ўзига хосликлар мавжудлиги.

Оғзаки жавобларни баҳолашда ўқитувчи қуйидаги тамойилларга амал қилиши зарурлиги: 1. Матн ўзлаштирилганлиги ва ўрганилган асар бадиий-эстетик мазмунининг тушунилаш даражаси. 2. Асар воқеалари, қаҳрамонлар характери ва хатти-ҳаракатлари орасидаги сабабий боғланишларнинг англанилиши. 3. Ўрганилган асар гоъвий-эстетик мазмунини очишда тасвир воситалари уринининг англанилиши. 4. Адабий-назарий тушунчаларни билеш ва улардан синфда ўрганилган ҳамда мустақил ўқилган асарларни таҳлил этишда фойдалана оlish даражаси. 5. Нутқ саводхонлиги, жавобларнинг мантиқий ва



изчиллиги, сабаб оқибат боғланишларини тўғри фойдалай билиш, бир таовирдан иккинчисига кучишда бадиий-манتيкий изчиллик, бадиий асарни фойдали ва таъсирчан ўқий олиш малакаси.

Ўқорида айтилган мезонларга кўра оғзаки жавобга "5" баҳо матн пухта ўзлаштирилган ва чуқур ҳис қилинган, воқеалар, қаҳрамонлар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари орасидаги ўзаро алоқа тушунилган, асар бадиийлигини таъминлашда тасвир воситаларининг ўрни англаниган, адабий-назарий тушунчалардан таҳлил жараёнида эркин фойдаланилган, асар таҳлилида ўз шахсий қарашлари акс этиб турган, нутқ маданияти юқори бўлган жавобларга қўйилаши.

"4" баҳо ҳам ўқоридаги хусусиятларга эга бўлган, лекин жавоб давомида айрим хатоларга йўл қўйилган жавобларга қўйилаши.

Оғзаки жавобларга "3" баҳо матнни ўзлаштирилганлиги ва тушунганлиги англашилиб турган, асар воқеалари, қаҳрамонлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари орасидаги алоқаларни изоҳлай биладиган, назарий маълумотлардан ҳам хабардор, аммо таҳлилда улардан яхши фойдадана олмаган, шахсий муносабатларига эга бўлмаган, нутқ маданияти етарлича юқори бўлмаган жавобларга қўйилаши кераклиги.

"2" баҳо асар матни билан тулиқ таниш эмаслиги, бинобарин уни ҳис қилолмаслиги кўриниб турган, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг сабабий боғланишлари тушунтириб берилмаган, адабий-назарий тушунчаларни билмаслиги аён бўлган, нутқ маданияти паст бўлган жавобларга қўйилаши зарурлиги.

Оғзаки жавобларга "1" баҳо матнни мутлақо билмаслиги, асосий саволларга тушунмаслиги, дастур талабларига асло жавоб бера олмаслиги кўриниб турган ҳолларда қўйилаши.

Адабий таълимда ёзма ишларнинг ҳам катта ўрин тутishi. Мактаб адабий таълимида иншо ёзма ишларнинг асосий тури эканлиги. Иншоларнинг н а з о р а т иншо, т а Ъ л и м и й иншо сингари мақсадга кўра; с и н ф иншоси, у й иншоси сингари бажарилиш жойига кўра; а д а б и й иншо, а д а б и й - и ж о д и й иншо, э р к и н иншо, м у х о к а м а иншо, т а қ р и з иншо сингари мавзуга кўра турлари мавжудлиги. Иншоларни текшириш учун 5-8- синфларда бир ҳафта, юқори синфларда ўн кун муҳлат ажратилаши ва ўқитувчи шу муҳлат орасида иншони текшириши шартлиги. Ўқув йили давомида 5-8- синф ўқувчилари 5-7 марта, 9-II- синф ўқувчилари 7-8 марта иншо ёзиш-

лари кераклиги. Методикада 5- синфда I, 5-2 бет, 6- синфда 2-2,5 бет, 7- синфда, 2,5-3 бет, 8- синфда 3-4 бет, 9- синфда 4-5 бет, 10- синфда 5-6 бет, II- синфда 6-7 бет ҳажмида ишро ёзиш кераклиги курсатилган бўлса-да, ҳажм борасидаги талабларга қатъий риоя қилешнинг шарт эмаслиги. Мухими, ўқувчиларнинг маззуну пухта билиши, ўз қарешларига эга бўлиши ва қарешларини саводхонлик билан тўғри фойдалай олиши эканлиги.

Ўқув ишоларига "5" баҳо маззу чуқур ва асосли ёритилган, матн ва унга дахлдор материалларни аъло даражада билиши англашилаб турган, фойдаси силлиқ ва мантиқли булган, тўғри адабий тил билан таъсирли қилиб битилган ишга қўйилиши.

Маззу чуқур ва асосли ёритилган, бадий матн таҳлилида айрим камчиликларга йул қўйилган, адабий материалчи ва унга дахлдор ўзга манбаларни яхши билган ва улардан тўғри фойдалана олган, ишонинг берча қисмларига амал қилган, ишчи ва мантиқий фикрлаш сезилиб турган, 2-3 ишло хатога йул қўйилган ишоларга "4" баҳо қўйилиши.

Маззу асосан тўғри ёритилган, бир ёқлама бўлса-да, деярли маззуга жавоб бера оладиган даражада битилган, адабий материални тадқин қилишда айрим ноаниқликларга йул қўйган, хулоса ва умумлашмалар қида олмаган, ўз мулоҳазаларини эркин фойдалай олмаган ва 7-8 грамматик хато қилинган ишоларга "3" баҳо қўйилиши кераклиги.

Маззу ҳақида шэки тасаввурга эгаллиги кўришиб турган, асар воқеалари пеллепартиш ҳикоя қилиб берилган, билдирилган фикрлар бадий матн билан асосланмаган, нутқи камбағал ва ғариб, грамматик хатолари куп булган ишоларга "2" баҳо қўйилиши.

Маззуну мутлақо билмаслиги кўришиб турган, фикрини баён қилиш кўникмаси шакланмаган ва куп грамматик хатоларга йул қўйилган ишоларга "1" баҳо қўйилиши дозимлиги.

Мектаб амалиётида ишоларга иккита баҳо қўйиб келин-аётганлиги. Бу ҳоднинг педагогика талабларига мос эмаслиги ва саводхонлик соҳасидаги қушиб ёзиш, кўзбуяшнинг бир кўриниши эканлиги. Иккита баҳо олиш натижаида ўзини туппа-тузук ўзлаштирувчи ўқувчи ҳисоблаб юрган ёшлар урта махсуо ва олий ўқув юртларига боргач, муҳаллариядагидан паст баҳо олиб алданиб қолишлари руй бераётганлиги. Шу сабабли ишолар ҳам битта баҳо билан баҳоланса,

ҳақиқий ҳолатга мос келиши. Битта баҳо қўйиш натижасида ўқувчилар орсонда ўзлаштирмайдиганлар кўпайиб кетишидан сақланиш учун ижобий баҳо қўйиш мумкин бўлган ҳетолар чегарасини бир оз кенгайтириш мумкинлиги.

Тест ўқувчилар билимини, тез ва қулай аниқлаш учун қулай шароит яратувчи замонавий усуллардан экани. Ўзбек адабиёти бўйича ўтказиладиган тест машғудотлари ўқувчиларнинг адабий фактларни: ҳалқ орзаки ижоди ва ёзма адабиёт хуосиятлари, адабиёт назарияси, хилма-хил адабий жанрлар, мактабда ўрганилган адабий асарлар мазмуни, улардаги қаҳрамонларнинг асосий хуосиятлари, бадиий тасвир услублари ҳамда воситаларини, ижодий ҳамкорлик кўринишларини қанчалик пухта билиши белгиладиган восита эканлиги. Тест воситасида ўқувчи билими баҳоланадиган дароларни асосан биринчи йирик мавзу ўрганиб бўлингач, ўтилганларни тикрорлаш жараёнида, шунингдек, турли синонв машғудотлари, ҳатто синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар: викториналар, танлов мусобақалари, адабий ўйинлар, олимпиада кўриклари даврида муваффақият билан ўтказиши мумкинлиги.

Тест саволларини тузиш малакасини эгаллаш ҳар бир ўқитувчининг вазифаси эканлиги. Уларни тузишдан аввал тестнинг очиқ ёки ёпиқ турини танлаш зарурати. Жавоблари аниқ кўрсатилган ва улардан бирини топиш тавсия этиладиган тестлар "ёпиқ тест" атамаси билан юритилиши. Саволи берилган аммо жавоби ўқувчи томонидан ёзиладиган тестлар "очиқ тест" атамаси билан юритилаши.

Ўқитувчи тузган саволнинг аниқ бўлиши лозимлиги. Унга берилган бир нечта жавобнинг фақат биттаси энг тўғри жавоб бўлиши шарт эканлиги. Ўқувчиларни ҳаддан ташқари мураккаб саволлар билан қийнашнинг ёмон оқибатлари. Ўқитувчи савол тузишда синф ўқувчилари билим савиясини ҳисобга олиши лозимлиги. Аҳо ҳолда тест саволлари асосида билим синаш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги.

Тест саволларини ўқувчига беришдан аввал ўқитувчи машқ ўтказишнинг маъқул экани. Биринчи навбатда ўқувчи тест саволларини тўғри ўқишга ўрганиши лозимлиги. Хусусан, тест матнидаги "бор" - "йўқ", "ҳа" - "йўқ", "учрайди" - "учрамайди" каби тасдиқ ва инкорни ажратиши шарт экани. Жавобини топишга қийналган тест саволларини ташлаб ўтиш ва вақт қолсагина унга қайта

мурожаат қилиш малакасини ҳосил қилиш.

Тест натижаларди аниқлашгач, ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил ўтказиш куллари. Ўқувчига ўз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар-ни билиш имконини яратиш берил.

Адабиёт дарсларида машғулотларнинг юқорида қайд этилган ноанъанавий усулларини куллай ўқувчиларнинг дарсларга фаол муносабатда бўлишларида, муस्ताқил фикрлаш қобилиятларини шакллантиришда муҳим омил экани, Бу янги усулларни мукаммал ўзлаш-териш ўқитувчининг даро утишида катта имкониятлар яратишини кўрсатиб беришнинг мақсадга мувофиқлиги.

### Д а р о   к у з а т и ш   в а   т а х л и л қ и л и ш

Ҳар қандай ўқитувчининг фаолиятида бошқа ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилишнинг катта ўрни туташи. Ҳар бир касб эгаси ўзининг касбий маҳорати даражасини аниқлаш учун ўзини бошқа биров билан қиёслашга муҳтож эканлиги. Ўзгаларнинг дарсларини кузатиш, унинг ютуқ ва камчиликларини топиш ва таҳлил қилиш ҳар бир адабиёт ўқитувчиси учун шарт эканлиги. Бошқа адабиётчи уштирган машғулотларни кузатиш оддига муайян талаблар қўйилиши. Аввало, ўқитувчи дарсни нима учун кузатаётганлигини билиши, яъни кузатишдан мақсадини аниқлаши кераклиги. Ўзга ўқитувчининг дарсини кузатиш ҳамيشа икки томонлама жараён бўлиши кераклиги. Кузатувчи ҳам урганиши, ҳам имконияти даражасида маслаҳатлар бериши, таклифлар қилтиши, яъни ургатиши лозимлиги.

Адабиёт ўқитувчилари дарси кузатишганда, бу машғулотларнинг ижод эканлиги, ҳар бир чинакам адабиётчи ижодкор эканлиги ҳисобга олиниши кераклиги. Адабиёт дарсларига эталонлар, қолиплар талаби билан ёндашиш бўлмалиги. Энг маҳоратли адабиётчининг даро утиш усули ҳам бошқа адабиётчи учун эталон бўлиши мумкин эмаслиги, фақат намуна бўлишигина мумкинлиги.

Дарсни кузатиш, айниқса, таҳлил этиш гоаят юқоқ худки, эҳтиёткорликни, бошқа ўқитувчи шахсига бўлган ҳурматни тақозо этиши. Кузатувчи мулозим, касбдошининг фикри ва қарашларини тинглай оладиган ва уларни ҳисобга ола биледиган бўлиши кераклиги.

Дарс кузатмоқчи бўлган ўқитувчи, аввало, кузатилиши керак бўлган дарс олдига қўйилган мақсадларни ва дарснинг типини аниқлаб олиб, сўнг дарсга кириши кераклиги. Дарснинг мақсадлари аниқ бўлгач, у дарснинг у ёки бу компонентлари қандай уштирилганлиги, самарадорлиги даражаси ҳақида фикр билдириш мумкинлиги. Дарс ўтаётган ўқитувчининг ҳар бир ҳаракати дарс мақсадларига эришишда тутган ўрнига қараб баҳоланиши. Кузатувчи дарснинг ташкил этилишига, ўқувчилар диққатининг дарсга қаратилишига, синф тозаллигига, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигига, кўрсатмалли қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиш даражасига, машғулот ҳурилиши ва вақтдан фойдаланиш самарадорлигига, дарс мазмунига, фойдаланилган метод ва приёмларнинг мақсадга мувофиқлигига, синф ўқувчилари ва ўқитувчи орасида педагогик ҳамкорлик мавжудлигига, ўқувчиларда маънавий сифатларнинг шакллантирилиш ҳолатига, синфда ҳукмрон бўлган руҳий иқлимга, ўқитувчининг ташқи кўринишига эътибор қаратиши лозимлиги.

Мавжуд методик адабиётларда дарс таҳлилининг тўрт турга бўлиниши: а) илмий таҳлил; б) методик таҳлил; в) дидактик таҳлил; д) умумпедагогик таҳлил. Илмий таҳлилда кузатувчи ўқитувчи томонидан бозаларга етказилаётган маълумотларнинг илмий-назарий жиҳатдан асосли эканига, ўқувчилар жавобидаги мантиқийлик, илмий манбаларга таянганлик ҳолатининг даражасига эътибор қаратиши кераклиги. Методик таҳлилда кузатувчи кузатилган дарсда ўқитувчи қўллаган метод ва приёмларнинг қанчалик самарадорлиги масаласи нуқтан назаридан дарсга баҳо бериши жоизлиги. Дидактик таҳлилда кузатувчи ўқитувчи томонидан таълим принципларига қай даражада амал қилинганига эътибор қаратиши кераклиги. Умумпедагогик таҳлил дарснинг барча жиҳатларига комплекс ёндашишни тақозо этишлиги. Кузатувчи текширилган дарсни ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчилар ҳаракатлари самарадорлиги жиҳатидан, ҳам адабиёт дарсига хос барча жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаши лозимлиги.

Дарсни кузатиш жуда ҳолислик билан амалга оширилиши. Дарс таҳлили ўқитувчининг ётуқлари ҳақидаги мулоҳазалардан бошланиши лозимлиги. Кузатувчи ўқитувчи фаолиятига баҳо бериш билан ўқувчилар фаолиятига баҳо беришни аралаштириши мумкин эмаслиги кузатиш ва таҳлил тушунарли тарзда махсус дафтарга қайд этилиши шартлиги. Ҳар бир кузатувчи, албатта, дарси кузатилган ўқитувчи би-

дан бақамти равишда дарони таҳлил қилиши кераклагли.

## С и н ф д а н   в а   м а к т а б д а н т а ш қ а р и   и ш л а р

Синфдан ташқари уюштириладиган ишларнинг шакллари, турлари ва амалга ошириш йуллари ҳақида эълон қилинган методик қўлланмалар тавсифи.

Ўқитувчининг фаолиятида синфдан ташқари ишларнинг ўрни ва аҳамияти. Синфдан ташқари ишлар адабиёт фанидан дарс давомида берилган билимни тўлдирувчи, муоахкамловчи, ўқувчида бадиий адабиётга булган қизиқишни уйғотувчи ва ривожлантирувчи ёрдамчи восита сифатида. Синфдан, шунингдек, мактабдан ташқари ишлар натижасининг самарадорлик даражаси ўқитувчи ёки мактаб маъмуриятининг ташкилотчилик маҳорати даражасига боғлиқ эканлиги. Бунинг учун эса мактабдан ташқаридаги муҳитни билишнинг муҳимлиги. Мактабдан ташқари муҳитнинг таркибий қисмлари. Мактаб кутубхонаси фаолиятининг бу соҳада тутган ўрни. Синфдан ташқари ишларни уюштиришда ана шу омилларни ўрганиш усуллари ва ишни режалаштириш тартиблари.

Ўқувчилар орасида синфдан ташқари ўқишни уюштира олиш синф ва мактабдан ташқари ишларнинг энг асосийси ва энг аҳамиятлиси сифатида. Синфдан ташқари ўқишни синф доирасидаги адабиёт дарслари билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш йуллари ва бу боғланишнинг аҳамияти. Бугунги кунда ўқувчиларни умуман ўқишга, хусусан, синфдан ташқари ўқишга жалб қилишнинг мураккаб жиҳатлари. Бироқ адабиёт ўқитувчиси синфдан ташқари ўқишни уюштирмай туриб бадиий асарни сеувчи китобхонни тарбиялаши мумкин эмаслиги назардан мулоҳазалар.

Ўқувчининг мустақил ва ижодий фикрлаш салоҳияти тақомилда синфдан ташқари ўқишнинг ўрни. Ўрта мактаб адабиёт дастурида синфдан ташқари ўқиладиган асарларни ўқитувчи томонидан мукаммал ўрганиб чиқиш, ўқувчиларнинг уларни ўқишларига эришиш ва дарс жараёнида улар назардан самарали қисқа суҳбатлар ўтказиш йуллари мустақил ўқилган асарларни таҳлил қилишда ва мазмунини ўзлаштиришда ўқитувчининг кўмаги даражаси. Синфдан ташқари ўқилган асарларни таҳлил қилишда ўқитувчининг назорати кулама. Мустақил ўқиладиган синфдан ташқари ўқиладиган асарларни ўқувчилар томони-

дан ўзлаштирилишига ўқитувчи муносабати.

Ўқитувчи томонидан йил давомида синфдан ташқари ўқиладиган асарлар рўйхатининг тузиллиши, ўқилиш вақтини белгилайдиган жадвалга қейд этилиши. Бунда 5-II- синф ўқувчиларининг қизиқиш даражасига, ёш хусусиятига эътибор берилиши лозимлиги.

Синфда ўтказиладиган машғулотларда бевосита дастур асосида ўқитилмаган бадиий асарларни эсга солувчи саволлар тузиш лозимлиги. Синф суҳбати учун тузилган саволларда синфдан ташқари ўқилган асарлар юзасидан моддаларнинг мавжуд бўлиши ўқувчиларнинг уларга нисбатан муносабатини ўзгартириш воситаси сифатида. Бъзан ана шу асарлар юзасидан махсуо маърузалар тайёрлаш, ўқувчилар иштирокида уларни муҳокама қилишнинг фойдали жиҳатлари. Синфда ўрганилган адибнинг ҳаёти ва ижоди бўйича ўтказиладиган яқуний машғулотларда адибнинг синфдан ташқари ўқилган асарларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик кераклигини таъкидловчи мулоҳазалар ва маолаҳатлар. Хуллас, синфдан ташқари ўқиладиган асарлар юзасидан олаб бориладиган назоратни адабиёт дарсининг таркибий қисмига айланттиришнинг фойдали томонлари.

Адабиёт ўқитувчиси мактабдаги радио, телевидение, деворий газеталар фаолиятига ҳам раҳбарлик қилишда бу оммавий матбуот воситаларидан унумли фойдаланиш режасини тузиб олиши лозимлиги. Эшиттириш ва курсатувларни қизиқарли хабарлар билан таъминлаш, деворий газеталардаги мақолаларнинг ўқишли чиқяшига ҳисса қўшиш ҳар бир адабиёт ўқитувчисининг вазифаси экани.

Синфдан ташқари адабий ҳаётнинг қизиқарли ва оамарали уюштирилиши бевосита адабиёт дарсларининг мазмунли ўтишига ҳисса қўшувчи омиллардан экани юзасидан амалий маолаҳатлар.

Адабиёт тугараклари ўқувчиларни уюштирувчи, бадиий адабиётга қизиқиш уйғотувчи, дастлабки илмий кузатувларни ўтказишга интиштирувчи воситалардан экани ҳақида маълумот. Адабиёт тугаракларининг қуйидаги турлардан иборат эканлиги:

1. Адабий-ижодий тугарак.
2. Иродали ўқиш тугараги.
3. Драма тугараги.
4. Адабий-ўлкашунослик тугараги.

Адабиёт тугараклари синфда ўрганилган кўникмаларни муолаҳама қилиш, дарсдаги назарий тушунчаларни ҳаётга татбиқ этиш, адабиёт фанидан янада кўпроқ маълумот олишни таъминлаш учун хиз-

мат қилувчи омил эканлиги. Адабиёт тўғараклари машғулоти билан адабиёт дарслари ўртасидаги муштарак ва фарқли томонлар. Ўқувчининг тўғаракка ихтиёрий қатнашишини ҳисобга олиш ўқитувчининг вазифаси экани. Шу сабабга тўғарак машғулотларини қизиқарли ўтказиш учун бор имкониятларидан самарали фойдаланиши лозимдиги. Адабиёт тўғаракларининг номлари турлича бўлгани билан уларнинг ҳаммаси адабиёт мухлисини тайёрлаш воситаси экани. ҳақида.

Адабий ижодий тўғаракка ижод қилиш иқтидорига эга ўқитувчининг раҳбарлик қилиши маъқул экани. Ана шундай фазилатга эга раҳбаргина ёш шоир ёки ёзувчига ижод жараёнини тўғри ва аниқ тушунтира билши.

Ифодали ўқиш тўғарагига шеърий асарларни куп ёдлаган, уларни ифодали ўқиш малакасини мукаммал эгаллаган ўқитувчининг раҳбарлик қилиши. Ифодали ўқишнинг бадиий ўқиш санъати билан узвий алоқасини тушунган мутахассисгина бу тўғарак ишини тўғри йўлга қўйиши мумкинлиги.

Драма тўғарагига актерлик лаёқатига эга адабиёт ўқитувчисининг раҳбарлик қилиши. Саҳнага қўйиладиган асарлардаги персонажларнинг нутқини алоҳида-алоҳида кўрсатиб бера оладиган раҳбаргина мазкур тўғарак ишларини яхши олиб бориши мумкинлиги.

Адабий-ўлкашунослик тўғарагига ўз ўлкасини, маҳаллий шариқтани, ўз туманидан етатиб чиққан машҳур кешиларнинг яхши билган адабиёт ўқитувчисининг раҳбарлик қилиши. Унда халқ оғзаки ижодини ёзиб олиш кўникмаси, архив ҳужжатларини ўрганишга қизиқаш фазилати, ўз ишига масъулият билан қараш туйғуси мавжуд бўлиши лозимлиги.

Адабий-ижодий тўғаракда раҳбарнинг асосий мақсади ўқувчиларни ижод қилишга ўргатишдан иборат эканлиги. Ўқитувчи тўғарак аъзоларига ижод қилиш жараёнидаги мураккабликлар ҳақида маълумот бериши. Ижод қилиш кашфиёт яратиш билан тенг экани. Ижодкор ўз асарида оддий одамлар деярли сезмаган ёки сезса-да оўз воситасида ифодамай олмаган ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиши мумкинлиги. Шеър эса шоирнинг ҳаётда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз муносабатини ҳис туйғулари орқали билдириш воситаси экани. Унда гузал-бадиий ифодалар, эзгу ниятлар, доно фикрлар ўзаро мужассам тарзда намоён бўлиши.

Ўқитувчи тўғарак аъзолари ижодига эҳтиёткорлик билан ёддо-



пиши кераклиги. Биринчи машқларда тўғри топилган ҳар бир сўз, ибора, фикр, бадий санъат ўқитувчи диққатидан четда қолмаслиги зарурати. Бу босқичда ўқувчининг ҳар бир ютуғини тақдирлаш, бир оғиз ширин сўз билан ташкидлаб уташнинг фойдали экани.

Тугарак аъзоларининг ижод намуналари машғулотларда ўқиб таҳлил этилише. Таҳлилнинг дўстона ва ижодий муҳитда ўтказиш лозимлиги. Аъзолар томонидан маъқул деб топилган асарларни аввал мактаб деворий газетасига, иккинчи навбатда "Еш ижодкор" журналига (бу журнал мактабда уюштирилади), кейинчалик эса туман, вилоят, республика вақтли матбуотига тавсия қилиш тажрибаси.

Тугаракнинг қизиқарли уюштирилиши учун мактабда мушоиралар, ижодкорлар танловини ўтказиб туришнинг мақсадга мувофиқлиги.

Ифодали ўқиш тугаракига кўпроқ У-IX синф ўқувчиларини жалб қилиш тажрибаси. Ўқори синф ўқувчиларидан эса ўта қизиқувчиларни тугаракка тақдир қилиш. Тугаракнинг асосий мақсади ўқувчиларга бадий асарни тўғри ўқий олишни ўргатиш. Тугаракнинг иш режасида ифодали ўқишга доир назарий ва амалий вазифаларнинг урин олиши зарурати. Хусусан, Туркистонда ифодали ўқишга бўлган қизиқиш тарихидан тортиб турли бадий жанс ва жанрдаги асараарни ўқишгача, ифодали ўқиш воситалари юзасидан маълумот беришдан тортиб аруз ва бармоқ вазнидаги шеърларни ўқиш уюлларигача бўлган тушунча ва кўникмалар тугаракнинг иш режасида қайд этилише.

Тугарак раҳбари дастлаб ифодали ўқиш асар мазмунини тўла ўзлаштириш воситаси эканини аъзоларга аниқлаштириши ва бунинг амалда кўрсатиб бериши. Ифодали ўқишда кўтаринки, ҳикоя, ҳазин оҳанглардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтирише. Асарни ўқишнинг асосий оҳангини унинг мазмуни белгилаши.

Наорий, шеърый, драматик асарларни ўқишдаги ўзига хослик. Уларни ўқиш жараёнида асар матнидаги лавҳалар мазмунига кўра оҳангнинг ўзгариб туриши. Наорий асарларни ўқишда адиб асар қаҳрамонлари ички алоҳида овоз билан ўқишнинг зарурлиги. Шеърый асарларни ўқишда вазнга, ритмга эътибор бериш кераклиги. Аруз вазнидаги асарларни ўқишдан олдин баҳрларни, баҳр парадигмасини аниқлаб машқ қилиш, шундан сўнггина асарни ўқишга киришишнинг аҳамияти. Аруз вазни ҳақида ибтидоий маълумот беришнинг зарурлиги.

Ифодали ўқиш воситалари юзасидан маълумот бериш: интонация

сўзловчининг, ифодали ўқийётган шеҳонинг ўқийётган асарга нисбатан муносабатини биддирувчи товуш товланиши экани. Интонация тингловчининг асарни адиб хоҳлаганидек қабул қилинишига йул очувчи восита экани. Пауза асар матнидаги тиниш белгилар орқали мазмунни тўғри аниқлаш йулидаги тин олиш экани. Паузанинг грамматик ва мантиқий турлари ҳақида маълумот берил. Грамматик паузанинг матнидаги тиниш белгилари билан боғлиқлиги. Мантиқий паузанинг матнидаги синтагмадар ва эмционал ифодалилик билан алоқадор экани. Ургу асар матнини ташкил этган жумлалардаги бирор сўзни ёки сўздаги бирор товушни алоҳида ажратган ҳолда талаффуз этилиши экани. Ургунинг сўз ургуси, мантиқий ургуларга бўлиниши ҳақида.

Тугаракда бадиий жиҳатдан мукамал асарларни ифодали ўқилишини ташкил қилишнинг фойдали жиҳатлари. Ифодали ўқиб тугарақнинг ўқувчилар эстетик дидини шакллантириш, бадиий адибнинг қизиққан шахсни етиштиришдаги ўрни ва аҳамияти.

Драма тугарақини ушатиришда ташкилий ишларга аҳамият беришнинг зарурлиги. Унга актерлик санъатига қизиққан ўқувчиларнинггина жало қилеш лозимлиги. Мазкур тугарак ишини йулга қўйишда юқори санф ўқувчиларига суяннишнинг фойдали экани. Драма тугарақининг мактабда фаол ишлаши ўқувчиларнинг мейнавий дунёсини бойитишда муҳим аҳамият касб этиши.

Драматик тугаракнинг асосий вазифаси бадиий етук асарларни саҳналантириш экани.

Саҳнага қўйилиши лозим булган асарлар тугарак аъзолари ўртасида ифодали ўқиб чиқилиши. Ҳар кимнинг эқтидори ва имкониятига яраша ролларнинг тақсимланиши. Асарни ролларга бўлиб ўқиб чиқиш. Саҳналантиришнинг режасини, саҳна жиҳозларининг қурилишларини ишлаб чиқиш зарурати.

Машғулотларнинг яқини сифатида асарни мактаб саҳнасида қўйиш. Ўқувчиларнинг диққатини саҳналантиришдаги мураккабликларга қаратиш.

Тугаракда репертуарнинг мукамал бўлишига эришил. Тайёрланган саҳна асарларининг сифат жиҳатидан талаб даражасида бўлишини таъминлаш.

Ички имкониятлардан хелиб чиққан ҳолда марказий ёки вилоят драма театрларида томоша қуришни уштираш. Кейинчалик тугарак аъзолари ўртасида қурилган спектаклни таҳлил қилишнинг фойдали

экане. Тугарак раҳбари ташаббуси билан таҳрибали актёрлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказиш.

Адабий ўлкашунослик тугараги мактаб ўқувчиларининг яшаётган муҳитга, она табиатга, турғилиб ўсган туманга ва охир пировардида Ўзбекистонга нисбатан меҳрنا, муҳаббатни шакллантириш воситаларидан экани. Тугаракнинг бу тури машғулотларининг кўпроқ амалий фаолият билан боғлиқлиги. Адабий ўлкашунослик тугараги аъзоларининг бир неча соҳалар бўйича иш олиб боришлари. Бир гуруҳ ўқувчилар маҳаллий шароитда одат тусига кирган расм-русмлар тавоифини тундашлари. Ҳар бир расм-русумни муфассоал баён қилиш, уларни ўтказиш пайтида оғзаки ижоддан фойдаланишнинг ўрнини аниқлаш, оғзаки ижод намуналарини ёзиб олиш тугарак аъзоларининг вазифаларидан экани.

Иккинчи гуруҳ эса бутун эътиборини халқ оғзаки ижоди асарларини ёзиб олишга қаратиши. Маҳаллий ҳудудда яшаётган халқ кўшиқлари, ўланлари, дostonлари ва бошқа жанрлари намуналарини яхши билган кешилардан асарлар ёзиб олиш ана шу гуруҳ эммасида бўлади. Фольклор асарларини ёзиб олишда айтувчининг исми шарифи, кимдан, маълумотини, турар жойини, асарни кимдан ўрганганли, яна қандай асарлар билгани, санани ва бошқа маълумотларни қайд этиш зарурати.

Учинчи гуруҳ вакиллари маҳаллий жойда яшаб ўтган ёки яшаётган беҳишлар, шеърлар, адиблар, адабиётшунослар ҳаёти ва ижодига тевандуқли маълумотларни тундашлари. Тарихий аҳамиятга эга бўлган кетоб, кўдэзма ва жиҳозларни йиғишлари.

Мактабда музей ташкил қилиш, уни жиҳозлаш, тўпаланган ашёларни картотекаларга қайд этиш, нодир янгиликлар ҳақида вақтли видоят, республика матбуотига хабарлар бериш адабий-ўлкашунослик тугараги аъзолари фаолиятининг амалий татбиқи эканлиги.

Мактаб ўқитувчиларининг вазифасига ўқувчилар аштирокида адабий кўргазмалар уюштириш, театр ва киноларга сафарлар уюштириш каби тадбирларнинг ҳам тааллуқли экани ҳақида маълумотлар бериш.

## А д а б и ё т д а н   ф а к у л ь т а т и в м а ш ғ у л о т л а р

Адабиётдан факультатив машғулотларнинг ўқувчилар адабий

савиясине оширишдаги ўрни, унинг ўқув ва синфдан ташқари ишлар билан боғлиқлиги . Факультатив машғулотларнинг мақсади, вазифаси ўқувчиларга адабиётдан чуқурлаштирилган билим бериш, уларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш салоҳиятларини, маданий савияларини кенгайтиришдан иборат эканлиги.

Факультатив машғулотларнинг X-XI синфлар учун тузиладиган дастури, унинг тамойиллари ва ўзига хос хикمتлари.

Адабиёт дarsi ва синфдан ташқари ишлардан фарқли ўларoқ факультатив машғулотлар методикасининг ўзига хос хусусиятлари. Ўқувчиларнинг адабиётшунослик фанига қизиқишларини оширишда, адабиёт ва маданият соҳасида билимларини мустақил бойитиб бoришларида факультатив машғулотларнинг аҳамияти.

МУНДАРИЖА

УҚТИРИМ ХАТИ . . . . .	3
I БЎЛИМ. АДАБИЁТ УҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ . . . . .	12
II БЎЛИМ. ТУРКИСТОН АДАБИЁТ УҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ТАРИХИДАН	22
III БЎЛИМ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ДИНГА МУНОСАБАТ. . . . .	28
Мақтабда тасаввуф . . . . .	29
IV БЎЛИМ. АДАБИЁТ УҚИТИШ МЕТОДЛАРИ, ШАКЛЛАРИ, УСУЛЛАРИ, ТИПЛАРИ . . . . .	30
А д а б и ё т у қ и т и ш м е т о д л а р и	
✓ Исходий ўқим методи . . . . .	
Мусохаба методи . . . . .	
Тадқиқот методи . . . . .	31
✓ Репродуктив метод . . . . .	
А д а б и ё т у қ и т и ш ш а к л л а р и	
Ваъзхонлик . . . . .	32
Суҳбат . . . . .	
Мустанфя яш . . . . .	
Адабий экскурсия . . . . .	33
Сценарийли ўқитиш . . . . .	
Конференсия дарслари . . . . .	34
Назм дарслари . . . . .	
Муобакка дарслари . . . . .	
Семинар дарслари . . . . .	35
А д а б и ё т у қ и т и ш у с у л л а р и	
Адабиёт уқитиш типлари . . . . .	36
Қироатхонлик таълими . . . . .	
Намунавий таълим . . . . .	37
✓ Муаммоли таълим . . . . .	
Муаммоли вазият ҳосил қилиш йўллари . . . . .	
У БЎЛИМ. АДАБИЙ АСАРНИ ЎРГАНИШ . . . . .	38
○ К и р и ш м а ш ғ у л о т л а р и . . . . .	39
Шарҳли ваъзалар . . . . .	
Ўзувчининг таржима ҳолини ўрганиш . . . . .	41
Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш	
ва эътиборини жалб қилиш . . . . .	42
Тарихий маълумот бериш . . . . .	

Англашилмаган сўзларни тушунтириш . . . . .	43
<b>МАТН УСТИДА ИШЛАШ</b> . . . . .	
Адабий асарни ўқишнинг шак - лига кўра турлари (шарҳлаб ўқиш, жўр булиб ўқиш, рўлларга булиб ўқиш...) . . . . .	
Адабий асарни ўқишнинг мазмунига кўра турлари . . . . .	44
Мантиқий ўқиш . . . . .	
Адабий ўқиш . . . . .	
√Ифодали ўқиш . . . . .	45
Бадиий ўқиш . . . . .	
Адабий -назарий тушунчаларни ўрганиш . . . . .	
<b>АДАБИЙ АСАР ТАҲЛИЛИ</b> . . . . .	47
Адабий асарни жанр хусуси ятларига кўра ўрганиш . . . . .	53
Эпик асарларни ўрганиш . . . . .	
Лирик асарларни ўрганиш . . . . .	56
Драматик асарларни ўрганиш . . . . .	58
○ Яқунловчи машғулотлар . . . . .	60
<b>УЇ БЎЛИМ МАКТАБДА АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ</b>	62
Адабиёт ўқитувчисининг фа олияти ва унга қўйиладиган талаблар . . . . .	-
Адабиёт ўқитувчисининг дарсга тайёрланиши . . . . .	67
Адабиёт даролари . . . . .	70
Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ўстириш . . . . .	72
Ўқувчилар билимини баҳолаш дарс кузатиш ва таҳлил қилиш . . . . .	84
Синфдан ва мактабдан ташқа ри ишлар . . . . .	86
Адабиётдан факультатив машғулотлар . . . . .	91
Тузувчилар:	Қ.Йулдошев О.Мадаев А.Абдураззоқов

2000

2

Beeline